

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НИШОНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

РАСУЛОВА ФЕРУЗА ШАВКАТОВНА

АВАЗ ЎТАР ЎГЛИНИНГ МАЪРИФИЙ=ПЕДАГОГИК  
ҚАРАШЛАРИ

Мутахассислиги I3.00.01 - педагогика назарияси  
ва тарихи

Илмий раҳбар: И.О.ОБИДОВ,  
академик, педагогика фанлари  
доктори, профессор.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган ДИССЕРТАЦИЯ

РНТВ ГФНТИ

Тошкент - 1993

## МУНДАРИЖА

Бет

Кириш..... 3 -II

### БОБ. АВАЗ ЎТАР ЎГЛИНИНГ МАЪРИФИЙ=ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ=ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

= §. Аваз Ўтар ўглиниң маърифий=педагогик қарашларини таъминлаган омиллар .....	I2-25
= §. Аваз Ўтар ўглиниң маърифий=педагогик қарашларида шахснинг маънавий камолоти ва эрк ғоялари .....	25-35
: §. Аваз Ўтар ўглиниң маърифий=дидактик қарашлари ...	35-51
Х у л о с а .....	52-53

### БОБ. АВАЗ ЎТАР ЎГЛИНИНГ АХЛОҚИЙ=МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

§. Аваз Ўтар ўглиниң ахлоқий тарбия тўғрисидаги фикр-лари .....	54-76
§. Аваз Ўтар ўғли меҳнат тарбияси ва касб=хунар таълими тўғрисида .....	76-88
§. Аваз Ўтар ўғли меросининг маърифий=педагогик аҳамияти .....	88-94
Х у л о с а .....	94-95
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР .....	96-I00
АДАБИЁТЛАР .....	I0I-I06
ИЛОВА .....	I07-I33

## К И Р И Ш

Мавзунинг долзарбилиги. Мустақиллик туғайли бошланган буюк тарихий тараққиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар турибди. Ана шулардан бири миллий истиқлол мағкурасини яратиш ва шу асосда ёш авлод таълим-тарбияси билан бөғлиқ бўлгани халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш асосий масала бўлиб қолди. Бундан асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг келажакдаги фуқароларини, яъни фаол ижтимоий шахсларни тарбиялаш, халқ хўжалиги, бошқарув идоралари, фан-техника ва маданиятнинг барча соҳалари учун етук ихтисосли мутахассисларни тайёрлашдан иборатdir. Бунинг учун эса умумбашарий қадриятлар асосида Республикализнинг миллий давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига мос келишини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бўлгани каби маданий=маънавий мероси ва умуминсоний қадриятларга асосланган ўз миллий таълим=тарбия тизими бўлиши керак. Бу ҳақда Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон келажаги буюк давлат", "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик" номли ва бошқа асарларида, маърузаларида, нутқларида бир неча бор таъкидланмоқда. Мустақиллик шароитида: "Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади, - дейди Ислом Каримов. Бунда ўзбек халқининг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимига узвий равишда киритилиши зарур"<sup>I</sup>. Чунки ўзининг ўтмисш маданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам ўзининг

<sup>I</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. "Ўзбекистон", Тошкент, 1992, 22= бет.

шахарасини, ўзининг илдизини, авлод-аждодлари босиб ўтган йўлни, миллий истиқлолимиз, эркимиз ва озодлигимиз йўлида жасорат кўрсатган буюк зотлар, халқ қасоскорларининг номлари, курашларининг туб моҳияти ва негизини билмайди ва билолмайди. Ундан одамнинг, ўшандай миллат ва халқнинг келажаги, истиқболи бўлмайди. Шундай экан, Мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси ва янги таълим=тарбия тизими халқимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб=асраб келаётган илмий билим хазиналарига, бой қадимий меросимизгана соссланиши лозим. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, "Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлади, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қиёчинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди"<sup>I</sup>.

Маълумки, жумхуриятимизда "Халқ таълими тўғрисида"ги Қонунни ҳаётга жорий этишда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда иш қилинмоқда. Шунинг учун ҳам, "Халқ таълими тўғрисида"ги Қонунда алоҳида қайд этилганидек муаллимлар: "... болада меҳнатсеварлик, яхшилик ва мурувват туйғусини, Ватанга, ёши улувларга, давлат тили ва она тилига, оиласа, миллий, тарихий қадриятлар ва маданият қадриятларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялашдари шарт"<sup>I</sup>. Шундай экан, бобокалонларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларда ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақидаги пурҳикмат фикрлар борки, булар бугунги халқ таълими тараққиёти учун ва миллий мактаб яратиш борасида, шу билан бирга ёшларимизда инсонпарварлик,

<sup>I</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. "Ўзбекистон", Тошкент, 1992, 72= бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. "Халқ таълими" ойномаси, 1992 йил 10-12= сонлари, 8= бет.

поклик, имон-эътиқод, раҳм=шафқат, муруват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, қаҳрамонлик сингари туйғуларни тарбиялашда амалий дастур бўлиши мақсадга мувоғиқдир. Шу жиҳатдан қараганимизда, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб, ижод қилган маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғлининг (1884-1919) маърифий-педагогик меросини ўрганиш ва унинг Ўзбекистонда педагогик фикрлар тараққиёти тарихида тутган ўринини кўрсатиб бериш ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан долзарблигини ҳамда янгилигини белгилайди.

Маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғлининг асарлари халқ қалбидан шунинг учун ҳам чукур жой олганки, унда феодал-хонлик тузумига, жаҳолатга, нодонликка, ҳақсизликка очиқдан=очиқ қарши чиқиш, меҳнатқашларни хурриятга даъват этиш, инсоннинг эрк=ҳуқуқи, бурчива гўзал одоб=ахлоқи ҳақида қайгуриш, энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб этиш, халққа маърифат ва зиё тарқатиш, шахснинг жисмоний ва мальавий камолоти тўғрисидаги ғоялар ўз ифодасини топган. Шоирнинг бу ғоялари бизнинг замон руҳига ҳамоҳанг бўлиб, ҳали-хануз ўзининг маърифий-тарбиявий қимматини йўқотмаганлиги табиийдир.

Аваз Ўтар ўғлининг асосий асарлари иккита девони: "Девони Аваз"<sup>1</sup> (1908 й.) га ҳамда кейинги йилларда нашр этилган "Танланган асарлар"<sup>2</sup> ига жамланган бўлиб, кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, шоирнинг илм=маърифат ва таълим=тарбия ҳақидаги қарашлари Ўзбекистонда педагогик фикрлар тараққиёти тарихига улкан бир ҳисса

<sup>1</sup> Девони Аваз. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, Инв. № 942; 3451.

<sup>2</sup> Аваз Ўтар. Танланган асарлар. Т., 1951; Танланган асарлар, Т., 1956; Аваз. Сайланма. Т., 1984.

бўлиб қўшилади, албатта<sup>I</sup>.

Мавзунинг ўрганилиши. Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва ижоди илм аҳлини кўпдан бери қизиқтириб келмоқда, Айниқса, тарих, фалсафа, хуқуқшунос, тилшунос ва адабиётшунос олимларимизнинг хизматлари таҳсинга сазовордир<sup>2</sup>. Тадқиқотчилар Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва иходини диққат қилиб, унинг ўз даври маърифатпарвар шоирлари уртасидаги мавқеини ва ўзбек адабиётидаги ўрнини, ижтимоий=сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар. Пировардида, бу тадқиқотчилар Аваз Ўтар ўғли иходига бағишлиланган ишларида ва илмий мақолаларида маърифатпарвар шоирнинг маърифий=педагогик қарашларини махсус ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганлар. Бироқ, кейинги йилларда Аваз Ўтар ўғлининг маърифатпарварлик қарашларига бағишлиланган бир қанча илмий=назарий мақола-

<sup>I</sup> Н.М.Билялов. Из истории культуры и просвещения в Хорезме. Ургенч, 1967; История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т., "Фан", 1976; А.Мухамеджанов: Вопросы воспитания в узбекской классической литературе. Т., "Фан", 1986; С.Хасанов. Хоразм мутафаккирлари таълим ва тарбия тўғрисида. Т., "Ўқитувчи", 1985; Аваз Отар-оғли. "Ўқитувчи", Т., 1985; Антология педагогической мысли в УзССР. М., "Педагогика", 1986.

<sup>2</sup> Ю.Дсупов. Аваз Ўтар ўғли. "Гулистон" ойномаси, 1940 йил, б=сон; Лаффасий. Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоллари (1944 й.). ЎзССР ФАШИ, қўлёзмалар фонди, инв. № 9494; Ю.Дсупов, "Аваз". Адабий биографик очерк. Т., 1961; Ю.Дсупов. Хоразм шоирлари. Т., 1967; В.Мирзаев. Аваз Ўтар ўғли. Т., 1961; Ю.Дсупов. Ўт чақнаган сатрлар. Т., 1983; Г.К.Каримов. Ўзбек адабиёти тарихи. Т., 1987; М.Қўшжонов. Ҳаёт - адабиёт кўзгусида. Т., 1985; "Ўзбек тили ва адабиёти" ойномаси, 1989 йил З=сон; Ж.Жумабоева. Ўзбек совет шеъриятининг шаклланиш хусусиятлари. Т., 1991.

лар эълон қилинди<sup>1</sup>.

Пировардида, Б.Романованинг "XIX аср охири XX аср бошида Хоразм маърифатпарвар шоирларининг педагогик фикрлари"<sup>2</sup> мавзусида ёзилган ва 1978 йилда ҳимоя қилинган номзодлик илмий ишида Аваз Ўтар ўғлининг таълим=тарбияга оид қарашлари умумлаштирилган ҳолда баён этилган (атиги 5-6 бет ажратилган)холос. Ваҳоланки, маърифатпарвар шоирнинг маърифий=педагогик қарашлари қатор муаммолар асосида кенг ва атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Мавжуд илмий-оммабоп, монографик адабиётларни, дарсликларни, илмий ишларни ўрганиб ва таҳлил этиб шундай умумий хуносага келиндики, Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик қарашларини монографик асосда тадқиқ этиш ҳозирги кунда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб масала эканлиги маълум бўлди. Бу эса мазкур илмий ишимизнинг мавзусини белгилаб берди.

Натижада Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик қарашлари монографик асосда тадқиқ қилиниб умумлаштирилди ва бу иш билан Ўзбекистонда педагогик фикрлар тараққиёти тарихидаги ана шу мавзунинг бўш ўрни тўлдирилди деяк, муболага бўлмайди, албатта.

Тадқиқот предмети сифатида Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик қарашларининг ҳозирги кундаги назарий ва амалий аҳамияти кенг асослаб берилди.

<sup>1</sup> М.Сабиров. Узбекские просветители-демократы Фуркат, Аваз о школе воспитании. Ученые записки. ФГИ; Выпуск-3, Фергана, 1957; М.Йўлдошев. Хоразм совет шоирларининг маориф ва маданият ҳақидаги қарашлари. "Совет мактаби", 1963, З=сон; Б.Романова. Хоразм маърифатпарвар шоирлари. "Совет мактаби", 1975, 8=сон; С.Ҳасанов, Ф.Расулова. Мутафаккирларнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. "Совет мактаби", 1991, 12=сон; Ф.Расулова. Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=тарбиявий қарашлари. "Халқ таълими", 1993, 1=сон.

<sup>2</sup> Б.Романова. "Педагогические мысли Хорезмских поэтов-просветителей конца XIX начала XX вв". АРКД. Ташкент, 1978.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу тадқиқотнинг мақсади Аваз Ўтар ўғлиниг маърифий=педагогик қарашларини монографик асосда кенг таҳлил қилиб, яхлит ҳолга келтириш ва шу орқали унинг педагогик меросининг Ўзбекистондаги миллий мактабларда таълим=тарбия ривожи учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятини асослаб беришдан иборатдир. Шу муносабат билан қўйилган муаммолар бўйича белгиланган мақсаддан ва илгари сурилган илмий фараздан келиб чиқсан холда қўйидаги вазифалар қўйилади:

- Хоразмдаги ижтимоий=сиёсий шароит ва маданий ҳаётнинг Аваз Ўтар ўғлини маърифий=педагогик қарашларининг шаклланишига таъсирини ёритиш;
- маърифий=педагогик фикрлар тараққиёти тарихида Аваз Ўтар ўғлиниг маърифий=педагогик ғояларининг аҳамиятини кўрсатиш;
- маърифий=педагогик қарашларини монографик асосда таҳлил қилиб, яхлит ҳолга келтириш ва шу асосда унинг Ўзбекистонда педагогик фикрлар тараққиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;
- маърифий=педагогик меросини ҳозирги кунда мактаблардаги маҳсус педагогик синфларда ва лицейларда, ўрта маҳсус билим юртларида ўрганиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ таълими тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессия материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асалари, нутқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқ таълими тараққиёти билан боғлиқ қарорлари, таниқли тарбияшунос, руҳшунос ва адабиётшунос олимларнинг асалари ташкил этади. Шунингдек, биз ахлоқнинг ижтимоий моҳияти, ахлоқий тарбия, қадимий анъаналар ва маданий қадриятларнинг ижтимоий ҳаётда ва таълим=тарбия

жараёнидаги аҳамияти тўғрисидаги илмий=назарий таълимотга ва ўтмишдаги илғор мутафаккирларнинг маданий меросига ҳам суюндиқ. Шу билан бирга, биз ўз тараққиётимизда умуминсоний ва миллий қадриятларни ижтимоий ҳаётимизнинг асоси ҳамда таълим=тарбия воситаси деб қарашдек ақидадан ҳам келиб чиқдик.

Тадқиқот манбайини бевосита маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғлиниң шеърий девони, шоир замондошлари, қариндошлари ва зиёлиларнинг хотиралари, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессия материаллари, президентимизнинг асарлари, нутқлари ташкил этади, ишда қайд қилинган манбалардан олинган мисоллар асарнинг номи ва сахифаси билан кўрсатиб берилди.

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини янада чуқурроқ ва батафсилоқ ёритиш мақсадида бир неча тадқиқот методлари (усуллари)га мурожаат қилинди: фалсафий, тарихий, психологик-педагогик йўналишдаги адабиётлар қиёсий=тарихий, тавсифий усулда ўрганилди ва таҳлил этилди, мактабларда анкеталар, сўроқлар, сухбатлар, адабий кечалар ўtkазилиб, илғор ўқитувчиларнинг дарслари кузатилди ва уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб оммалаштирилди. Шу асосда Аваз Ўтар ўғлиниң маърифий-педагогик меросини ўрганиш бўйича тавсияномалар ва машғулотларнинг назарий-амалий ва услубий ишланмалари тайёрланди.

Тадқиқот базаси сифатида Хива тарих-ўлкашунослик музейи, Төшкент шаҳридаги 227, 23, 41= ўрта мактаблар, Хоразм вилоятининг Хива туманидаги 8, 10, II ва Янгибозор туманидаги II, I9, 23, 29= ўрта мактаблар, Самарқанд вилоятининг Темириўл туманидаги 63=ўрта мактаб, Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги I5= ўрта мактаб, А. Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институти ва Хоразм вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш инсти-

тути танланди, ташкилий=педагогик ва амалий томондан эса тадқиқот натижалари ана шу халқ таълими муассасаларида синовдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий жиҳати. Тадқиқотчи томонидан Аваз Ўтар ўғлини маърифий-педагогик қарашлари яхлит ҳолга келтирилиб биринчи марта таҳлил қилинди ва унинг Ўзбекистонда педагогик фикрлар тараққиёти тарихида тутган ўрни кўрсатиб берилди.

Мазкур тадқиқотнинг илмий-амалий жиҳатдан аҳамияти шундақи, ҳозирги кунда ана шу тадқиқот натижаларидан педагогика институтлари ва университетларда, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, умумтаълим мактабларида ўқитувчилар ва олимларимиз томонидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда.

Ҳимояга қўйидагилар қўйилди:

- Аваз Ўтар ўғлининг шахснинг маънавий камолоти ва эрк ғояларининг Ўзбекистон халқлари ижтимоий=педагогик тафаккур тарихидаги аҳамиятини кўрсатиш;
- маърифий-педагогик қарашларини таҳлил қилиб, яхлит бир ҳолга келтириш ва шу асосда унинг маърифий-педагогик меросининг ўзига хос томонларини кўрсатиб бериш;
- ўқувчи ёшларни Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик меросини ўрганиш жараёнида илм ўрганиш, тарбия ва тарбият, дўстлик ва меҳр, саҳоват, сабр=тоқат ва қаноат, ростгўйлик ва меҳнатсеварлик каби умуминсоний ғазилатлар руҳида тарбиялаш бўйича мактабдан ва синфдан ташқари ўtkaziladigan машғулотларнинг ишланмаларини бериш.

Тадқиқот натижаларини ўтказиш ва тарғиб қилиш, оммалаштириш  
А.Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти, Тошкент шаҳар ва Хоразм вилояти ўқитувчилар

малакасини ошириш институтида тингловчиларга ўқилган маъruzалар орқали, ҳамда ўқитувчиларнинг ҳар йили ўтказиладиган анъанавий Август кенгашларида чиқишлар орқали амалга оширилди. Тадқиқот натижалари ҳақида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва 2= Тошкент давлат тиббиёт институти профессор ўқитувчиларининг 1990-1993 йилларда ўтказилган илмий=назарий, илмий=методик анжуманларида ахборот берилди.

Шунингдек, тадқиқотниң асосий мазмуни қуйидаги илмий=оффабоп ва ўқув=методик ишларда ўз ифодасини топган: "Ёш педагог" дастури (умумтаълим мактабларининг маҳсус педагогика синфлари учун (ҳаммуаллиғ А.Авлоний номидаги РХТҲМОИ, Ўзбекистон Педагогика жамияти, Тошкент; 1991, 3,2 босма табоқ); "Просветительско-педагогические идеи Аваз Отар-оглы" (А.Авлоний номидаги РХТҲМОИ, Ўзбекистон педагогика жамияти, Тошкент, 1991, 2,5 босма табоқ); "Муттафаккирларнинг маърифий-ахлоқий қарашлари" (ҳаммуаллиғ), "Совет мактаби" ойномаси, 1991, 12= сон (1 босма табоқ); "Аваз Ўтар ҳаёти ва ижодини мактабда ўрганиш" ("Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1991, 1,78 босма табоқ); "Адабиёт дарсларида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш" (ҳаммуаллиғ, "Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1991, 2 босма табоқ); "Аваз Ўтарнинг маърифий=тарбиявий қарашлари" ("Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, 1992, 1,51 босма табоқ), "Аваз Ўтарнинг маърифий=тарбиявий қарашлари". "Халқ таълими" ойномаси, 1993 йил, 1= сон (0,5 босма табоқ).

Ишнинг тузилиши. Иш кириш, икки боб, умумий хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

БИРИНЧИ БОБ. АВАЗ ЎТАР ЎГЛИНИНГ МАЪРИФИЙ=ПЕДАГОГИК  
ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ=ПЕДАГОГИК  
АСОСЛАРИ

I=§. Аваз Ўтар ўглининг маърифий=педагогик қарашларини  
таъминлаган омиллар

Маълумки, одамни табиат яратади, лекин уни ўстирувчи, салоҳиятли қилувчи муҳит – жамиятдир. Шундай экан, ҳар бир тарихий шахснинг ижодий фаолиятини у туғилган ва уни вояга етказган ижтиёмий муҳит, ижод қилган шароитини ҳисобга олмасдан туриб, тўғри таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир шахснинг дунёқараши ижтиёсиёй, иқтисодий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар ва юксалишлар билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам биз Аваз Ўтар ўглининг маърифий-педагогик қарашларини таҳлил қиласиз эканмиз, XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмдаги ижтиёмий=сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётнинг Аваз Ўтар ўглини маърифатпарвар шоир сифатидаги камолотига, унинг онгини, дунёқарашини ва маърифий-педагогик қарашларининг шаклланishiiga жамият, ижтиёмий муҳитнинг кўрсатган улкан таъсири баёнидан бошлини лозим топдик. Тарихнавис олимларимизнинг таъкидлашича, XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлиги ҳудуди анча кенгайди, ҳокимиёт эса марказлашди, савдо=сотик, ҳунармандчилик, меъморчилик, китобиёт ва хаттотчилик, таржима ва мусиқа; тасвирий санъат ривожланди. Феруз таҳаллуси билан шеърлар ёзган Муҳаммад Раҳимжон Соний (Феруз) ҳукмронлиги даврида (1863-1910 йилларда) мамлакатда маълум маданий ишлар амалга оширилди, янги мачитлар ва мактаблар қурилди, мадрасаларда ўқитиш ишлари ривожланди. Таниқли адабиётшунос олим В.Мирзаев ёзганидек, "ҳақиқатан ҳам XIX

асрнинг ўрталарига келиб, Хоразм маданий ҳаётида алоҳида тарақ-қиёт юз берди. Илгари вайрон бўлиб кетган тарихий бинолар қайтадан тикланди. Янгидан сугориш иншоотлари, карвонсаройлар ва 60 га яқин масчит, мадрасалар барпо этилди<sup>1</sup>. Хива ва унинг теварак-атрофидаги илм аҳли, шоир ва адабиётчилар саройга йиғилиб, илмий=адабий марказ вуждуга келтирилди. Муҳаммад Раҳимхоннинг бевосита ҳомийлиги остида ўнлаб истеъодли шоирлар, ажойиб созандалар, хуснихат эгалари – хаттолар етишиб чиқди. Айниқса, Хивада лито-босмахона (тош босма)нинг барпо этилиши Муҳаммад Раҳимхон амалга оширган маърифий ишларнинг бири бўлди. Бу даврда, ҳатто, маданий ишлар ривож топган Тошкентда ҳам ҳали бунақа босмахона қурилмаган эди.

1874 йили Хивага Эрондан иккита тош босма дастгоҳи келтирилди. Бу дастгоҳларни эронлик Иброҳим Султон билан хивалик шогирди Отажон Абдалов ишлатиб, 1876 йили тош босмада илк марта Абу Носир Фарроҳнинг "Насиб-ус-сибён" асарини чоп этишди. Шу йили эса Алишер Навоийнинг "Ҳамса", "Чор девон" асарлари ҳам яхлит ҳолда нашр этилди.

Хуллас, Хоразмда матбаачилик ишларининг йўлга қўйилиши маҳаллик ҳалқ учун муҳим маърифий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалардан бири эди.

Муҳаммад Раҳимхон ўз даври зиёлиларини сарой атрофига йигар экан, улар қаламининг янада ўткир, жозибали бўлиши устида қайфурди. Ҳар бир шоирнинг шеърларини жамъ қилиб, девон тузиш каби маърифатпарварлик ишларни амалга оширди. Ўша даврда деярли барча шоирлар битта – иккитадан ўз ғазалларининг мажмуасини туздилар. Бунинг натижасида юзга яқин девон ва баёз китоблари Хива тош босмахонасида нашр этилди. Бу девон ва баёз китобларининг яратилишига

<sup>1</sup> В.Мирзаев. Аваз Ўтар. ЎзФА нашриёти, Т., 1961, 6= бет.

бевосита Мұхаммад Раҳимхоннинг ўзи бошчилик қилди, Уларга кетадиган мөддий харажатларни ўз зиммасига олди.

"Хоразмда баёзчиликнинг кенг тарақкий этиши натижасида "Баёзи мусаддасот", "Баёзи мажмуаи ашъор", "Баёзи муҳаммасот" ва "Баёзи ашъор" каби баёзлар вужудга келди. Бу баёзлар ўзининг ўзининг тузилиши, шеърларининг ғоявий мазмунни, китобат услуби ҳамда хуснихати билан алоҳида ажралиб турди. Бу ишларга бевосита Мұхаммад Раҳимхон хомийлик қиласарди"<sup>I</sup>. Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс Мұхаммад Раҳимхон фаолиятини "буюк маърифатпарварлик" деб баҳолаган эди.

Феруз раҳбарлиги остида Табиийнинг "Мажмуат-уш-шуаро", Баёнийнинг "Шажараи Хоразмшохий" асарлари яратилдики, натижада биз Хоразм халқлари тарихи ва маданийти жуда кўплаб ижодкорларнинг асарлари билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Бу даврда Хоразмдан китобиёт ва хаттотлик, таржима соҳасида Комил Хоразмий, устод Мұхаммад Паноҳ, Мулла Болтаниёз Ҳаррат, Ҳудойберган муҳркан девон, Мулла Каримберган девон ибн Раҳимберган Хоразмий, Мұхаммад Шариф Тарро девон, Матёқуб Ҳарро девон, Бобоҷон Маҳмуд девон Тарраҳ ибн Абдулазиз Маҳдум (Ходим), Мұхаммад Нозим Хоразмий, Отажон Маҳмуд, Мұхаммад Рофиъ бинни Нурицдин Маҳмуд Хоразмий, Қўшмуҳаммад Сўфи ўғли Ҳудойберган, Мұхаммад Ёқуб Бешариқий, Диловархўжа Ҳанқалиқ, Мұхаммад Охунд, Жаъфархўжа ал-Ҳусайний ал-Ҳазораспий, Мұхаммад Ризо Ҳевакий ва бошқа маърифатпарварлар етишиб чиққанлигини кўрамиз.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразм воҳасии халқлари ҳаётида тарихий ходиса юз берди. Чор Русияси Ҳива хонлигини босиб олиб, 1873 йил 21 августдаги шартномага кўра ўз мустамлакасига айлан-

<sup>I</sup> М.Ҳамирова. Қўлёзма баёзлар - адабий манба. Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1981, 34= бет.

тири.

Муҳаммад Раҳимхон Хива хонлигидаги ҳалқларнинг аҳволини ижтимоий=иктисодий жиҳатдан яхшилаш, маданий даражасини кўтариш мақсадида шундай оғир шароитда ўз даврининг маърифатпарвар шоири Комил Хоразмийни мирзабошилик вазифасига кўтарди. Муҳаммад Раҳимхон билан Комил Хоразмий бир неча бор Санкт-Петербург, Москва ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, Хива хонлигининг Русия билан дипломатик, савдо=сотик ва маланий алоқаларини тобора ахшилашга, мамлакатдаги феодал бошбошдоқликларга узил=кесил барҳам беришга, феодал ҳукмдорларнинг адолатсиз хатти=ҳаракатдарига мумкин қадар чек қўйиш йўлларини излаб топишга ва мамлакатни қолоқликдан чиқаришга бел боғладилар. Муҳаммад Раҳимхон ва Комил Хоразмийларнинг Русияга бўлган муносабатлари замирида уларнинг ўз ватанига, ўз ҳалқига бўлган содиқлиги ва ватанпарварлиги ётар эди. Чунки улар ўз ватанини фақат қолоқликдан чиқаришни эмас, балки Русия ва Оврупадаги бошқа маданияти, фан=техникаси тараққий этган давлатлар қаторида кўришни орзу қиласар эди. Бу даврда Муҳаммад Раҳимхон ва Комил Хоразмийнинг тинимсиз саъи=ҳаракатлари натижасида мактаб=маориф соҳасида ҳам бир қадар ислоҳотлар амалга оширилди. XIX асрнинг иккичи ярми ва XX аср бошларида Хива хонлиги ҳудудида I20 та мадраса, 63 та қорихона, I636 масчит, I500 мактаб бўлиб, буларда 24 минг талаба ўқирди<sup>I</sup>.

Хива хонлиги ҳудудидаги мактаблар асосан масчит ёнида бўлиб, бола ўқишга келиши билан мулла кичкина тахтачага араб алфавитининг 28 ҳарфини ўз ичига олуви "АБЖАДНИ" ёзиб берарди ва уни ёдлашга ва алоҳида ҳарфлар бўйича айтишга болаларни мажбур этар эди. Бундай ёдлаш тартибсиз, ҳар хил товушли бўлиб, ашула шаклини

<sup>I</sup> Каранг: Ҳ.Жомбоқиев, С.Ҳасанов. Хоразм – кўхна маданият ўчири. "Фан", Тошкент, 1983, 47= бет.

олар, болалар эса тўти сингари: - алиф, бе, те, се, жим, дол дея қайта-қайта такрорлар эди. Натижада, орадан 2-3 ой ўтгандан кейин ҳам бола ҳарф ва бўгин тўғрисида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмасди. Шундан кейин эса ўқувчининг ёшига мослаб "Қуръон" суралари асосида "Ҳафтияқ", яъни унинг еттидан бири қисми ўргатилган. Бола бутун йил давомида "Ҳафтияқ"ни ёд оларди, холос. Болаларни хат ёзишга ўргатиш эски усулдаги мактабнинг дастурига кирмасди, чунки кўп мактабдор мўллаларгина айрим ўқувчилардан алоҳида ҳақ олиб, уларга ҳусниҳат билан арифметикани ўргатар эди, холос. Бойлар ва ўзига тўқ кишилар болаларини мактабдор қўлига топшириб ўқитар эдилар. Албатта, мактабдор домлаларнинг ҳам ўзига хос ўқитиш услублари бўлган. Баъзилари болаларнинг ёш ҳусусиятларига алоҳида эътибор берган ҳолда, кичик ёшдаги ўқувчиларга ҳусниҳат ва оғзаки ҳисобни ўргатса, катта ёшдаги ўқувчиларга эса "Қуръон"ни оят ва сураларидан ташқари форс, араб, туркий тилларда ёзилган кўпгина хаётий китобларни ҳам ўқиши ўргатар эдилар.

Демак, дастлабки бошлангич таълимдан сўнг "Қуръон"ни хатм қилиб, "Чор китоб", кейин эса "Сўфи Оллоёр" ўқитилган. Сўнгра "Калила ва Димна", "Қобуснома"дек панднома руҳдаги китобларни ўқитишган. Ўқувчиларга "Одобнома" дастурлари асосида дарс берилган. Ҳалқ ижоди маҳсули бўлган ахлоқ-одоб ғуҳидаги эртаклар, мақоллар, масаллар, латифалар, ривоятлар, ҳикоятлардан эса тарбия воситасидасифатида фойдаланилган.

Хива хонлигидаги мадрасаларда ўқув дастури асосан уч: бошлангич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичча олиб борилиб, унда учта тил (араб, форс ва туркий) мукаммал ўргатилган. Мадрасаларда Қуръон илми (ўқиш услублари, қироат, тафсир), фикх (шариат қонунлари), хандаса, илми нужум, ахлоқ, фалсафа, мантиқ

адабиёт, жуғрофия, тарих, табобат ўқитилган. Талабалар араб ва форсий тиллар орқали Фариуддин Атторнинг "Мантиқут-тайр", Хоғиз Шерозий девони, Мирзо Абдулқодир Бедил девони, Алишер Навоийнинг "Чор девон"и, Фузулий ғазалиёти, ҳамда Шарқда миллий таълим соҳасида дарслик ва қўлланма сифатида фойдаланиб келинаётган "Маслакул муттақин", "Аввали илм", "Муъзи Вазанжоний", "Авомил", "Ҳаракот", "Қоғия", "Шарқи муллоий Жомий", "Рисолай Шамсия" каби рисолалар билан танишиш имконига ҳам эга бўлганлар. Бу эса мадрасаларда таълим жараёнида дунёвий билимлар билан бирга адабиётнинг мумтоз на-муналари кенг ўрин олганлигини, дунёни англаш, тафаккурни шакллантириш борасида дунёвий илмларга ва бадиий асарларга алоҳида аҳамият берилганлигини кўрсатади.

Демак, мадрасаларда ҳам диний, ҳам илмий фанлар ўқитилган. Қолаверса, диний таълимнинг ўзи ҳам қажақадир қуруқ сафсата деб аташ нотўғридир. Ваҳоланки, диний таълимотлар ҳам ўзида нисониятнинг илмий, маданий, маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган кўпгина қадриятларни мужассамлаштирган. Диний адабиёт, унинг қонун=қоидалари билан тарих, адабиёт, қонуншунослик қоришиб кетган, буни ажратиб ўрганиш, бирини олиб ташлаб, иккинчисини таҳлил қилиш қўпол хатоликларга олиб келиши мумкин. Энди биз мадрасалар хусусида гап борганда, уларни диний таълимот ва тарғибот манбайгина эмас, балки ўша давр учун хос бўлган илмий ва маданий фанлар тарғибот қилинадиган даргоҳ, яъни дорилғунун даражасида қарамоғимиз лояим.

XIX асрнинг 60-80 йилларида Туркистон ўлкасида рус-тузем мактаблари очила бошлади. "Туркистон вилоятининг газети" 1891 йил 35= сонида шундай деб ёзган эди: "...Хива хонлигига ўрус тилини ўрганмоқнинг бошланишини хоҳлаб, Русия тилида дарс берадурғон мактабхона очиб, ул мактабда 10 бола учун жой ва харожат таъмин

қилибдиб. Ушбу йилда, апрель ойида Туркистон вилоятидаги тамоми Русия мадраса ва мактабхоналарнинг катта нозири... Хивага бориб ... мазкур мактабни кўрибдур ... Xон андин Хивага бир ўрус домласи юбормоқни илтимос қилибдуб. Шу сабабдин Русия тили ва илми ҳисобини урганмоқ учун ушбу йил Тошканд шаҳрида учительская семинарияни жуда яхши хатм қилғон қозоқ мусулмон Ҳусайн Иброғим ўғлини мактабхонага домлаликка тайинлабдур".

Ҳақиқатан ҳам, Хивада рус=тузем мактабининг очилиши ва Хива-да рус, озарбайжон, татар, турк тилларида нашр этилган ойнома, рўзнома ва китобларнинг пайдо бўлиши жамият маънавий ҳаётида астасекин ўзгариш ясади, маҳаллий зиёлилар қатламининг онгида мустамлакачиликка ва жабр=зудмга карши янгила қараашларнинг уйғонишига ёрдам берди.

Русия, Озарбайжон ва Татаристондан Хоразмга келган илфор фикрли кишиларнинг, яъни зиёлиларнинг ташабbusи билан Хива ва Янги Урганчда мактаблар, маданий=оқартув тўгараклари, клуб ва кутубхоналар ташкил этилиб, унда жаҳон халқлари ва рус адабиётининг мумтоз асарларини жамоа бўлиб ўқишлиар уюштириларди, илм=фанинг тўғри тармоқлари бўйича қизиқарли маъruzалар ҳам ўқиларди. Албатта, Хива хонлиги ижтимоий=маданий ҳаётида юз берган бундай ўзгаришларнинг адабий-маърифий муҳитга ҳам таъсир этмасдан қолиши мумкин эмас эди: "Аҳмаджон Табибий, Мухаммад Йсуф Баёний, Мухаммадрасул Мирзога ўхшаш маърифатпарвар шоирлар рус, татар, озарбайжон ва турк зиёлилари орқали кириб келган дунёвий билимлардан баҳра олиб, эркин фикрлашга ўргангандар ва янгила йўналишдаги турк-татар ва рус тилидаги ойномаларни, рўзномаларни ўқийдиган бўлғандар<sup>I</sup>. Бу эса уларнинг дунёқарашини шаклланиши ва ривожланиши учун замин

<sup>I</sup> А.Н.Самойлович. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханство. Известия Русского комитета, 1909, № 9, с.20.

хозирлаб берди.

Феруз бошчиллик қилаётган адабий ва маърифий марказда фаолият кўрсатаётган Аҳмаджон Табибий, Муҳаммад Назар Хоразмий, Муҳаммад Ўсуф Баёний ҳамда бошқалар ажойиб асарлар яратиш билан бирга, адабиёт ҳамда бошқа дунёвий фанларга оид асарларни қардош халқлар тилидан таржима қилишди. Жумладан, Мулла Бобоҷон Ҳатиб Валад Ҳудойбердиган Мангитий-Саноий "Меҳри моҳ", "Ҳафт кишвар"; Мағруғхўжа Саид Ҳасан Хоразмий "Вомик ва Узро", Муҳаммадрасул Мирзо "Раъно ва Зебо"<sup>I</sup> каби маърифий=ахлоқий мазмундаги бебаҳо асарларни форс-тоҷик ва араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиш билан ўзбек халқи маданияти ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Бу даврда Хоразмда мусиқа санъати шеърият билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этди. Хоразмлик истеъоддли шоирларнинг деярли кўпчилиги уста мусиқачи ва ҳофиз эди. Комил Хоразмий мусиқашуносликка оид илмий=тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, ўғли Муҳаммадрасул Мирзо билан шошмақом нағмаларини ноталаштириди. Комил Хоразмий ва Муҳаммадрасул Мирзо нинг шошмақом куйларини ноталаштириш – бир томондан шошмақом кучларини ўрганишни оммалашмириш ва кенг халқни мусиқа илмига даъват этиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг бу хизмати, хусусан, жаҳон халқлари маданияти намуналарини Ўрта Осиё халқлари маданиятига яқинлаштириш жиҳатидан ҳам катта маърифий аҳамиятга эга бўлган эди.

Натижада, Комил Хоразмийнинг мусиқа соҳасидаги фаолияти XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда мусиқа санъатининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Жумладан, Муҳаммадрасул Мирзо, Ёқуб Доричи каби ўнлаб созандо-ю ҳофизлар мусиқа илмини устоз Комил Хоразмийдан ўргандилар.

Бу даврда маҳаллий халқ ўртасида маданият ва маориф, бадиий

<sup>I</sup> Абу Райҳон Беруний номидаги ЎзФА Шарқшунослик институтида 5072 ва 983= рақами остида сақланади.

сўз ва мусиқа санъати тарқала бошлиши ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди: халқ ўртасидан янгича дунёқарашга ва эга бўлган кўплаб зиёлилар етишиб чиқди. Ана шундай зиёлилардан бири маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғли эди.

Аваз Ўтар ўғли 1884 йил 25 августда Хива шаҳрида саршаров ва табиб оиласида дунёга келган. Бўлғуси шоирнинг отаси Полвон-ниёз Ўтар Гадойниёз ўғли ўз даврининг илфор фикрли зиёлиси бўлиб, унинг хонадонига кўпинча, Огаҳий, Көмил Хоразмий, Мутриб Xонахаробий, Чокар, Баёний, Табибий, Худойберган девон ва бошқа шоиру санъаткорлар тўпланишиб, улар тез=тез шеърий мунозара ва адабий сухбатлар ўтказиб туришарди. Бундай тез=тез бўлиб турадиган давра сухбатлари ёш Авазда илм=маърифатга жуда эрта қизиқиш уйғотди ва ўзи ҳам шеър ёзишга киришди. У 14 ёшидаёқ халқ ўртасида шоир сифатида шуҳрат қозонди.

Тез орада Хивадаги Иноқий мадрасасининг талабаси Аваз Ўтар ўғли истеъдодининг овозаси хон саройигача бориб етди. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) қобилиятли шоирни саройга чорлаб, шоир Аҳмаджон Табибийни унга устоз қилиб тайинлади. Бу Авазнинг бекиёс истеъдодини тан олиш ва уни тарбияси билан борлик ғамхўрлик эди. Табибий ўз шогирди Авазнинг шеъриятдаги ўрни ва салоҳияти ҳақида "Мажмуат уш-шуаро"да бундай деб ёзади:

Аваз бириким шоири тозадур,  
Вале тозалик ичра овозадур.  
Камолига гар етса бу фан аро,  
Бўлур наэм аро фозили бебаҳо<sup>I</sup>.

Аваз ҳам устози Табибийга катта ихлос ва эътиқод билан қараб, уни шундай таърифлайди:

---

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 6= бет.

Абётимиз жондин лазиз ўлса нетонгким, эй Аваз,  
Бордур Табибийдек шеър илмида устозимиз.

Аваз гар назм аро бўлмоқ тиласан даҳр яктоси, -  
Ҳамиша кўнглунг ичра қил Табибийга аён ихлос.

Аваз устози Навоий билан Табибийга "Ҳамрадиф" бўлишни буюк  
эҳтиром ва ҳаёт мактаби деб тушунади:

Эй Аваз, қил жаҳд девонингни қилмоқ истасанг,  
Ки Навоий-ю, Табибий дафтирига ҳамрадиф<sup>1</sup>.

Аваз Ўтарнинг ilk иходида ва дунёқарашида муҳим ижтимоий-  
ҳаётий масалалардан йироқлашиш, хон-у бекларга мадҳиялар, қаси-  
далар битиш учрайди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Аваз  
Ўтарнинг қарашларида секин=аста ўзгариш юз бера бошлади. Сарой  
мухитидагилар халқпарвар ва ҳурфиксалик шоирнинг барча хатти=хара-  
катларини кузатиб, таъқиб остига олишади ва унга қарши фитна тай-  
ёрланади. Айғоқчилар шоирнинг исёнкорлик ва ҳурфиксалик руҳидаги  
шеърларни сарой аъёнларига топширадилар. Бу шеърлар бевосита хону  
сарой аъёнларига қарши руҳда ёзилган эди:

Жаҳонда шуму бадбахт уш кишидурким, сахобу шом,  
Берур бечора-ю дардмандларга жабр ила озор.  
Алардан ибрат олмай ўзга айлар кибрини пеша;  
Магар билмаски, даврон бир куни қилғай у они ҳам хор<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли замондошларининг хотираларига қараганда, бу  
шеърни ўқиган хон шоирни "тошбўрон қилиш" ҳақида фармон беради,  
ӯша вақтда кимдир "таксир, олий ҳазратлари, у жинни бўлган", деб  
вазиятни бир оз ўзгартириб юборади ва хонни сарой дарвозасига тўп-  
ланган оломондан хабардор қилади. Ноилож қолган хон буйруқни 200

<sup>1</sup> Д.Юсупов. Ўт чақнаган сатрлар. Тошкент, F.Фулом нотидаги  
адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, I37= бет.

<sup>2</sup> Аваз. "Баёз", ЗI= бет; Аваз, Сайланма. Т., 1984, II= бет.

қамчи уриш билан алмаштиради. Ҳон бу билан қаноатланмайди. Авазни "жинни" деб эълон қилиб, кишанлаб, Оқмасжид қишлоғидаги Бобо-эшон қабристонига юборади.

Аваз Ўтар ўғли 1909 йилнинг қишида қабристондан уйига қайтади. Шоир жисмоний толиққан, касалга чалинган эди. Аммо у руҳан ҳамон тетик бўлиб, таъқибларга қарамай, ўзининг ижодий ва маърифатпарварлик фаолиятини давом эттиради. Бу ўринда Феруз билан Аваз Ўтар ўғли ўртасидаги муносабатларга бир оз аниқлик киритиш лозим деб ўйлаймиз. Чунки шу пайтгача нашр этилган адабиётларда ёзилганидек Аваз Ўтар ўғли бу мажаролардан кейин саройни тарк этиб кетган ва умуман сарой аҳлидан нафратланиб яшаган дейишининг ўзи ҳақиқатга умуман зиддир. Мұхаммадамин Лаппасий "Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари" асарида: "Аваз ҳамма вақт айту! әрдиким, бир вақтлар бўлсунким, Ҳоразм ғақир деҳқонлари бу золим қонхўр вазирларнинг темур чангallаридан халослик ҳосил бўлур, деб доимо уламо, вазирларни мазаммат қилиб юрур әрди. Шун сабабли Мұхаммад Раҳимхон Авазга ўзининг ҳузурида ёткувуб икки юз дарра қамчи урдирди. Шуни натижасида "Аваз жинни бўлғон" деб оёғига темур кишанлар солдируб машойихлар хизматига юборадур. Аваз машойихлар хизматида қирқ кун бўлур мазкур қамчиларнинг заҳматидан андек саломат бўлуб яна Ферузнинг хизматига келиб аввалги марта-басида хизмат қилиб Аваз таҳаллуси бирлан шеър, адабиётларни Ферузга пайрав ёзиб турадур"<sup>1</sup>. Буни ўқиган ўқувчи бир қадар ҳайратга тушиши табиий. Негаки, Аваз Ўтар ўғли феъл=авторидаги ўта кескинлик, муросасизлик, бу муносабатнинг сабабчисидир. Бунинг устига Аваз Ўтар ўғли агар сарой муҳитидан кўнгли қолган бўлса, бу кўнгилсиз воқеадан кейин яна ўша даргоҳга қайтиб бормаган бўларди

<sup>1</sup> Г.Исмоилова. Ҳоразмнинг фозил фарзанди. "Ёш ленинчи", 1991 йил 23 август.

Аваз Ўтар ўғлиниң замондошлари Қаландар Қурбонов, Матёқуб Отажонов, Матфано Худойберганов, шоир Чокар, Мутриб Хонахаробий, темирчи Абдураҳим, уста Раҳмонберганларнинг ҳикоя қилишларича, Хоразмдаги инқилобий қайфиятдаги кишилар ва илғор фикрли зиёлилар, яъни жадидлар "Хивада меҳнатқаш халқ вакилларидан иборат "ижтимоийчилар" гуруҳини ташкил этишди. Аваз Ўтар ҳам бу гуруҳ йиғилишларининг фаол иштирокчисига айланади. "Ижтимоийчилар" 1905 йил инқилобидан кейин Хивада хон ва унинг амалдорларига қарши тузилган кичик ташкилот бўлиб, у аввало адолат, эрк, тенглик учун курашишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган эди. Кейинроқ Аваз Ўтар раҳнамолик қилган бу ташкилот бевосита жиддий инқилобий ишлар билан шуғулланмаса-да, кишиларда ижтимоий тузумга нисбатан норозилик туйғуларини уйғотишда муҳим аҳамият касб этди. Ташкилотнинг қирқдан зиёд аъзоси бор эди. Ҳар пайшанба кечаси гоҳ Қаландархонада, гоҳ Қоракўз масжидида йигитлар гүё базмга тўпланишган, шеърхонлик қилиб, қўшиқлар айтишган. Бу шеърхонлик ва қўшиқлар мавзуз эрк ва адолат эди. Хон тузумига қарши тушунтириш ишлари олиб борилган".<sup>I</sup>.

Демак, Аваз Ўтар ўғли ижодида хурфикалийк, исёнкорлик фоялари ва келгуси баҳтли замонни орзу қилиш ҳақидаги фикрларнинг пайдо бўлиши тасодифий ҳодиса эмас эди. Биринчи рус инқилоби, Хивадаги жадидларнинг, яъни "ижтимоийчилар" гуруҳи фаолияти ва Октябрь инқилоби, Хива хонлигида юз берган ижтимоий-маданий ўзгаришлар шоирнинг дунёқарashi ва ижодига таъсир этмасдан қолмади. Айниқса, Аваз Ўтар ўғли 1912 йилда даволаниш учун Кавказ ва Крим га борган чоғида Боқуда Жалил Маматқулизода, Алиакбар Собир, Мұхаммад Ҳоди, Саҳнат, Шоик, Алигулу Фамгусор, Собир Тоҳирзода ка-

<sup>I</sup> Р.Назарий, Д.Раҳимов. Зулмат ичра чароғ. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномаси, 1984 йил 7 сентябрь.

маърифатпарварлар билан учрашувининг шоир ижодига ва маърифий-педагогик қарашларига таъсири ниҳоятда катта бўлди. Аваз Қримдаги ған ва маданият янгиликларини, аҳолининг урф=одатларини ва ижтимоий аҳволини кўриб ўз халқининг ҳам шундай илму маърифатга эришишини орзу қиласи. Шоир замондошларининг айтишича, "Мактаб", "Тил", "Уламоларга" каби маърифий-дидактик асарларини шоир Қримда яратган. Шуни авазшунос олим В.Мирзаев ҳам тасдиқлайди: "Фикримизча, Авазнинг тил ўрганиш ҳақидаги маърифатпарварлик қарашлари XIX асрнинг бошларида Озарбайжонда яшаб, ижод этган машхур маърифатпарвар Ҳожи Сеид Азим Ширвонийнинг тил ўрганиш зарурлигини таъкидлаб ёзган "Лозимдир" радифли шеъри билан анча ҳамоҳандир"<sup>I</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Аваз Ўтар ўғли ўз асарларида ҳурфиксалик, халқпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини илгари сургани учун ҳам илм-маърифат ва маънавият муҳолифлари томонидан таъқиб ва жазоларга гирифтор бўлди. Аммо у ўзининг ҳурфиксалик, халқпарварлик ва маърифатпарварлик қарашларидан қайтмади.

Юқоридаги мулоҳазаларга қўшимча қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Аваз Ўтар ўғлини маърифий-дидактик қарашларининг шаклланишида ва ривожланишида халқ педагогикасидаги авлоддан=авлодга ўтиб келаётган тарбия борасидаги инсонпарварлик, илм-парварлиқ, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, ростгўйлик, саҳоватлик каби умуминсоний фазилатлар муҳим аҳамият касб этганини шубҳасиздир. Чунки шоирнинг замондошларини ҳикоя қилишига қараганда, у Хива атроғидаги Дошёқ, Қиёт, Шомақулум каби қишлоқларга тез=тез чиқиб турган, танишлариникида меҳмонда бўлган.

<sup>I</sup> В.Мирзаев. Аваз ижодида ватанпарварлик ва дидактик ғоялар. "Совет мактаби" ойномаси, 1984 йил 8-сон.

Бу жойларда у меҳнаткашларнинг моддий ҳаётидан ташқари, маънавий дунёси, оғзаки поэтик ижоди билан ҳам қизиқкан. Халқ орасида куйланиб келинаётган эртак, достон, терма, каби ижод намуналарини эшитган ва Аваз Ўтар бунга алоҳида ҳурмат билан қараб, улардан ўзининг маърифий-дидақтиқ мазмундаги шеърларини яратишда кенг фойдаланган.

Яна шуниси ҳам борки, Аваз Ўтар ўғли қомусий ақл әгалари бўлган Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Ўсуф Ҳожиб, Аҳмад Ўғнакий, Маҳмуд Қошғарий, Ўсуф Саккокий, Пахлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Низомий, Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий каби улуғ устозларнинг маърифатпарварлик анъанасини давом эттириб, янги тарихий шароитда уни юқори тараққиёт босқичига кўтарди ва бу хизматлари билан у Ўзбекистонда ижтимоий-педагогик фикрлар тараққиёти тарихида шарафли ўринни эгаллади.

2= §. Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик  
қарашларида шахснинг маънавий камолоти  
ва эрк ғоялари

Аваз Ўтар ўғли катта ижтимоий-сиёсий мураш йўлини босиб ўти бой тажрибага эга бўлганидан кейин унинг маърифий=педагогик ва ва ҳукуқий қарашларида катта ўзгариш юз беради. Аваз Ўтар ўғли гарчанд жамият, шу жумладан давлатнинг пайдо булиши ва ривожланиш қонуниятлари, унинг типлари ҳамда шакллари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган бўлса=да, ўз асарларида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган барча ноҳақликлар ва адолатсизликларни фош қилади, шахснинг жамиятдаги ўрни ва роли, эрк=ҳукуқи, меҳнатсеварлик, тўғрисўзлик, ватанпарварлик каби ҳақиқий инсоний фазилатларни зўр маҳорат билан куйлайди.

Аваз жабр-зулмга асосланган ижтимоий тузумни қоронгулик ва жаҳолатга ўхшатади:

Кўзимга даҳр ўлиб яксар қоронғу,

Анга шому саҳарда, келмас уйқу.

Келур бошимга турфа мөжаролар,

Хужум айлаб бори хийла ёмонлар<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ҳалини ўз бошига ёғилаётган "турли оғат"ларга қарши озодлик ва эркинлик учун курашга илҳомлантиради:

Нетайким нола қилмай ушбу афлоқи шафохўрдин,

Бошимга турли оғат келгусидур бўйла ҳар соат.

Аваз, гар ҳушиңг ўлса, бермагил, ҳимматли қўлди ким,

Қачон етгай, муроду мақсадига бўлмаса ҳиммат<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли бундай жабр=жағоларнинг сабабчилари ҳукмдор шоҳ ва унинг амалдорлари эканлигини тушуниб етади. Шоир умумхалқ манбаати ва ҳақ=ҳуқуқи нуқтаи назаридан фикр юритади:

Бировлар бўлиб эл аро аржуманд,

Бировлар чекар ҳамиша кўп азоб.

Бировлар шод бўлмас, эй биродар,

Бировларни гар этмас эрса ношод<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли бошқа бир асарида жамиятдаги инсонлараро муносабатнинг асл моҳиятига назар ташлайди ва ҳукмрон гуруҳларнинг қай даражада ҳалқдан уяқ эканини таъкидлаб шундай деб ёзади:

Қайсингизни кўрди эл капча билан ёп қазғонин,

Борингиз савдо=сотик бозорида жавлоналар<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 10= бет.

<sup>2</sup> Юсупов. Ўт чақнаган сатрлар. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1983, 143= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 22= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма, Т., 1984, 20= бет.

Аваз Ўтар ўғли ҳукмрон гурухларнинг лоқайдлиги оқибат на-  
тижаснда меҳнаткаш халқнинг ҳар қандай сиёсий ҳуқуқлари ва эркин-  
ликлари тамомила бўғиб қўйилганлигини фош қиласди:

Нетонг, бўлса Аваз пайваста исён баҳрига ғоввос,  
Дилида қолмади сабру сукун ҳам, тобу тоқат ҳам!<sup>1</sup>.

Айниқса, Аваз Ўтар ўғлининг "Халқ" шеърида "бағри юз минг  
пора", "меҳнату озора", "дили дофу чора топмаган", "овора халқ"  
дека меҳнаткаш халқнинг сиёсий ҳуқуқлари топталганлигини аниқ=  
равшан тасвирлайди. У шахс эркин камолотга етиши ва ҳақиқий баҳт-  
саодатли бўлиши учун зулм ва зўравонлик, қашшоқлик ва эрксизликкә  
қарши курашмоги керак деган ғояни илгари суради:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тифи бирла бўлғон бағри юз минг пора халқ.  
Бир неча авбошлар мундоғ ҳукмрон айласа,  
Қолмагай, оре, не ёнғлиғ меҳнату озора халқ?  
Халқи оламни бори айлар тараққий кун=бакун,  
Биз таназзул айлабон қолдуқ, эдук не қора халқ<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли меҳнаткаш халқни аёвсиз эзаётган, юрни хо-  
навайрон этаётган чоризм мустамлакачилари ва хон бошлиқ ҳукмрон  
гурухларни "сипоҳилар" ва "уламолар"ни "халқ ғамидан ўзини нари-  
роқ тутгувчи бегоналар" деб таърифлайди ва уларнинг қилмишлари  
инсоний ахлоққа мутлақо ҳид эканлигини таъкидлайди:

Эйки, сизлар то таассуб бирла даврон этдингиз,  
Миллати мазлума ахволин паришон этдингиз!  
Бирингиз қози, бирингиз аъламу, муфти бўлуб,  
Бу не ойин эрдиким, сизлар намоён этдингиз?  
Бизни айлаб хору зору нотавон этмак учун,

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 18= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 19= бет.

Бермайин осори ҳурлик банди зиндан этдингиз.  
Бу фалокатлар учун масъул ўлурсиз оқибат,  
Зулму истибодд ила миллатни вайрон этдингиз.  
Буйруқими сўрмайин биздин, сўрар сиздин худо,  
Нега сиз билдурмай они, бизни нодон этдингиз!  
Бир куни сўргай Аваздек уйғониб аҳли замон:  
Не учун миллатни сиз ер бирла яксон этдингиз!<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғлинииг таъкидлашича, Хоразмда сиёсий онги "уйғонганлар" сони ҳали етарли эмас. Бор бўлса ҳам бу ҳаракат вакиллари бир сиёсий ташкилотга бирлашмаганлар. Лекин шоирнинг шунга кўзи етар эдики, эркпарвар ва бирликпарварлар сафининг кўпайишига умид боғларди, шундагина "миллатни ер билан яксон этганлар ўз қилмишлари учун жавоб берадилар"<sup>2</sup>, деб бонг уради.

Аваз Ўтар ўғли "Миллатни айларсан хароб" асарида ҳақиқат ва ижтимоий адолат тантана қилишига ишонганидан, шахс ҳақ-хукуки ва ижтимоий адолат ҳақида "булут"нинг тарқashi, "Офтоб"нинг порлаши тўғрисида сўз юритаркан, ҳурриятнинг тантана қилишига ишора қиласи ва золимлар ҳукмронлиги ҳалокатга юз тутиши муқаррарлигини ва янги бир адолатли жамият вужудга келишини ва бу жамиятда маърифат, ижтимоий адолат ва ҳалқ фаровонлигини таъминловчи тартиблар ўрнатилишини әнглаб етади ва ўз замонасига ана шу нуқтаи назардан баҳо беради:

Эй мунча зулм ила миллатни айлабсан хароб,  
"Лоюхибиз золимин" деб тангри қилғонда хитоб.  
Дам=бадам бедоду жабру зўрликлар айлабон,  
Солма мазлум элни кўнглига мунингдек изтироб.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 19= бет.

<sup>2</sup> М.Қўшжонов. Ҳаёт - адабиёт кўзгусида. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1985, 264= бет.

Мунчаким зулм айлагунг бордур мукофоти замон,  
Оқибат бир кун анга маєъул бўлиб бергунг жавоб.  
Бор умидим, тездин бўлғуси хуррият куни,  
Эй, Аваз, қолмас булут остида доим офтоб<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам Аваз Ўтарнинг маърифий-хукуқий мавзудаги шеърларида феодал-хонлик тузумининг емирилишига қатъий ишонч ғоялари, инқилобий кайфият яққол сезилиб туради:

Эй Аваз, қил жидду жаҳд сен эл билан шому саҳоб,  
Қолмагай оламда бори хону харомзодалар<sup>2</sup>.

Халқпарвар шоир меҳнаткаш халқнинг аҳволига ачиниб: "Сипоҳи пора истар" Мулла ижара истар. Бечора чора истар. Бир чора замон борму"<sup>3</sup>, - дея муҳтоҷлик, адолатсизлик чангалида эзилган халқ учун эзгулик ва адолат баҳш этмоқ йўлида катта фалсафий-хукуқий умумлашмалар қиласди.

Нихоят, халқпарвар шоир жасорат билан қуидаги ижтимоий=сиёсий мазмундаги қитъасида хон ва унинг аъёнлари устидан ўзининг адолатли мантиқий ҳукмини чиқаради:

Билинг, ушбу замон ғамнокидурман,  
Куиб ўртанмис элнинг хокидурман.  
Авазким, назм элин чолокидурман,  
Бошин олмоққа хоннинг покидурман<sup>4</sup>.

Аваз Ўтар ўғли адолатли жамият ва халқ фаровонлигини таъминловчи тартиблар ўрнатилиши тўғрисидағи асаларини очиқдан=очик эълон қилиш имкониятига эга эмасди. Шунинг учун ҳам хурриятпарвар шоирнинг бундай мазмундаги асалари ўз дўстлари ва ҳамфир-

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 20= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 20= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 325= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 325= бет.

лари ўртасида яширин равишда тарқатилган, халққа әса шу йүсінде етиб борган.

Халқпарвар шоир жабр=зулмга ва мұхтожликка қарши курашишга, халқ баҳт=саодати йўлида ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр әканлигини таъкидлайди:

Фидои халқим ўлсун танда жоним,  
Бўлуб қурбон анга руҳи равоним.  
Гар ўлсам дарбадар мазлумлар учун,  
Будур мақсуди қалби нотавоним.  
Мени солса фано йўлига даврон,  
Юрур устимдин авлоди замоним.  
На яхши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз, халқим учун тўкулса қоним<sup>I</sup>.

Аваз Ўтар ўғли озод ҳаёт, баҳтли келажак ва феодал-хонлик тузумининг ағдарилиши муқаррарлиги ҳақида чуқур фикр юритибгина қолмайди, балки у Хивада маҳаллий савдогар ва бойлардан иборат зиёлиларниң меҳнаткаш халқининг эрк=хуқуқига ҳиёнат қилиб, уларниң ўз эрк=хуқуқлари йўлида озодлик учун олиб бораётган курашига тўсқинлик қилаётганлигини "Йўқ бўлинг..." деган шеърида қаттиқ танқид қиласди:

Йўқ бўлинг тездан кўзумдин, халқ аро шармандалар?  
Халқ ғамидин ўзни нарроқ тутгучи бегоналар.  
Ҳайқириб эртаю кеч сизлар муаззин ўрнида,  
Бўлдингиз ёлғончиликда эл аро овозалар.  
"Хуррияту эрк" дебонки ёлғон алғозлар била,  
Оқибат мазлумара ютдиридингиз хунобалар<sup>2</sup>.

Хуллас Аваз Ўтар ўғли асарларида ижтимоий=сиёсий ва ҳуқуқий ғояларниң пайдо бўлиши Русия ва Туркистан ўлкасидағи инқилобий

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 17-18= бетлар.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 20= бет.

кўтарилиш натижасида Хива хонлигига ҳам халқ ҳаракатининг фаоллашви, чоризм истилочилари ва феодал-хонлик тузумига қарши курашнинг кучайиши билан изоҳланади. Мехнаткаш халқнинг ана шу инқилобий ҳаракатлари халқпарвар шоир Аваз Ўтар ўғли асарларининг маърифий=ҳуқуқий мундарижасини белгилаб берди, уларга ижтимоий=сиёсий мазмун, жанговар инқилобий рух бахш этди:

Сиёсат маҳв бўлди яшасун оламда ҳуррият,

Бори эл иттифоқ ила жаҳонни айласун жаннат.

Кетиб зуму ситамнинг зулмати бўлмиш жаҳон равшан,

Адолат офтоби мамлакатга кўргузуб талъат.

Жаҳон ахли, манга сизсиз совуқли жон азизимдин,

Эрурмиз бир=биримизга яқин гўёки бир ихват.

Яшанг, эй қаҳрамони ҳурриятпарвар биродарлар,

Олиб ҳур миллати мазлум учун сиз қилдингиз хизмат<sup>I</sup>.

Аваз Ўтарнинг "Ҳуррият" шеърида барча халқларнинг ўзаро тенг бўлиш, инсонпарварлик, дўстлик, қардошлиқ гоялари ўз иғодасини топган.

Аваз Ўтарнинг маърифий-педагогик қарашлари замирида унинг ижтимоий-фалсафий ва ҳуқуқий гоялари ҳам шаклланди. Шоир мавжуд дунё, инсон, маҳбуба, севги=садоқат, бурч=вафо, адолат, яхшилик ва нафосат, моддий дунёнинг ноз=неъматларидан баҳраманд бўлиш тўғрисида ҳам фикр юритади. Айниқса, Аваз Ўтарнинг шахснинг жамиядаги ўрни ва роли, эрк-ҳуқуқи тўғрисидаги гоялари унинг дунёқарашининг энг муҳим томонини ташкил этади. Аваз Ўтар жамиятда ҳукм суроётган адолатсизликка, разиллик ва ёмонликка қарши курашда ҳурфиксаликни бир восита қилиб олади ва адолатга эришиш йўлида ва шахснинг ҳақ=ҳуқуқини ҳимоя қилишда ундан фойдаланмоқчи бўлади. Шунинг учун бўлса керакки, шоир халқни алдаб кун кўрувчи чо-

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 17= бет.

ризм истилөчилари-ю, ҳукмрон доираларни, күр=күрона "худо хоҳиши" билан "такдир"га тан беришни тарғиб этувчи жаҳолатпарастларни очиқдан-очиқ танқид атади:

Етган оғатни бошиға доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон била кетгуси бора=бора халқ<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли меҳнаткаш халқ оммасини алдаётган худбин киши ларнинг инсоний ғазилатлардан маҳрумлигини очиб ташлайди:

Фалони зоҳиди худбинни, худбинлик қилур зоҳир,  
Ўзини аҳли тақви пешвосидин ҳисоб айлаб.  
Ўзи наҳват машин нўш өтгучи шому саҳар тинмай,  
Ажойиброк будурким, ринд элини ихтисоб айлаб.  
Риё бирла йигиб оламни барча молу асбобин,  
Етар энди ҳамоноким эшакдек хўрду хоб айлаб<sup>2</sup>.

Айниқса ҳурфиксалик ғояси Аваз Ўтарнинг "Эшон" асарида ўз ифодасини топган:

Эшон дегани либоси малла,  
Ўғрига шеригу фара далла.  
Рангини кўринг бу баднамони?  
Ҳангি эшаги эрур худони.  
Масjidни ўзига дом этибдур,  
Билмам буни ким имом этибдур<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли жаҳолатпарастларнинг шахс камолотига ғов бў-  
лувчи фикрларини бутунлай инкор қиласи ва инсон ўзининг баҳти,  
келажаги учун курашмоғи керак, дейди:

Муяссар бўлса ишқинг олам ичра,  
Керакмасдир манга ҳеч ҳури жаннат.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма, Т., 1984, 18= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 13= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 12<sup>5</sup> бет.

Ҳури беҳишт сұхбатини күнглум истамас,  
Гар мунис ўлса ушбу кечә ул санам манга<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг ҳурғикрлилик ғояларида "Фалон" туркумидаг асарлар алоҳида ўрин тутади. Бу "фалон"лар хон ва сарой амалдорла-ри, жаҳолатпаст бидъатчилардир. Шоирнинг фикрича уларнинг хатти: ҳаракатлари, феъл-атворлари инсоний ғазилатларга зиддир:

Фалон аҳмоқки, берғуси ҳамиша ўзига оро,  
Ҳамоноким олиб илгига бир кўзгу нисо осо.  
Руборе йўлдин ўтган чогда гар текста либосига,  
Двар они зиёда бўлғунча собунни нархи то.  
Агар онинг ҳар асбобига гайрини қўл текста,  
Ажабким, сўнгра они олмоғуси илкига асло.  
Магар билмаски ун нодону сифла, оқибат барча  
Маззалат туғроқини қилгуси минг хасратила жо!<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Аваз Ўтар ўғлининг ижти-  
моий=сиёсий ва фалсафий қарашлари, ҳурғикрлилик ғоялари Хоразмда  
маърифий=педагогик фикрлар тараққиётida муҳим аҳамиятга эга бўлди.  
Аваз Ўтар ўғли ҳурғикрлилик ғоялари учун таъқиб остига  
олинди, сазойи қилинди, қамчиланди, жиннига чиқарилди. 1917 йилда  
Хива хони Исфандиёрхон Аваз Ўтарни ҳайгўйлик ва ҳурғикрлилик мав-  
зусидаги асарлари учун 150 қамчи уришга ҳукм қилди. Шоирнинг 90  
ёшли оғаси Ўтар бобо коғир, деб эълон қилинди, аммо бу таҳқирлар  
шоирнинг эътиқодини ва озодликка ташна иродасини буқолмади. У охи-  
ги нағасигача шахс әрки ва озодлиги учун ишонч билан курашди. Лекиң  
шоир озодлик нурининг барқ уришини кўролмасдан 1919 йилда Хоразм

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 140= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 330= бет.

инқилобидан (1920 йил) бир неча ой илгари вафот этади. Шоирнинг ўзи буни башорат қилиб шеърларидан бирида шундай деб ёзган эди:

Хуш ул кўнглим, келар бир кун баҳт боғидаги раъно,  
Кўкаргай мавж уруб, қирларда лола бўлғуси пайдо.

Мени ёд этгай авлодим, мозоримни ўраб гулдин, Ишон  
Ишончим шундандир бўлгай мозорим бир зиёратгоҳ.

Қабих онларда эркни куйладим, дўстлар, биродарлар,  
Эзилган элга бўлғай бу замон иқбол ёруг боргоҳ.

Аваз, ўлган билан жисминг қолурки, ўлмагай номинг,  
Ва кому истагингга гов бўлолмас, бўлса-да Доро<sup>I</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг асарларида шахснинг жамиятда тутган ўрни ва роли ҳақида фикр юритаркан, адолат нуқтаи назаридан инсон ҳақ=хуқуқи ва қадрияти масаласига кенг кўламда ёндашади. Шоирнинг назарida адолат жамият тараққиётининг муҳим белгиси бўлиб, инсон ҳақ=хуқуқлари оёқости бўлмаслиги, топталмаслиги керак. Бироқ халқпарвар шоир ҳақсизлик, адолатсизликни ўз кўзи билан кўриб, хулм остида яшашга мажбур бўлган меҳнаткаш халқни "молу мулки талонторож" қилинишини дард ва алам билан ёзади. Буларнинг барчасига сабаб жамиятда "яхшиликлар, иззат ва оқибатнинг йўқолганида" дейди у. Шоирнинг адолат ва инсонпарварлик ғоялари тенглик ва инсонпарварликка асосланган бўлса ҳам, аммо адолатли тузумни орзу қилишдан иборат эди, холос. Бунга эришиш йўлларини, услубини шоир "инқилоб" сўзига сингдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Аваз Ўтарнинг ижтимоий=сиёсий, фалсафий ва ҳурфирлилик ғоялари бадиий=илмий ижод шаклида бўлиб, муайян тарбияшунослик тизимини ташкил этади десак, янглишмаймиз. Табиийки, унинг маърифий=тарбиявий қарашлари ҳаёт тажрибаси асосида донишмандлик билан чиқарган хулосаларида, мазмундор

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 8= бет.

шеърий ибораларида ҳукмрон доираларнинг ўта ахлоқсизлигини шафқатсиз танқид қилишда, ижтимоий ҳаёт воқеаларига берган фалсафий-дидактик баҳосида ўз аксини топғанлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки Аваз Ўтар ўғлининг ижтимоий=педагогик ва ҳурғикрлик мавзуида асарлар яратишдаги изланишлари, хулосалари халқ қалбининг ёрқин ифодаси эди. Шунинг учун ҳам унинг маърифий=педагогик мероси ҳозирги кунда ҳам ёш авлодни тарбиялашда ўз аҳамиятини йўқотмаган.

З= §. Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=дидактик қарашлари

Аваз Ўтар ўғли педагогика, дидактика, таълим=тарбия муаммоларига тўхталиб, – одам ижобий малакаларни таълим=тарбия натижасида қўлга киритади, – дейди. Шунинг учун ҳам мураббий шоир ўзининг маърифий=педагогик қарашларида таълим=тарбияни бир=бири билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб қарайди ва ёшларни саводхон, ўқимишли бўлиш, илм=маърифатга муҳаббат, одобли, хушахлоқли, онгл идрокли ва камтар, дўстга садоқатли, душманга нағратли, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғояларини илгари суради. Яңги мактаблар очиб, болаларга аниқ фанларни ўқитиш зарурлигини уқтиради. "Мактаблар очиш шундай бир фаолиятки, – деган эди Аваз, у халқка хизмат қилишга ўзини халқ, Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар ким ана шу олижаноб ишга ўзини бағишлиши керак, чунки мактаб халқни азоб-уқубатдан кутқаради"<sup>I</sup>. Аваз Ўтар ўғли ижтимоий ҳаёт масалаларида халқнинг куч=қудратига ишонади, шунинг учун ҳам "миллатни илму ирғондан баҳраманд" этишга чақиради. Маърифатпарвар шоирнинг "Мактаб" шеъри дидактиканинг энг яхши намунаси бўлиб, унда мактаб – илму маърифат ва гўзал ахлоқ=одоб мас-

<sup>I</sup> "Совет мактаби" ойномаси, 1975 йил, I2=сон.

хани сифатида таърифланди:

Очинглар, миллати вайрон этгуси мактаб,  
Ўқусин ёшларимиз кўнглини шод этгуси мактаб,  
Дилу жон бирла эл мактаб очарға ижтиҳод этсин,  
Нединким, бизни ғам-қайғудин озод этгуси мактаб<sup>I</sup>.

Мураббий шоир ота=онанинг бола тарбиясидаги ва унинг дунё-карашини таркиб топтиришдаги ролига алоҳида тўхталиб, фарзанд инсон кўнглининг сурури, кўзининг нури эканини алоҳида қайд қиласди. Унинг эътиқодига кўра, бола тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг иштирок этиши, иккови ҳам баравар масъулият сезиши лозим. Утеъдолли тарбиячи – шоир маърифат маскани мактаб инсон ақл=иджининг тараққиётига сайқал беради ва уни балогат босқичига кўаради, демак, шундай экан<sup>2</sup>, ота=оналар ўз фарзандларининг умри ёдоб бўлишини истасалар, улар фарзандларини мактабда ўқитиши, билимли қилиши ҳам фарз, ҳам қарэдир, деган маърифий=дидактик ғояни илгари суради. Шоир мактабда бериладиган таълим=тарбия жоҳиллик ва нодонликни барбод этишини алоҳида таъкидлайди:

Кўнгулларнинг сурури, доғи кўзлар нуридир фарзанд,  
Аларнинг умрини, албатта обод этгуси мактаб.  
Ота бирла онага фарз ўқитмоқ бизни мажбурий –  
Аваз, ҳимматни қил олий очарға эмди мактабким,  
Балои жаҳду нодонликни барбод этгувчи мактаб<sup>I</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ёш авлоднинг истиқболига юксак умид билан қараркан, ёшларга билим бериш, уларни замонасиинг энг етуқ кишила-ри даражасида этиштиришда астойдил бел боғлагани, ҳатто бу йўлда жонини ҳам фило қилишга тайёр эканини таъкидлайди. Аваз Ўтарнинг фикрича, маърифатли бўлган инсон онгли, ақл=идроқли бўлади, айни чоғда ярамас, разил хатти=ҳаракатлардан сақланади, у маърифат,

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 21= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 21= бет.

ҳақиқат, адолат, озодлик душманлари билан онгли равишда курашади. Шу боис Аваз Ўтар ўғли болаларни тарбиялашда, уларни хулқли, одобли қилиб ўстиришда илм=маърифат эгаллашни биринчи ўринга қўяди:

Умидим: яшасин мактаб боласи,

Аҳар ҳар бири бир тери жаёним<sup>1</sup>.

Инсонни маърифатли, юксак фазилатли билимдон қилиб тарбиялашда табиий фанларнинг аҳамияти катта эканлигини ҳам Аваз Ўтар ўғли алоҳида қайд этади. У қуйидаги ғазалида эса мактабда табиий илмий фанларни, хусусан, фалакиёт (астрономия) фанини ўқитиш болаларнинг дунёқарашини шаклланишидаги тарбиявий аҳамиятини шундай изохлайди:

Шоҳи анжумким тузиб мажмуъи кавкабга низом,

Кўҳна рахший тезрафторига чун бўлди сувор.

Муштарий бирла видо айлаб чу буржу хут аро,

Айлади майдони Миррихи ҳамад сори гулзор.

Соати наврӯз киргач, ҳақ таоло сунъидин,

Бир=бирига вазн аро teng бўлдилар лайлу наҳор.

Демак, "Фалакиёт илмига кўра, Зухра, Қуёш, Миррих, Муштарий. Зуҳал каби сайёralар бўлиб, шулардан Қуёш ўз таъсирчан кучи билан барча сайёralарга Низом тутиб берган Қуёш кўкнинг тезрафтор остида остида кезиб, муштарий (қиши), билан хайрлашади, Миррих (ҳамал)га яқинлашади. Қуёшнинг ҳамал майдонига келиши эса баҳор келиб, Наврӯзи олам бўлганини кўрсатар. Бундай вақтда кечакундузнинг узун=қисқалиги тенглашади. Аваз Ўтар астрономияга оид мазлумотларни албатта, ўз даври тушунчасидан келиб чиқиб ёзади"<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 18= бет.

<sup>2</sup> В.Мирзаев. Маҳорат қирралари. "Гулистон" ойномаси, 1984 йил, 8= сон.

Аваз Ўтар ўғлининг халқ оммасини ва унинг фарзандларини саводхон қилиш борасидаги саъй=ҳаракатлари илм=маърифат муҳолифларининг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Аммо Аваз Ўғли "Икки шайх, "Шайх", "Зоҳид", "Худбин", "Уламоларга", "Эшония ва бошқа газалларида илм=маърифат ва маънавият муҳолифлари бўлган маккор ва жаҳолатпарастларнинг чаласаводлигини қескин ғош қилади. Шоир "Уламоларга" шеърида илм=маърифат ва маънавият муҳолифларининг жаҳолатпарастлигини қаттиқ коралайди:

Йўқса, одаммиз, очиб мактаб илм билдирангиз,  
Бехабар илму ҳунардин бизни ҳайвон этдингиз!<sup>1</sup>.

Хивадаги Аваз Ўтар ўғли бошлиқ адабий мактабда таҳсил кўрган Фақирий ҳам "Эшон" шеърида ўз устозининг фикрини давом эттириб, халқ ҳаётига кириб келаётган илм=маърифатни, яхшилик ва эзгулик йўлини тўсаётган шахсларда суратнинг улуғлиги=<sup>2</sup>, сийратнинг тубанлигини очиб ташлайди:

Жоҳилу фосиқ, шарорат аҳлининг сардафтари,  
Феълу атворинда мундиндур баве адно эшон.  
Гоҳ мактабдар, гоҳ ҳофиз, гаҳи сўғидур ул,  
Гоҳ қавмин йиғибон жаҳр айлаур равғо эшон<sup>2</sup>.

Фақирийнинг "Муллалар" газалининг бутун руҳи ўзини том маънода саводхон қилиб кўрсатувчи, аслида эса "маърифатнинг заволи" бўлган "жоҳил нодон муллалар"нинг асл қиёғасини намоён этиши билан характердидир:

Маърифатнинг заволи жоҳил, нодон муллалар,  
Ҳайҳотки, юрт бошига оғат бўлғон муллалар.  
Тилсанг кўксин топилмае :лом", "алиф"дин бир нафар,  
Савлатини кўрганлар дерки мардон муллалар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 19= бет.

<sup>2</sup> Фақирий, Шеърлар. Т., 1972, 9= бет.

<sup>3</sup> Фақирий. Муллалар. "Муштум" ойномаси, 1969 йил, 23=сон.

Аваз Ўтар ўғли илм=маърифат ва маънавий мухолифлар ё бўлган жоҳил, риёкор руҳонийлар билан амалий баҳсларда бўлиб, баъзила-тиниг чаласаводликлари, мунофиқликлари учун фойдали бўлган ҳар дандай ярамасликни ҳам "хайрли иш" деб бойлик тўплаш мақсадида фатво беришлари инсоний ахлоққа мутлақо эид әканлигини қаттиқ танқид қиласди. Авазшунос олим В.Мирзаевнинг таъкидича: "... кунлардан бир кун, Аваз Ўтар ўз одати бўйича шаҳар бозорини сайр қилиб юрганда, иттифоқо одамлар йиғинига дуч келади. Йиғилишда шоир билан ҳаммаҳалла, мулла Қурбонниёз сўфи йиғилган одамлар гурунгига "Митоҳул жинон" ("Жаннатлар калити") деган диний китобни баланд овоз билан ўқир, лекин мазмуни ҳақида китобдагилар қолиб, ўз билганича сўзлар эди. Аваз Ўтар бу сўфининг фирт саводсиз, китоб ўқиёлмаслигини яхши билар эди. Шоир олдин бир оз сабр қилди, сўфининг ёлғончилиги чўққига чиқади. У охир сўфининг қўлидан китобни олиб, қуйидаги мисраларни ёзади ва жамоат олдида баланд овоз билан ўқийди:

Гар бу китоб эрса жинона калид,  
Дўзахийлар барча палиду сайд.

Сўфи Аваз берган китобни ушлаб, қипқизариб-бўзарганича, ҳангманг бўлиб қолаверади, ҳеч илож қилолмайди. Қурбонниёз шоирнинг бу шаккоклик қилиғи билан уни айбга мубтало қилиши мумкин эди. Аммо сўфи бу ишни асло қилолмайди, чунки Аваз ҳақ гапни гапирган. Қурбонниёз аслида саводсиз, Аваз қозихонада бу муттаҳам ёлғончи сўфини тағин ҳам ёмонроқ гуноҳкор қилиши мумкин эди. Чунки бесавод кишининг ёлғондан китоб ўқиши шариатда оғир жиноят ҳисобланади. Аваз эса ҳамма диний китобларни тўла ўқиган, мазмунини ҳам хатм қилган эди. Шу сабабли сўфи Қурбонниёз Аваздан еган дашномининг заҳрини ичига ютишга мажбур бўлади.

Маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғли маҳалла болаларини ўқи-

тадиган, айни замонда, имом, мулла Шомил билан тўқнашиб қолади. Мулла Шомил масжидда имомлик қилар, маҳалла болаларини эса эски усулда ўқитар эди. Шомил мулла саналса=да, аслида хат=саводи йўқ эди, у бир=икки сураларни ёдлаб олган бўлиб, уларни болаларга ёдлатар эди. Бу эски мактабда йигирма йиллаб ўқиб чиқса ҳам болалар хат=саводсиз қолар эди. Мулла Шомилнинг бола=чақаси йўқ, сўкка бош, ўзи ўлгудай таъмагир, ўта хасис, худбин ва майший жиҳатдан жуда бузук эди. Шомил учун имомлик, мактабдорлигидан келаётган даромадлар ичкилиги харажати боисиден етишмас, шу туфайли, болаларни пайшанбалик, сабоқ пули, хайитлик пулларидан ташқари, гайрирасмий хайитлик хатлари ёзиб ота=оналардан пул ундиришга интилар эди. Бундай хайитлик хатлар агар шеърий, бир чиройлик услуб билан ёзилган бўлса, ота=оналар Шомилга кўпроқ оқчалар бериши мумкин эди. Шу туфайли ён қўшниси бўлган Аваз билан ҳамиша тил учида бўлса=да, илиқ гаплашишга интилар, у ўзоқ ўйлаб иш кўрар эди. Кунлардан бир куни Шомил Авазнинг уйига келиб, шоир билан самимий сўзлашиб, меҳмон бўлади ва у Аваздан ота=оналарга бир дона намунали шеърий хайитлик жати ёзиб беришни илтимос қиласи. Аваз уни меҳмон қилиб бўлгач, хайрлашар экан, унинг тилагига рози бўлади.

Эртаси куни Шомил Аваз ёзган хатни олиб кетади, уни ўзи ўқиёлмагач, лоакал бирорга ўқитиб ҳам кўрмай, ота=оналарга тарқатади. Равшанки, бу хайитлик хатида ота=оналар домлага пул бериш эмас, балки эшим деган кулолдан ўйинчоқ идишлар, сув чиқарадиган чифириқлар сотиб олишлари даъват этилган эди<sup>I</sup>. Шоирнинг ўша тўртлигидан қуйидаги мисралар сақланиб қолган:

---

<sup>I</sup> В.Мирзаев. Аваз Ўтар ижодида маърифатпарварлик ва дидактик ғоялар. "Совет мактаби" ойномаси, 1984 йил, 8=сон.

Наврӯз келибон очилди лола,  
Беш танга беринг эшим кулола.  
Чаноқ ясасин ёш болалара,  
Дигир ясасин чиғирчилара<sup>I</sup>.

Шомил бундан бехад ғазабланади ва Авазга нисбатан душманлик йўлига ўтади ва "Аваз шариат пешволарини ҳақорат қиласяпти, ўзи бенамоз, худосиз, динсиз", сингари ифво гапларни тарқатади. Аваз Шомилнинг бундай иғволарига жавобан янада кучлироқ ҳажвий асарлар битган.

Аваз Ўтар ўғли илм=фанни ва саводхонликни доим жаҳолату зулматга, адолатсизликка, нодонликка, хон истибдодига қарама=қарши кўяди. Шу боисдан шоир халқ ҳаётининг тараққиётида ва ўлка ободончилигига илм=фанинг роли ҳақида гапирап экан, уни миллатни жаҳолатдан қутқарувчи бирдан=бир халоскор деб билади, уни эса жаҳолат ва хон истибдодининг йўқотилиши, жамиятнинг туб ўзгариши билан боғлайди:

Топар эркан қачон, ёраб, ҳаёти жовидон миллат?  
Топиб илму ҳунар бирла маорифдан нишон миллат?  
Фидо миллат йўлига молу жон этмак керак, ҳар ким –  
Бўлай деса, агар авлоди машхуру жаҳон миллат.  
Очиб ҳар бир саридан мактабнинг унвонин айлаб чўх,  
Тараққий айламасми ўқубон беҳадди сон миллат?  
Бу янглиғ олам аҳлидин кейин қолмай юриш айла,  
Аваз бўлгай уёниб қомкору комрон миллат<sup>2</sup>.

Бу мисраларда Аваз Ўтар ўғли илм=фанинг тараққиётини ҳуррият, эркинлик, озодлик билан зулматнинг емирилиши, хон истибдодининг тугатилиши билан боғлайди. Мантиқан шуни айтиш мумкинки,

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Т.; I984; I2= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., I984, I9= бет.

бунда шоирни мактаб ва ўқишишни ўрганиш "нодонликни, жаҳолатни барбод этувчи" восита, деб тушуниши характерлидир.

Қаю миллатга биздек гар насими, инқироз етса,

Анга, албатта, мустаҳкамлик иход этгуси мактаб.

Бу не навмидликдур?! Мактаб очсак, оқибат бизни,

Арўси ком ила мақсадга домод этгуси мактаб<sup>1</sup>.

Демак, ўзи яшаётган ижтимоий ҳаётда пайдо бўлаётган илм=фан ва техника янгиликларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш Аваз Ўтарнин маърифатпарварлик 'руҳидаги шеърларида ранг=баранг шаклларда намоён бўлади. Жумладан, шоир "Тил" шеърида тил ва тафаккурнинг баъзи умумий масалалари тўғрисида фикр юритиб, тилга ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ва ёшларни "ғайри тилни" ҳам ўрганишга чакиради:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,

Тил воситай робитай оламиёндур.

Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,

Ким илму хунарлар билонки олдин аёndур<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли "Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур" мисрасида "эмди" сўзи орқали ўзбек халқининг маданий тараққиётида қардош халқлар маданияти ва ижтимоий=тарбиявий фикрининг ижобий таъсирини алоҳида таъкидлайди. Шоир "Ғайри тили"ни билиш – илм хазинасини ўрганиш, фикрий уйғониш, ўз инсоний ҳақ=ҳуқуқини англаш ва ҳимоя қилиш унун ҳам восита, деб уқтиради:

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,

Билмакка они ғайрат этинг фойда кондур.

Илму фан уйига юборинглар болангизни,

Онда ўқуғонлар бори яктои замондур.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 21= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 21= бет.

Зор ўлмасун онлар дөғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидан они бағри тұла қондур<sup>1</sup>.

Бу ерда Аваз Үтар үгли тил билишни "кони бойлик" топиш билан бараварлаштиради, "ғайри тилини" билгувчилар замонасинг илфор кишилари бўлишини таъкидлайди.

Қизиги шундаки, худди шу мавзуу ва фоя XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган Озарбайжон маърифатпарвари Саид Азим Ширвонийнинг "уч тил" ва "А.С.Пушкин" дейилган ғазалларида янада равшан ифодаланган:

Забони руси асан етмак тагриру таҳрира,  
Агарчи хейли захматлар чакиб ҳар ориғу дона.  
Вали бу ахиринча дағъада бир афса ху акмал,  
Лисану ҳам лугати - руси етди тазадин ехё<sup>2</sup>.

Татар маърифатпарвари Галиаскар Камолнинг қуйидаги мисралари ҳам мазмун ва фоя жиҳатидан бир=бирини түлдирувчи яхлит бир маърифий-педагогик асарлардандир:

Узимизнинг наданлыкны сизмак керак,  
Шул наданлык дошманын низмак кирак.  
Уйда ятып эш тугмады, ҳам тугъмайдыр,  
Гыйлет үчен Аурупаны чизмак кирак<sup>3</sup>.

Аваз Үтар үглининг маърифий=тарбиявий мавзуларда ёзган "Хуррият", "Тил", "Уламоларга", "Мактаб", "Топар эркан", "Эй Аваз" сингари асарлари ўз халқига, ватанга хизмат қилиш руҳи билан сугорилгандир. Унинг Ватанга бўлган муҳаббати меҳнаткаш халқ манфаатиарини кўзлаб жамиятнинг ижтимоий тузумини ўзгартиришни жуда ҳам истаганлигида яққол сезилади:

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 21= бет.

<sup>2</sup> Сеид Азим Ширвони. 2= жилд, Бакы, 1968, II= бет.

<sup>3</sup> Галиаскар Камол. Асарлар. 2= том, Казан, 1978, 256= бет.

Ватанпарвар фидойи фирмалар то бўлмайин пайдо,  
На мумкин топмоғи ўлган танига тоза жон миллат?<sup>1</sup>.

Демак, ватанпарвар, фидокор кишилар бўлмаса, халқнинг илм=маърифат нуридан баҳра олиши қийин. Шоир гарчи мавҳум ҳолда бўлса ҳам, " фирмалар" сўзи орқали халқ манфаатини кўзловчи идрокли ватанпарвар кишиларнинг етишиб чиқишига ишора қилади.

Аваз Ўтарнинг нуқтаи назарига кўра, ўзини халқ хизматига бағищлаган киши – ватанпарвар. Шоир "Хуррият" шеърида ўз халқи баҳт=саодати йўлида жонини фидо қиласидиган ва ёш авлоднинг жамиятда муносиб ўринни эгаллашига ҳар томонлама ёрдам берадиган саҳоватли, ҳимматли ва мард кишини ватанпарвар деб атайди. Аваз Ўтарнинг ўзи ҳам оташин ватанпарвар бўлиб, ўз вананига замондошларининг ораву-истакларини амалга ошишини истардик. У ана шу мақсад ва фоялар учун қўйидаги ўтли мисралари билан курашди:

Бу йўл азмида етмак истасанг мақсадга эй солик,  
Қадам мардона қўйгил келса бошингга даги оғат"<sup>2</sup>.

Ёки:

Эй Аваз, оламда мақсуд истасанг,  
Лаҳзае хоби фарогат айлама<sup>3</sup>.

Буларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган жулоса шуки, Аваз Ўтарнинг маърифий-тарбиявий қарашларида илм=маърифат тараққиёти зулмга жаҳолатга, нодонликка, хон ва Чор Русияси истибдоғига қартилгандир.

Шу боисдан дадил айтиш мумкинки, Аваз Ўтар ўғли миллат, халқ ҳаётининг тараққиётида илм=ғаннинг роли ҳақида гапирап экан, аввало маърифатни миллатнинг бирдан=бир халоскори деб тушунади. Шунинг учун ҳам шоир маърифатни, илм=ҳунарни хон ва чоризм истибдодининг йўқотилиши, жамиятнинг туб ўзгариши билан узвий равишда

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 19= бето

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Т., 1984, 33= бет.

<sup>3</sup> В.Мирзаев. Аваз Ўтар ўғли. ЎзССР"Фан", Т., 1961, 50= бет.

боғлайди. Авазнинг жамият тараққиётига ва инсон камолотига нисбатан тутган йўли ўз даври учун ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Шоир назарида илм ва маърифат фикат шахс камолоти учунгина эмас, балки жамиятнинг умумтараққиёти учун ҳам зарурдир.

Аваз Ўтарнинг маърифий-тарбиявий қарашларида шахс камолоти ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида гап кетаркан, шоирнинг тил ўрганиш хусусидаги фикрлари дижқатга лойиқдир. Аваз Ўтар ўғли мураббий шоир сифатида инсон камолотининг ҳар томонлама мукаммалигини ўйлаган ижодкор. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, шоир илм=фан ва маърифат тараққий этган эл=юртлар борлигидан хабардор ва ўзи 1912 йилда Кавказ, Қрим, Бокуда бўлиб, Жалил Маматқулизода, Алиакбар Собир, Мухаммад Ҳоди, Собир Тоҳирзода, Саҳнат, Шоик, Алигулу Фамгусор, Ҳожи Сеид Азим Ширвоний каби Озарбайжон маърифатпарварлари билан яқин мулоқотда бўлган эди. Шундан бўлса керакки, Аваз Ўтар ўғлининг "Мактаб" ва "Тил" маърифий=дидактик асарлари Алиакбар Собирийнинг "Орзу", "Ота насиҳати", "Муаллимлар съезди" асарлари билан мазмуман муштаракдир. Шу жихатдан Алиакбар Собирийнинг қуидидаги байтларини келтиришни зарур топдик:

Ей давлатимин заволы оғлум!

Ей башы ағыр балолы оғлум!

Ей мактабу дарсин ашинаси,

Ей риштейн - елм мубталоси...<sup>I</sup>

Ёки:

На дарс олайды, на мактаб, на елму санъат олайды!

На дарса, мактаба, елма, филана ҳажат олайды!

На дафтара, чалама, қагаза бу рағбат олайды<sup>2</sup>.

На сандали, на гарандаш, на ловҳу миз, на табошир,

<sup>I</sup> Мирза Алиакбар Сабир. Ҳопхопнама. Бакы; 1967, I66= бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, I66= бет.

Ва яна:

Ташкил едажаклар кишилар мактаби – нисван,

Гызлар охуйуб жумла шарафдар олажакдыр.

Хар шаҳрда бир мактаби – санъат ашажаклар,

Оғланлар алыб хандаса, меъмар алажакдыр<sup>1</sup>.

Аваз Ўтарга замондош татар маърифатпарвари Мажид Faғурий-нинг "Айда қизим, мактапка!" разали ҳам ҳамоҳанг бўлиб, шоир фарзандини мактабга даъват этиб, етук инсон бўлиб шаклланишининг омили илмда эканини уқтиради:

Кузенг оч, матур қизым, ятма инде, тор, қизым,

Син бит минем куз нурим, айда, қизым, мактапка.

Утмасен гомренг арам, уқып, қизым, бул одам,

Уқып қына кеше бул, айда қизым, мактабка.

Тарбияле қиз бала инг қадерле санала,

Алмашынмас дуняга, айда, қизым мактапка<sup>2</sup>.

Кўринадики, озарбайдон, татар ва ўзбек маърифатпарвар шоирлари асарларидаги ёшларни илм әгаллашга даъват этувчи маърифий-дидактик ғоялар туркий халқларнинг маърифатпарварлик ҳаракатининг ўзига хос солномасидир. Чунки Furbatning (1850-1918) "Гимназия", Камийнинг (1866-1923) "Гимназия хусусида", Абдулла Авлонийнинг "Мактаблар", Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Мактаб", "Ўқи!", "Илм иста", "Китоб", "Қалам" сингари маърифий-дидактик асарларидаги ғоялар бир=бирига яқин туради ва деярлик бир даврда майдонга келган.

Юкорида зикр қилинган маърифий-дидактик асарлардан фарқли ўлароқ Ҳоразмда бевосита Аваз Ўтар таъсирида болаларни мактабга боришга, илму урфондан боҳабар бўлишга чорловчи янги асарлар май-

<sup>1</sup> Мирза Алиакбар Собир. Ҳопхонёма. Бакы, 1967, 97= бет.

<sup>2</sup> Мажит Faғури. I-том, Шыгирлар ҳам масаллар. Қазан, 1980, I28= бет.

донга келади. Шу жиҳатдан қараганимизда, Фақирийнинг "Янги мактаблар" асаридаги қуийдаги маърифий-дидактик ғояларни эслайли:

Билингким, тоза даврон жарчисидур янги мактаблар,  
Жаҳолат қасрини ҳам бузғусидур янги мактаблар.

Агарчи мадрасалар, фисқу бидъатга макор эфди,  
Вале илму ҳунарлар партавидур янги мактаблар.

Үн-үн беш йил ўқубон ҳам ёзомас эрди ўз исмин,  
Үн ойда бас, саводхон этгусидур янги мактаблар.

Бизим бечора мазлум халқ билмай сарнигун эрди,  
Агар қулғи дилини очғусидир янги мактаблар.

Фақирий, эмди келмиш фақр элининг даври даврони,  
Шу даврон мадҳини ҳам битгуси янги мактаблар<sup>1</sup>.

Мутриб Хонахаробий Аваз Ўтар ўғли изидан бориб ўзининг маърифий=дидактик шеърида мактабда бериладиган таълим=тарбия-нинг аҳамијитини, бу иш билан шуғулланадиган муаллимларнинг "илм аро якто", саводхон, маданиятли кишилар эканлигини алоҳида уқтириб, ёшларни илм олишга чорлайди:

Илм аро якто муаллимлар келиб,  
Жаннатасо янги мактаблар очиб,  
Ёшларни тарбият бирла мудом,  
Айлади ҳар бирини олий мақом...  
Эй халойик, бўлса фарзандинг агар,  
Бер муаллимга ани қилмай ҳазар<sup>2</sup>.

Чокар "Ўқув" асарида мактабнинг ағзаллиги, илм олиш, маърифатни әгаллашга чақириқ ғояларини тарғиб қиласди:

Биза бўйла эзилмаклик қайфу=аламлар жаҳлимиздантур  
Ўқусак илм олур эрдик, биз ҳам оламда армонсиз.

Беринг фарзандингиз мактабга Чокарни сўзин тинглаб,

<sup>1</sup> Фақирий. Шеърлар. Т., 1972, I4= бет.

<sup>2</sup> "Хоразм хабарлари" рӯзномаси, 1921 йил 26 сентябрь.

Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз<sup>1</sup>.

Шоир Аҳмаджон Табибийнинг қуидаги маърифий-дидактик мазмун даги мисралари ҳам **характерлидир**:

Кимдаким аҳли жаҳондин бор илму маърифат,

Қилғусидур они бархурдор илму маърифат.

Маст әсанг субҳу масо оламида нодонлиғ билан,

Қилғуси ондин, сени ҳушёр илму маърифат<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан шу нарса аниқ кўринадики, туркий халқлар-нинг ижтимоий тараққиётини зийраклик билан кунатиб борган Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-дидактик қарашларида озарбайжон ва татар маърифатпарварлари билан муштараклик ва умумийлик мавжуддир. Шуниси **характерлики**, Аваз Ўтар ўғли қаламига мансуб "Мактаб", "Тил "Уламоларга", "Топар эркан", "Хуррият" сингари маърифий-дидактик асарлар Хоразмда маърифий-педагогик фикрларнинг шаклланиши ва тараққийсида чинакам амалий аҳамият касб этди. Натижада, Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик ғояларининг қонуний давомчиси бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, А.Авлоний, Сўғизода, Фитрат, Чўлпон, Боту, Табибий, Баёний, Фақирий, Мутриб, Девоний, Чокар, Саф Муғаний сингари забардаст маърифатпарвар шоирлар мактабларда бериладиган таълим-тарбия масалаларини янги шароитда ривожлантирилар ва давр нафаси билан бойитиб бордилар.

Надоматлар бўлсинким, халқ эъзозига сазовор бўлган Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва ижоди ҳали мактабларимиз учун нашр этилган "Ўзбек адабиёти" дастуридан<sup>3</sup> (5 соат ажратилган) ва дарслик-

<sup>1</sup> Янгар. Ўғурма. Хива, 1923 йил, 24=бет.

<sup>2</sup> Табибий. Танланган асарлар. Т.: 1968, 17=бет.

<sup>3</sup> Умумтаълим мактаблари дастури ўзбек адабиёти (у-ХI синфла учун), Тошкент, 1991. Умумтаълим мактаблари дастури ўзбек адабиёти (у-ХI синфлар учун) Тошкент, 1992, Умумтаълим мактабларининг у-ХI синфлари учун "Ўзбек адабиёти" предметидан тахминий режалаштириш ва тавсиялар (1993-1994 ўқув йили), Тошкент, 1993.

ларидан асосий ўринни олган деб бўлмайди. Аникроғи, Аваз Ўтар ўғлиниг етук ижодкор сифатидаги ўзига хос қиёфаси ва маърифатпарварлик руҳидаги асарлари ҳақида ўқувчиларга юзаки тушунча берилмоқда. Қолаверса, педагогика институтлари ва дорилғунунлар учун нашр этилган "Педагогика тарихи" дастурида<sup>I</sup> ва шу асосда ёзилажак "Педагогика тарихи" дарслигида ҳам маърифатпарвар шоирнинг маърифий-педагогик ғояларини умрбокий қилган жиҳатлари педагогика назарияси ва тарижи нуқтаи назаридан кўрсатиб бериш назарда тутилмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Бу мuloҳазалардан, ўзбек адабиёти ва педагогика тарихини ўқитиши жараённида Аваз Ўтар ўғлиниг маърифий-дидактик асарларидан имкони борича кенг фойдаланиш зарур, деган хулоса келиб чиқиши табиийдир.

Мактабларда ўтказган тадқиқот ишларимиз шуни кўрсатадики, назаримизда адабиёт дарсларида УП-Х синфларда Аваз Ўтар ўғлиниг ҳаёти ва ижоди таҳлилига 5 соат ажратилади=ю, лекин ўрта мактаб ўқувчилари учун энг аскотадиган, тарбиявий жижати муҳим бўлган маърифий-дидактик мазмундаги асарларига кам тўхталинади. Дарвоҷе, Аваз Ўтар ўғли ижодининг энг муҳим томонларидан бири ҳам унинг маърифий-дидактик қарашларида намоён бўлади.

Ана шуни назарда тутиб ушбу илмий тадқиқотда муаллиф ўзининг 15 йилдан зиёд иш фаолиятига, республикамиз мактабларидаги кўплаб ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг дарсларига кириб, машғулотларини таҳлил қилиш ва оммалаштириш жараённида тугилган ибратли методик тажрибаларга асосланган ҳолда УП ва X синфда "Аваз Ўтар ўғлиниг ҳаёти ва ижоди"ни маърифий-дидактик асосда ўрганиш бўйича айрим йўл=йўрикларни беришни ўринли деб топди.

<sup>I</sup> Педагогика тарихи (педагогика институтлари ва дорилғунунлари учун дастур). Тошкент, 1993.

Ўқитувчи УП синфда шоирнинг "Мактаб", "Тил" шеърини ўрганишни синфдан ташқари мустақил ўқиш учун берилган "Миллат", "Фидойи халқим", "Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ", "Топар эркин қачон?", "Ўламоларга хитоб" асарларини такрорлашдан бошлайди. Шоирнинг таржимаи ҳодини баён этганда, унинг маърифий-педагогик қарашларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этган манбаларга ва асарларининг ғоявий мазмунига кенг тўхталади. Ўқитувчи ўтган дарсга қисқа якун ясагач, янги мавзуни ўрганишга киришади. "Мактаб" ва "Тил" шеърини дастлаб ўқитувчи томонидан ифодали ўқиб берилади. Сўнг ўқувчилар ўқийдилар, кейин эса ўша асарларнинг матни устида иш олиб борилади: у таҳлил қилинади.

"Мактаб" ва "Тил" асарлари Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-дијактик ғояларини ифода этувчи асарлариданdir. Шоир "Мактаб" шеърида ота=оналарга мурожаат этиб, ўз фарзандларини илму маърифат ва гўзал ахлоқ-одоб маскани - мактабга беришни тарғиб қилса, "Тил" шеърида эса халқлар дўстлигини улуғлайди ва она тили, Тўрли ҳорижий тилларни тарғиб қилиб "тил фойдали кондир", дейди.

Ўқитувчи Аваз ўтар ўғли "Мактаб" ва "Тил" асарларида ёш авлод ва она тили истиқболи ҳақида уларнинг илм=маърифатли ва одоб ахлоқли бўлиши ҳақида ўйлаганини изоҳлайди. Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғлининг "Мактаб" асарини таҳлил қилиш пайтида озарбайжон машхур маърифатпарвар шоирлари Алиакбар Собирийнинг "Орзу", "Ота насиҳати", "Муаллимлар съезди", Ҳожи Азим Ширвонийнинг "Лозимдур", татар маърифатпарвар шоири Мажид Рафурийнинг "Айда қизим, мактапка!" Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Мактаб", А.Авлонийнинг "Мактаблар" асарларидан намуналар ўқиб беришиб мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Аваз Ўтар ўғлининг "Тил" асарини ўрганиш жараёнида ҳам туркий халқлар адабиёти асарларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, машхур татар шоири Абдулла Тўқайнинг "Она тили" асари Аваз Ўтар ўғлининг "Тил"

шеъри билан ҳамоҳанглиги айтилади:

Эй азиз тил, эй гўзал тил, ота=онамнинг тили,

Дунёда кўп нарса билдим сен она тил орқали.

Авиало, бу тил билан онам бешикда куйлаган,

Сўнг узун тунлар бўйи бувим ҳикоят сўйлаган.

Эй она тил, ҳар замон бўлдинг мададкорим менинг,

Сен туғайли англатарман шодлигим, зорим менинг .

Ўқитувчи шундан сўнг дарсни савол ва топшириқлар орқали мис-  
таҳкамлаш билан тугатади.

Умуман кузатишлар чоғида Хоразм вилояти Шовот туманидаги Э.Телман номли ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи-  
си Б.Отабоев, Хива туманидаги I0= ўрта мактабнинг ўқитувчиси Ш.То-  
хирова, Янгибозор Туманидаги I9= ўрта мактабнинг ўқитувчиси Ш.Сайд  
жонова, Самарқанд вилояти Ургут туманидаги I7= ўрта мактабнинг  
олий тоифали ўқитувчиси Г.Файзиев, Жиззах вилоятининг Фориш тума-  
нидаги I5= ўрта мактабнинг ўқитувчиси И.Азимова, Тошкент шаҳрида-  
ги 73= ўрта мактабнинг ўқитувчиси С.Шермуродова сингари кўплаб  
ижодкор ўқитувчилар Ава<sup>з</sup> Ўтар ўғлиниң ҳаёти ва ижодига тұхтал-  
ганда, шоирнинг маърифий-дидактик қарашларини чуқурроқ ёритишга  
ва шу орқали ўқув материалини моҳирлик билан ўқувчиларга етказиши-  
га мушарраф бўлганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳақиқатан ҳам УП-Х синф-  
ларда Аваз Ўтар ўғлиниң ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараённанда ва  
шоир асарлари юзасидан мактаб ва синфдан ташқари машгулотлар ўт-  
казилиши шоирнинг маърифий-дидактик қарашларини ўрганишни осон-  
лаштиради, юқори синф ўқувчиларида эса маърифатпарвар шоирнинг  
бой адабий-маърифий меросига кучли муҳаббат ҳиссини уйғотади ва  
уларда илм=маърифатни, мактабни севиш, устозга ҳурмат, она тили-  
ни ардоқлаш ва гўзал инсонни одоб=аҳлоқ туйғуларини шакллантириш-  
да муҳим аҳамият касб этиши шубҳасизdir.

## Х У Л О С А

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик қарашларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, истеъодли маърифатпарвар шоирнинг асарларидаги ижтимоий-сиёсий, хурфиксалик, маърифатпарварлик гоялар, фикр ва мулоҳазалар шу қадар бой ва сермазмунки, улардаги маърифий-педагогик гояларни ўрганиш фақат тарихий, илмий=педагогик жиҳатдан аҳамиятли бўлмасдан, балки кўпроқ амалий аҳамиятга эгадир. Айниқса, унинг маърифий-педагогик гоялари Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий давлат қуриш ва миллий мактаб яратиш учун олиб борилаётган саъӣ=ҳаракатларимизда муҳим манбадир.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик қарашларини ўрганиш, биринчидан Ўзбекистон халқларининг ижтимоий- педагогик фикрлар тарихи фанини бойитади ва уни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб қолди. Иккинчидан, ёшларни инсонпарварлик, адолатпарварлик, ростгўйлик, тенглик, тинчликсеварлик, илм=маърифатни севиш ва устозни ҳурматлаш, она тилини ардоқлаш руҳида тарбиялашга катта ёрдам беради.

Аваз Ўтар ўғлининг асарларида ижтимоий тузум адолатсизлиги- ни феодал-хонлик тартибларини, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини кескин ошкора қоралаш, шахс камолоти ва эрк=ҳуқуқини улуғлаш, бундай эркинлик ва илм=маърифат учун кураш фоялари етакчи ўринни тутади.

Шуни айтиш керакки, ижтимоий ҳаёт масалаларини туб моҳияти- ни тушуниб етмаган. Аваз Ўғли илм=маърифат орқали иқтисодий= ҳуқуқий масалаларни ҳам ҳал қилиш мумкин, деган фикрни билдиради. Шунинг учун ҳам унинг асарларида озодлик ва эрк йўлидаги қураш илм=маърифат учун қураш билан узвий боғланиб кетган. Бу ўринда шуни айтиш керакки, маърифатпарвар шоир дунёвий билимлар тараф-

дори бўлса=да, бироқ ҳалқ таълимининг синфиийлигини тушуниб етмаса ҳам, барибир, унинг маърифий=педагогик қарашлари ўз даври учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Аваз Ўтар ўғли илм=маърифат билан таълим=тарбияни узвий олиб қарайди. Ҳалқни саводхон, ўқимишли, уларни илм=маърифат нуридан баҳраманд қилишдан асосий мақсад, уларнинг одобли, онгли ва идрокли бўлишини таъминлашдир. Шоир илм кишини ҳимматли, саҳоватли, меҳр=муҳаббатли, ҳар бир нарсага оқилона ва одилона қарашга ўргатди, ҳалқпарвар, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлиш руҳини сингдирали, дейди. "Мактаблар очиш иши шундай бир фаолиятки, - деган эди Аваз, - у ҳалққа хизмат қилишга ўзини ҳалқ, Ватан фарзанди деб ҳисоблаган ҳар ким ана шу олижаноб ишга ўзини бағишлиши керак, чунки мактаб ҳалқни азоб=уқубатдан қутқаради". Шунинг учун ҳам "Балойи ҳаҳли нодонликни барбод этгуси мактаб", деб ёзади шоир. Шоирнинг, эрк, илм=маърифат ҳақидаги эзгу орзулари, ҳалқни бидъат ва жаҳолатдан халос қилиши ҳақидаги эркин фикрлари 1920 йилда Хоразм ниқилобидан кейин тўла рўёбга чиқди. Шоирга бу озодлик нури балқиганини кўриш насиб этмади. Бироқ, Аваз Ўтар ўғли унга ишонч ҳосил қилиб, шундай баҳтиёр кунларда ҳалқ хотирасидан унугилмаслигини, унинг дили ва иродасида абадул=абад яшажагига комил ишонч билан қараган эди: "Мени ёд этгай авлодим, мозоримни ўраб гулдин..."

Дарвоқе, ҳалқпарвар, маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғли янглишмади. У орзу қилган, уни ва ҳалқини ардоқлайдиган мустақиллик, озодлик ва ҳур замон келди. У элимизнинг севимли шоири бўлиб қолди.

ИККИНЧИ БОБ. АВАЗ ЎТАР ЎГЛИНИНГ АХЛОҚИЙ=МАЪРИФИЙ  
ҚАРАШЛАРИ

I= §. Аваз Ўтар ўглининг ахлоқий тарбия  
тўғрисидаги фикрлари

Аваз Ўтар ўглининг ахлоқ ва ахлоқий тарбия муаммоларига бағишиланган қарашлари унинг ўтмишдошлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий, Юсуф Саккокий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қошғарий, Пахлавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Алишер Навоий, Ҳофиз Хоразмий, Муҳаммадниёз Ништий, Роқим, Мунис, Огаҳий ва бошқа қомусий олимум шоирларнинг фалсафий-ахлоқий ва дидактик қарашларига асосланганнадир.

Шуни айтиш керакки, Аваз Ўтар ўғли ахлоқнинг жамиятда, кишилараро муносабатда тутган ўрнини тўғри тушунишга интилади. Авазнинг тушунишича, ахлоқ кишиларнинг амалий фаолияти, тафаккури билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ёндошиб у ахлоқ муаммоларини ижтимоий=сиёсий ва ҳурғиклилик масалалари билан бир қаторда кўради ва шу ақидага қатъий амал қиласди.

Аваз Ўтар ўғли гарчи ахлоқшунослик соҳаеида маҳсус рисола ёзмаган бўлсада, узининг маърифий=дидактик асарларида ахлоқ-одобва ахлоқий тарбиянинг жамиятда, кишилараро муносабатда тутган ўрнинга тўхталиб, у инсоннинг ижобий ва салбий хислатларини бирма=бир таъриф этади. Маърифатпарвар шоир инсондаги яхшилик, ростгўйлик, олижаноблик, мурувват, меҳр=шафқат, дўстлик ва жамоатчилик кари фазилатларни улуглайди. Шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳар бир инсон ҳар бир нарсага қодирлигини, ўз эди ва юрти учун бекиёс наф келтириши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Маълумки, ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий

сингари қомусий олимлар инсоннинг ҳар томонлама камол топишида уч нарса, (ирсият, муҳит, тарбия) асосий ва етакчи роль ўйнайди, деб изоҳлаб келганлар. Шуни айтиш керакки, Аваз Ўтар ўғли эса кишиларнинг баъзи тугма хусусиятлари ва қобилияtlарини тан олса ҳам, инсон ёшлигидан атроф=муҳит ва кўпчилик, яъни жамоанинг таъсирида эгаллайдиган ижобий хислатларни алоҳида таъкидлайди. Бунинг учун киши ёшликдан ярамас қилиқларни эгалламаслиги учун, яхши фазилатли ва илм=маърифатли кишилар орасида тарбия кўриши лояим. Унга кундалик ҳаётни, турмуш икир=чиқирларини ўргатиб бориш ва уни ёмон ҳамда қўпол гапларни эшитишдан сақлаш зарур, дейди.

Лекин булардан қатъи назар, Аваз Ўтар ўғли феодал – хонлик жамиятида аслзодаларнинг насл=насаби ва мол=давлати кишининг хулқий қоидаларини белгилаши оқибат=натижасида "олий наслаб"лар орасида инсонийлик фазилатларидан маҳрум димогдор, нодон, жоҳил, одобсиз ва ҳеч нарсага укувсиз кишилар кўпчиликни ташкил этишини кескин қоралайди:

Фалони гарчи вўп олий наслабдур

Вале нодону жоҳил, беадабдур<sup>1</sup>.

Демак, ҳақиқатан ҳам Аваз Ўтар ўғли яшаган даврда кишининг маънавий ва хулқий сифатлари, тугма қобилияти ва малакалари тан олинмасдан, балки биринчи навбатда насл=насаби ва мол=давлати, жамиятда тутган мавқеи инобатга олинган. Шоир бундай ярамас одатларни бутунлай инкор этади ва аслзодаларнинг аҳлоқсизлигини қаттиқ танқид қиласиди:

Қилмағайлар они одамдин ҳисоб аҳли замон,

Бўлмаса киссасида бир кишининг нуқраю зар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 10= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 152= бет.

Шунинг учун ҳам Аваз Ўтар ўғли жамиятдаги тенгсизликка, адолатсизликка ва ахлоқсизликка қарши курашни ўзининг асосий мақсади, деб билади:

Эй Аваз, қил жидду жаҳд сен эл билан шому сабаҳ,

Қолмагай оламда бору хону ҳаромзодалар<sup>1</sup>.

Шоир кишиларнинг инсоний қадр=қиммати унинг насл=насабига ва мол=мулкига қараб баҳо берилишини ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолаб, "Эй кўнгил, дунё ишини кўр: Ҳумо Қуруқ суюк ейди=ю, пашша кўплаб асал, қанд ва парвардадан озиқланади", - дейди:

Кўр чарх ишини, эй кўнгул, еб фатм қоқин, ҳаҳ, хумо,

Ер борҳо шаҳду шакар, қанд ила печакни магас<sup>2</sup>.

Айни пайтда Аваз Ўтар ўғли баъзилар адолат ниқоби остида тубан ва ярамас ишлар билан шуғулланадилар, дейди. Адолатсизлик деганда, шоир жабр=зулм, зўравонлик, инсон қадр қимматини таҳқирлаш, бошқаларни эзиш ва шунга ўхшаш ярамас иллатларни тушунади ва адолатпарварман деб даҳолик даъвосини талаб этаётган кимсаларнинг кирдиқорларини кескин фош этади:

Эй олами вожун аро ором суранлар,

Сизлардек дахи бормудур аҳком суранлар.

Афъоли хабиса била анвои хасосат,

Даъвои доҳолик қилиб айём суранлар<sup>3</sup>,

Аваз Ўтар ўғли адолат ва тенглик тушунчасини мамлакатнинг гуллаб=яшнаши, ҳалқнинг фаровонлиги ва баҳт=саодатга эришуви билан узвий боғлаб, ахлоқий нуқтаи назардан баҳолайди. Шунингдек, шоир шу ахлоқий нуқтаи назардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда эса жамиятдаги кишиларни тутган ўрнига қараб қарама=қарши гуруҳларга - меҳнаткаш ҳалққа ва бошқалар ҳисобига роҳат=фарогатда яшовчи те-

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 20= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 176= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 20= бет.

кинхўрларга ажратади:

Бирорлар бўлиб эл аро аржуманд,  
Бирорлар ҳамиша чекар кўп азоб<sup>1</sup>.

Зероки, Аваз Ўтар ўғли адолатни, яхшиликни, яъни инсоний фазилатни амалга оширилишидаги восита деб тушунади. Шоир шу маънода адолатни жабр=зулмга қарши қўядилар ва у адолатни инсон ақли, қобилияти ва озодликка интилиши билан боғлайди. Шунинг учун ҳам Аваз адолат ҳақида фикр юритар экан, у кишиларни бир=бири билан тенглик асосида инсоний муносабатда бўлишга ва бир=бирларига яхшилик кўрсатишга, бошқаларнинг эрк-хуқуқини суистеъмол қиласликка ва бирорларга зиён-захмат етказмасликка ундан, уларни инсофу диёнатга чақиради:

Ёмонларнинг ёмони ондоқ одамдур жаҳон ичра,

Йироқ ўлғуси то ўлгунча инсофу диёнатдан.

Олиб мазлумлар молини юз минг зулму кин бирла,

Қилур бенохумон хавф этмайин явми қиёматдин<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли жамиятда ҳақиқий адолат ўрнатишни кишилар ўртасида тенглик ҳукм сурганда, жабр=зулм ва истибоддинг барча шакллари йўқ бўлгандагина тўла амалга ошиши мумкин деб тушунади. Шуғоя йўлида у астойдил курашади, хон ва ҳукмрон доиралар томонидан бир неча марта оғир жазога маҳкум этилади. Лекин инсонпарвар шоир ўз эътиқоди ва ҳақ йўлидаги курашидан, ҳурғикрлилик ғоясидан асло қайтмади, шу йўлда ўз ҳаётини фидо этди.

Аваз Ўтар ўғли эътибор берган ахлоқий тушунчалардан яна бири садоқат дир. Шоир дўстга садоқатли бўлган киши ўз мақсадига етиши мумкинлигини таъкидлаб, бунинг асосий мезони аҳдувафо ва ор=номусдир, дейди:

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма, Тошкент, 1984, 20= бет.  
<sup>2</sup> Аваз. Сайланма, Тошкент, 1984, 20= бет.

Ҳар одамнинг талаб йўлида гар ихлоси комилдур,  
Гумонсиз жумлаи мақсуд бирла коми ҳосилдур.  
Мурод шоҳидининг васлига сирқ аҳли восилдур,  
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли садоқат, ҳақиқий дўстлик ҳақида фикр юритар экан, ўзаро ҳурмат ва ишоняга катта баҳо беради. Ҳақиқий дўст кишининг ёмон одатлардан фориғ бўлишида, камчилик ва нуқсонларини бартараф қилишида ёрдам беради. Агар дўстдан фойда бўлмаса, душмандан (фақат) ғаразликни ва ҳасадни кутиш мумкин, чунки душман кўп ҳолларда, одамнинг камчилигини юзига дўстона кўрсатмай, аксинча, уни бегоналар олдида мулзам қилишга интилади. Шунинг учун ҳам шоир ёшларга ҳушхулқ бўлиб, ақлли, доно ва содиқ дўстларни кўпайтиришни маслаҳат беради:

Айла яхши бирла суҳбат, эй Аваз,  
Токи топғайсан саодат, эй Аваз.  
Дўстларим бўлсин десанг аҳли жаҳон,  
Хулқи ҳушликни қил одат, эй Аваз<sup>2</sup>.

Аваз Ўтарнинг ўзи ҳам сўзига қатъий амал қилиб, "Қора юэли шармандалар" билан алоқада бўлмади, пок ва виждонли оддий фуқаролар ҳамда илм аҳллари ва фозиллар билан дўстликни давом эттириди. Уларнинг дўстлигини қадрлаб, ўз ватанига, халқига, санъат ва илм=фаҳлига содиқлик билан яшади:

Билмай ағёру сияхрӯга анису ҳам жалис,  
Доҳили вафоу донишу ирфон эдим<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли дўстликнинг юксак кўриниши "улфат бўлиб, бу

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 286= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Танланган асарлар. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1951, 47= бет.

<sup>3</sup> Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 167= бет.

хислат бир=бирига ёрдам берувчи, ҳамфикр кишиларга насиб этади"<sup>1</sup>, - дейди. Агар ҳүшёр бўлсанг, инсоний ҳислатга эга бўлмаган нодон ва димоғдор улфатлардан алоқангни тезда уз дейди: "Эй дил, агар ҳүшёр эсанг, ул хайлдин улфатни кас"<sup>2</sup>. Шунинг учун бўлса керак, шоир ҳақиқий дўстни душмандан фарқ қила билишда ёшларни зийракликка чакиради:

Агар ҳар ким сони севмас эса, борми онинг сори,

Десангким етмасун ўзга бирордин ранж ила озор.

Агар бир маҳфил ичра бир кишини дўст этсанг фарз,

Вале фарз айла онда душманинг ҳам бордуур бисёр<sup>3</sup>,

Шоирнинг фикрича, ҳаётда ҳақиқий дўстдан ташқари соҳта дўстлар ҳам учраб туради. Шунинг учун Аваз Ўтар ўғли дўст танлашда жуда эҳтиёт бўлишни, инсонни бирданига билиб бўлмаслигини уқтиради. Киши ҳамма вақт ҳақиқий дўстни душмандан ажрата билиши даркор. Ҳаётда шундай соҳта дўстлар учрайдики, бирордан фойда олиш эвазига бойликка учиб, у билан яқинлашишга, дўст бўлишга интилади. Шоир агар ақлли ва ҳүшёр бўлсанг бундай оқибатсиз ҳавойилар билан ҳечам дўстлашма, дейди:

Муддайилар хайлига бу даҳри бебунёд аро,

Оқилу ҳүшёр эрсанг бўлмагил, эй ёр, ёр<sup>4</sup>.

Ёки:

Эй дўстлар, даҳр аҳлига ҳамроҳу ҳамдам бўлмангиз,

Ҳамроҳу ҳамдам демайин, бал ошно ҳам бўлмангиз<sup>5</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ақлли, ҳушахлоқли одамни нодон билан улфат ва ҳамсуҳбат бўлгандан кўра, зинданда ўтирганини ағзал кўради ва

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Төшкент, 1984, 24= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 176= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 326= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 156= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 77= бет.

ёшларни ёмон ҳулққа юз бурмасликка чақириб, уларни ҳар хил ярамас одатлардан сақланишга ва нодонлар билан сұхбат күрмасликка чақиради:

Оқил кишига яхшидур зиндонда сокин бўлғали  
Ўлтурганидин ҳамдаму дамсиз ўлуб нодон ила<sup>1</sup>.

Шоир пасткаш, нокас, баҳил, ҳасис кишига яхшилик ва муруват қилсанг, аксинча нонкўрлик қилиб ўзингга ёмонлик бўлиб қайтиши мумкинлигини уқтиради:

Гумонсиз ушбу олам мулки аҳбоб,  
Саросар меҳнату ранжу анодур  
Агар бор эрса ҳушиңг қилма рағбат,  
Ки ондин бошиңга оғат келодур<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам Аваз Ўтар пасткаш, нокас, баҳил, ҳасадчи, фийбатчи кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганда дилдагини очиқ=ошкор қилмасликни маслаҳат беради. Шоир бундай кишиларни ёмон ҳулқли эканлигини айтиб, у бўлиб ўтган воқеаларни ростдир, ёлғондир ёки бўхтондир гапирмаслик керак, дейди. Демак, фийбатчидан ақл=хушли одам ўзини олиб қўчиши керак, дея шундай хулоса чиқаради:

Анго дил бермангизларким, ҳамиша -  
Иши бедоду зулм ила жағодур.  
Кишиким оқилу ҳушёр бўлса,  
Ҳазар қилғучи ондин борҳодур<sup>3</sup>.

Шоир нодон дўстинг бўлса, бу душманингдан ҳам хавфидир, у ўзини сенга яқин тутиб, аста=секин ички сирларингни билиб олади, кейин эса турли уйдирма ганлар тарқатади, дейди: "Басе аъло қи-  
лур розим фишло оҳиста-оҳиста"<sup>4</sup>. Шунинг учун эй дўстим қулоқ сол:

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 32= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 167= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 167= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 43= бет.

"Сенга яширин сир айтай, бу бир кун сенга асқотади, сени құллайди", деб уқтиради:

Айтайн асрори хафо сомеъ ул,  
Ким өзанго бүлгусидуур дастгир<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли кишиларни дүст=иноқ бўлиб яшашга даъват этар экан, дўстлар орасига нифоқ солиб, "адоват ва душманлик уругини сочувчиларни ўша ахлоқсиз шармандалар"<sup>2</sup>, дейди.

Юкорида айтилганидек, Аваз Ўтар ўғли аҳду-вафо тушунчасини ўзига хос равишда талқин қиласди. Унинг талқинида бу фақат ваъдага вафо қилиш маъносида ишлатилмасдан, балки ишқ=муҳаббат бобинде вафо кишиларнинг ўзаро ёрдам қоидаларига амал қилишини ҳам билдиради. Шоир ҳамсухбатига қарата ўз ҳаётий тажрибасига таяниб ҳамиша менинг хислатларим вафою меҳр ва садоқат бўлди, шунинг учун муҳаббатда баркамолликка етдим, дейди:

Вафоу меҳр эрур борҳо ҳисол манга,  
Нетонгки, етса агар ишқ аро камол манга<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли икки жинс ўрғасидаги ишқий муносабатларга тўх талар экан, ошиқ=маъшуқнинг масъулияти ва бурчи аҳдига вафо қилиш канлигини қатъий уқтиради:

Вафо қилмақ экан ошиқка пеша ишқ бобинда,  
Ҳамул мазмунни мен кўрдим вафо аҳлин китобинда<sup>4</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ўзининг ахлоқий қарашларида севги ва вафони сенг маънода тушунади ва унга ўта масъулият билан ёндошади. Шунин учун ҳам у ёшларни ишқ билан, бироннинг ҳаёти ва тақдирни билан ўйнашмасликка, ортиқча ҳиссий лаззатланишга берилмасликка даъват

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 291= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 48= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 30= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 30= бет.

этади:

Эй күнгүл, ишқ үйнамоқ қилма хаваским борчо,  
Ишқнинг охирида сани расвойи даврон айлагай<sup>1</sup>.

Шоирнинг уқтиришича, ишқ=муҳаббатга мубтало бўлган кишига  
ҳеч қандай даво йўқдир, фақат унинг ҳолига севикли ёрнинг ширин  
каломи ва ахду вафоси маҳкам бўлишининг ўзи кифоядир:

Ранжуру ишқ бўлғон улусга илож йўқ,

Шағқат аларни ҳолига қилмоқ савоб экан<sup>2</sup>.

Ишқ=муҳаббат кишидан кеча=кундуз ранж ила поклик билан меҳнат  
қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам шоир айрилиқ туни ҳар  
қанча чўзилса ҳам оқибатда ширин висол тонгига айланади, ҳеч ғам  
ема, дейди:

Ҳар кишиким, агар муҳаббат истаса олам аро,

Кеча=кундузларда чексун ранжу меҳнат бешумор<sup>3</sup>.

Топғуси тадбил сухби васл бирла оқибат,

Нечаким тул ўлса гар ҳам шоми ҳижрон, ғам ема<sup>4</sup>.

Аваз ўтар ёшларга қарата агар ҳамиша олам севгиси шодлигини  
истайдиган бўлсанг, ишқ=муҳаббат бобида машаққат чек, чунки гул-  
шанда гул тиканга пайванд қилингандир, дейди:

Өйки, истарсан давомат дахр ишқи беҳжамин,

Чек михан, гулшанда гул пайванд бўлмиш хорға<sup>5</sup>.

Шоир ёшларни ишқ=муҳаббатдан чекиниш ва вафосизлик қилмас-  
ликка чақирапкан, бунинг оқибатида ёвузлик, фахш ёа бошқа ахлоқ-  
сиз ишлар келиб чиқиши мумкин деб огоҳлантиради, шу билан бирга

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I02= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I25= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I58= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 34= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 47= бет.

ҳақиқий ишқ=муҳаббат ва оиласий ҳаёт учун курашмоқ зарурлигини қатъий таъкидлайди:

Оқил эрсанг, асли ишқ ичра кириб,  
Нотавону бенаволиғ айлама<sup>1</sup>.

Шоирнинг назарида поклик, икки ёш қалбнинг муросаю-мадораси, самимий мунафабати оиласинг баҳт=иқболи, тинч=тотувлигини ва мустаҳкамлигини таъминловчи омилдир:

Қай иш аро жононининг розилигин қилса қиёс,  
Албатта ул ишни қилур ишқ аҳли юз минг жон ила<sup>2</sup>.

Ҳар ошиқеким, ишқ аро бўлса ҳамиша покбоз,  
Албатта бўлғай ёридин топиб муродин сарфароз<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли севги вафо ва оиласий турмуш масалалари га жиддий эътибор беригина қолмасдан, балки ёш келин=куёвни ахиллик, самимий меҳмоннавозлик адабига ва одамшавандаликка ҳам ча-киради:

Келди, эй кўнгул, истаб бизни яхши меҳмонлар,  
Дилбари муҳаббатлик, маҳвани қадрдонлар<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, Аваз Ўтар ўғлининг аҳду-вафо ва ишқ=муҳаббат тўғрисидаги фикрлари ожир=оқибатда ёшларни баҳтли ва саодатли қилишга қаратилгандир. Шоир ишонч билан ҳар бир ишқ=муҳаббатда са-доқатли бўлса, албатта саодатли қисмат уни кўзлаган мақсадига ет-казади, дейди:

Ҳар кишиким ишқ аро бўлса агар событқадам,  
Комиға еткургай они баҳти маймун оқибат<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 34= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 32= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 81= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 153= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма, Тошкент, 1984, 181= бет.

Аваз Ўтар ўғли ишқ=вафо масалаларини маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ҳал этишда иффатни асосий мезон қилиб олади. Шоир иффат деганда кишининг ортиқча ва кераксиз нарсалардан ўзини тишишни, ўз ҳиссий қувватларини ақл орқали идора қилишини тушунади. Унинг тушунишича, иффатнинг турларига ғаросат, хушхулқ, ҳаё, яхшилик, ростгўйлик, қаноат, эзгулик, ҳиммат, муруват, саҳоват, викор (иззатнафс) ва бошқалар киради. Демак, Аваз Ўтар иффатни ижтимоий=сиёсий ва маърифий-ахлоқий аҳамиятга эга, жамиятнинг тартибини сақловчи қўриқчи хислат деб тушунадики, бу жиҳатдан унинг муаммони чуқур илмий=назарий даражада англаганини кўрамиз.

Аваз Ўтар ўғли инсоннинг маънавий қиёфасини, хулқ=авторини яхшилик ва ёмонлик тушунчалари билан белгилайди. У яхшиликни замондошларига нисбатан кенгроқ маънода, яъни фақат инсонда тарбия, билим, турмуш тажрибалари орқалигина яхшилик таркиб топади, деб тушунади. Шунинг учун ҳам у яхши инсонлар сухбатини эшитиш кони фойда эканлигини, яхшилар билан яқин бўлган киши эса баҳтиёрлика эришади, ёмонлар билан яқин бўлган киши надоматга қолади, дейди:

Вале нодону жоҳил, беадабдур,  
Адабдур издиёдбахшииззат<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ёшларни яхши инсоний фазилатлар билан камол топишга даъват этаркан, аввало ҳулқ=авторини яхшилаш лозимлигини уқтиради:

Аваз истар эрсанг мақсадга етмак,  
Бори феъли ёмонинг яхшироқ эт<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли яхши ҳулқ=авторни тарбиялашда кексаларнинг

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 332= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 192= бет.

ҳаётий тажрибаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, ёшларни улардан ибрат олишга чақиради:

Ҳар ишни айлар бўлсангиз, айлангки тадриж ила иш,  
Оқил кишилар қилмағай ҳаргиз шитоб эй дўстлар<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли яхши хулқ=автор тушунчасини тавозе ва камтарлик, ҳаққонийлик ва яхшиликдан иборатлигини уқтириб, тавозе ва камтарлик кишини маънавий дунёсининг зийнати эканлигидан дарак беради, дейди:

Сарбаланд ўлғусидур пастфөъллик қилғон киши,  
Кимки кибр ила сарағроз ўлса, бўлди сарнигун<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам Аваз Ўтар ўғли ёшларга хитоб қилиб, худбинлик, такаббурлик, мағрурлик, кибрни тарқ этиб, оддий камтар кишилар орасига киришни ва инсонга хос фазилатларни ўрганишга чақиради:

Эй фаний, кибр ила нахват таркин айлаб ихтиёр,  
Оқил эрсанг, кир диёри факт аро кошона тут<sup>3</sup>.

Шоир мағрурлик, гердайиш ва худбинлик кишини гўзал инсоний фазилатлардан узоқлаштиради, бу шайтонга хос сифатдир дейди:

Бўлмагил мағрут Аваз, субҳи висоли ёраким,  
Ҳажр айёмини чарх охир намоён айлагай<sup>4</sup>.

Аваз Ўтар ўғли инсон камолотини тавозе ва мардлик, олижаноблик ва камтарликсиз тасаввур қилолмайди. Шу боис ҳам у ёшларга кўп сўзламасдан, балки камтарлик фазилатини эгаллашни маслаҳат беради. Акс ҳолда тилингга эрк берсанг тўтининг аҳволига ўхшаб, қафасга тушасан деб қаттиқ огоҳлантиради:

Сухансанж ўлмаким, эй дил, қафасбанд ўлмоқиға ваҳ,  
Ҳамиша тўтиларга шаккарин илхон эрур боис<sup>5</sup>.

1 Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I50= бет.

2 Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I36= бет.

3 Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I89= бет.

4 Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I02= бет.

5 Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I77= бет.

Аваз Ўтарнинг ёшларни яхшиликка, камтарликка, хушахлоқ ва остигўй, очиқжалбли кишилардан ибрат олишга чақириши бежиз эмас. Унинг фикрича, яхши фазилатли кишилар ҳеч қачон ҳамдардларини додга қолдирмайдилар, улар ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқлайдилар. Агар саҳоватли, меҳр=оқибатли ва ишончли ёру биродарларнинг кўпайишини истасанг, хушахлоқни ўзингга одат қил, дейди у:

Хушхуйликни пеша қил гар айлар эрсанг, эй Аваз,  
Иzzat ила хурматни сен бу аҳли кишвардин тамаъ<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ёшларни яхши муҳитда яшаб, яхши фазилатли кишилар билан суҳбатда бўлиб, улар ибратида инсоний фазилатлар билан камол топиб, факат ҳаётда яхши ном қолдиришга даъват этади:

Мискин Аваз бошимга гар келмасун, десанг бало,  
То ўлгунча оламаро қил яхши кирдор, эй рафиқ<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг ўзи ҳам ана шу орзу=истаклар ва ғоялар йўлида дадил курашиб, ҳаётда яхши ном қолдирди. Шоир буни зўр қониқиши билан шундай қайд этади:

Эй Аваз субҳу масо дилкаш фазаллар машқ қил,  
Гар десанг мандин доди қолсин жаҳонда яхши от<sup>3</sup>.

Шоир ёшларга мурожаат этиб, агар келажакда униб=ўсаман, ҳаётда яхши фазилатли инсон эди деган шарафли ном қолдираман десанг, эл=юртнинг қарғишига қолма, дейди:

Агар истасанг комронлиғ мудом,  
Дуои бод, эй кимса, элдин кам ол.  
Хушо эйким, ўлғунгдуур шодком,  
Насибанг бўлиб неъмати иттисод<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 2II= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 9= бет.

<sup>2</sup> Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. Тошкент, 1983, 167= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, III= бет.

Шунинг учун бўлса керакки, Аваз Ўтар ўғли ёшларга қарата ҳалойик, яъни эл=юрт өрасидан яхшилик билан ном қозонишни истасанг одамларга ғамхўрлик қилиш жамият тараққиётига муносаб ҳисса қўшиш кераклигини таъкидлайди:

Аваз яхшироқдур ҳалойик аро,

Қолиб бўлғон ишдин бу навъ гунгу шал<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли сабр=тоқат дегандан эса, инсонда ярамас ва тубан одатлар пайдо бўлмаслиги учун ақл ҳирсга қарши курашчолиб боришини тушунади. Шоир ёшларни ҳаёт машаққатларини енгишда сабр=тоқатли, чидамли бўлишга ундаркан, бундай хислат мақсадга етишнинг бирдан=бир йўли эканлигини айтади:

Аваз, сабр айла мақсудинг эса ғамдин ҳалос ўлмак,

Ки сабр этганни қалби гусса дунёд ўлмади ҳаргиз<sup>2</sup>.

Эй Аваз, ҳар ким ўзига сабрни қилса шиор,

Шаксизин етгусидур мақсудига олам аро<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ёшларни сабр=тоқатли бўлишга даъват этаркан, агар инсон ҳар бир нарсага тоқатли бўлса, у охир оқибатда шодликка эришади, дейди. Лекин у ҳамма нарсага - зулмга, очарчиликка тоқат қилиш керак, деган фикрни илгари сурмайди. Аксинча сабрлиликни инсоннинг гўзал фазилати деб тушунади:

Бўлса мақсudu муродинг субхи вуслаат, эй рафиқ,

Етса сабр айла бандоғоҳ шоми фурқат эй рафиқ.

Боқмагил ҳаргиз талабнинг ррҳида оқил эсанг,

Келса ҳам бошингга юз минг навъ оғат, эй рафиқ<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 109= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 75= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма, Тошкент, 1984, 140= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 215= бет.

Аваз Ўтар ўғли сабр=тоқат масаласига қисқа түлталган бўлса=да ёшларни ҳамиша сабру тоқатли бўлишини қатъий талаб қиласди ва шошилиш кўп одамларни шарманда қилган, дея огоҳлантиради:

Қилғил, Аваз ҳамиша сабру шикеб, пеша,  
Ким элни қилғусидур таъжил асру расво<sup>I</sup>.

Айниқса Аваз Ўтар ўғли ахлоқий қарашларида қаноат масаласига алоҳида эътибор берди. Шоир асарларида қаноатни бу дунё ноз=неъматлари ва роҳат-фарогатидан воз кечиш маъносига тушунмайди, уни баҳт=саодатга эришиш манбай сифатида талқин этади. Инсоннинг бу фазилати бойликка ҳаддан ташқари ҳирс қўйиш ва Таъмагирлика, очкўзликка қарши қаратилади:

Ҳирс ила ганж асрароқ қилма ҳавас афъи сифат,  
Захр этиб комингни, жисмингни қилур ранжури ганж.  
Токим қўлингдин кетмайин халқ ичра давлат, эй ғани,  
Бу олами фони аро давлатни қадрини билмадинг<sup>2</sup>.

Шоир назарида бойлик орттириш ҳисининг бандаси бўлган кимсалар гўзал инсоний фазилатлардан маҳрум бўлишади. Шунинг учун у кишиларни бойлик йифиш ҳирсидан узокроқ бўлишга, ҳазар қилишга даъват этади ва қабрингда эса меҳнатсиз топилган бу бойликлар илон ва чаёнларга айланади, деб огоҳлантиради:

Эй Аваз, жамъи зар этмакдин ҳазар қил, тонглаким –  
То саросар бўлмасун гўрингда мору мўри ганж<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли бойлик ва мол=дунё орттиришнинг ана шундай оқибатлари ҳақида гапира туриб, муҳим бир фалсафий ва тарбиявий умумлашмани ҳам олға суради. Ҳар бир киши ўзига қаноатни касб этса, бойлик бир гуруҳ кишилар учун эмас, балки бутун элга хизмат қилган бўлур эди, дейди:

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 69= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 56= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 69= бет.

Хар кишини қисмати бўлса қаноат махзани,

Ваҳ не ёнглиғ бўлгуси олам аро манзури ганж<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи назардан бўлса керак, шоир ўзингдан яхшилик ва олижанобликни абадий қолдирмоқни бўлсанг, қаноатга қатъий риоя қилгин, деб маслаҳат беради:

Аваз ўлмоқ тиласан олам ичра,

Ўзингга пеша қил доим қаноат<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли учун қаноат хусусида фикр билдириш қай дара- жада муҳим бўлса, ана шу тушунчага эид таъмагирликка нисбатан ҳам ўз қарашларини билдиради:

Ҳамиша, эй кўнгул, қилғил қаноат айламай одат -

Ки аҳсан жанж йўқ, олам аро кунжи қаноатдин.

Агар ўлмакка етсанг ҳам чекиб бечоралиғ ранжин,

Тамаъ қилма ниам уммидини аҳли хасосатдин<sup>3</sup>.

Шоир таъмагирлик кишиларни алдаш военитаси эканлигини таъкид- лаб, бунинг оқибатида киши кейинчалик хору-зор бўлади, дейди:

Эй кимса, ҳамиша қилма изҳор тамаъ,

То қилмасун оқибат сани хор тамаъ.

Каж англаб аниңг коми дилин, гардундин -

Ҳеч айламагай оқилу хушёр тамаъ<sup>4</sup>.

Аваз Ўтар ўғли қаноат қилмасдан, бирорлардан таъма қилиш ўтакетган тубанликдир, деб бундай кишилардан нафратланади:

Оқил эрсанг қилмагил аҳли хасосатдин тамаъ,

Қилғон эҳсони аларни миннатига арзимас.

Қил қаноат, эй Аваз, Зинҳор хомеъ бўлмайин,

Ки тамаъ қилғучи кўрган эиллатига арзимас<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 69= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 185= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 326= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 317= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 173= бет.

Аваз Ўтар ўғлининг қаноатли бўлиш тўғрисидаги фикрларидан у ҳимматли, муруватли, диёнатли, саҳоватли, меҳр=шафқатли бўлишдек инсоний фазилатларни тарғиб қилган, деган хуносага келишимиз мумкин. Чунки шоир асарларида "Ҳамиша меҳр ва муросага рағбат қил"<sup>1</sup>, "Ҳимматсиз одатлардан от, сигир ва эшак яхшироқдир"<sup>2</sup>, "Ҳиммат одалар ўртасида кишининг айблари ва ҳунуклигини бекитади"<sup>3</sup>, деб кишиларни инсонпарварлик каби яхши фазилатларни ягаллашга чақиради.

Аваз Ўтар ўғлининг ахлоқий қарашларида ростгўйлик ва соғдиллик масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллади. Шоир ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида гапирап экан, ростгўйлик ва соғдилликни, ҳалоллик ва покликни қадрлаш, ёлғончиликни эса қоралашни, яъни ундан нафратланишни алоҳида уқтиради. Аваз Ўтар ўғлининг фикричә ёлғон сўзлаган кишига ҳаётнинг ўзи жазо беради. У ёлғон=яшиқ гапириб, мақсадига эришиш ўрнига, бирор кулжатга гирифтор бўлади, дейди:

Балойи ногаҳондур кизбим, андин паноҳ этгили.

Ўлар ҳолатда ҳам деб рост сўз, холин табоҳ этгили.

Демасманким дебон ёлғон, номингни сиёҳ этгии,

Нажоте ҳар балодин истасанг сидқинг гуноҳ этгили<sup>4</sup>.

Демак, Аваз Ўгли таъкидлаганидек, ҳалоллик ва поклик, ростгўйлик ва соғдиллик яхши ҳулқ=авторнинг белгисидир. Чунки ҳақиқий яхши киши бўлиш учун ана шу фазилатларга эга бўлиш керак, дейди у.

Аваз Ўгли ахлоқизликнинг энг ёмони ҳасадгўйлик деб ҳисоблайди ва ёшларни бундай тоифадаги кишилардан йирок юришга, улардан ҳечам ибрат олмасликка даъват өтади:

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 191= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 327= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 185= бет.

<sup>4</sup> В.Мирзаев. Аваз Ўгли, ЎзССР "Фан", Т., 1961, 50= бет.

Ул одамким ҳасад ғайриға айлар кечеу кундуз,  
Қилиб рашки таассуғни ўтиға бағрини бирён.  
Агарчи илгидин келмас бирөвни хуррам этмоқлик,  
Күра олмас валекин кимсани қалби эса шодон<sup>1</sup>.

Бундай тоифадаги ҳасадгүйлар меҳнаткаш инсоннинг ҳалол йўл билан топган янги кийимбошини, ош=нонини ҳечам кўролмаслигини қаттиқ танқид этади:

Хасудлик айлаб бу замон, ким берди, дер аҳли жаҳон,  
Кийса янги хилъат агар қашшоқи каллош устина.  
Гардуни дун зулму ситам озода элга қилғуси,  
Жавру жафо ойинини фош айлабон фош устина.  
Бўйла муруватсиз замон аҳли эзурким, эй Аваз,  
Гар топса фурсат бергуси оғу қўшиб ош устина<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ҳеч кимга яхшиликни раво кўрмайдиган бундай ҳасадгүйларни муруватсиз, номуссиз, виждонсиз, инсоғсиз, диёнатсиз, номард кишилар, деб ҳисоблайди ва noctor аҳволга тушганда ҳам улардан муруват ва саҳоват кутмасликини панду насиҳат қиласди:

Эй Аваз, бўлсанг ғарибу нотавон,  
Хону бойға ошиолиғ айлама<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ёшларни ахлоқий ва насоғат тарбиясини санъат, хусусан мусиқа ва қўшиқ ҳамда шеърият воситаси билан уйғунлаштиришга ҳаракат қиласди. Шоир инсонга маънавий роҳат бағишлайди, қани муғаний, ҳамманинг қулоқлари сенда, кўнгилочар соғинг билан, кишига жон бағишловчи қўшиқни аста=секин айтавер, деб мурожаат қиласди:

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 327= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 10= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 34= бет.

Эрур базм аҳли сомеъ, дилкушо соз устина тинмай,  
Чек, эй мутриб, суруди жонфизо оҳиста-оҳиста<sup>1</sup>.

Унинг фикрича, мусиқа кишида шижоаткорлик ва куч=қувват уй-ғотиб, руҳиятини хушсақчак қиласи, камолотига самарали таъсир кўрсатади:

Мажлис аро нағмасаро, эй ҳофиз,  
То қилғони оҳанги наво, эй ҳофиз.  
Кўнглумни хуш айладинг басе соз айлаб,  
Бўлғай бори мақсадинг раво, эй ҳофиз<sup>2</sup>.

Шоир мусиқанинг инсон ҳаётидаги маънавий-руҳий аҳамияти ва нафосат тарбияси хусусида тўхталар экан, уни шеърият билан боғлас ёш авлоднинг камолоти ва саодати йўлида хизмат қилдириш тўғрисида қайғурари: "Аваз, жаҳд айла доим истар эрсанг, агар назм ичра бўлмоқ номдори"<sup>3</sup>, "Эй Аваз, субҳу масо дилкаш ғазаллар машқ эт. Гар десанг доги оламда қолсун яхши от"<sup>4</sup>. "Гарчи жаҳонда кўпдуур ағзол аё аҳли укул, лекин Аваз назмига ҳар абёту девон ўхшамас"<sup>5</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг ахлоқий қарашлари таҳлили шундан далолат берадики, маърифатпарвар шоир феодал-хонлик тузуми шароитида инсон ва унинг фазилатлари, орзу-истаклари ҳамда ёш авлод камолоти тўғрисида кенг фикр юритади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Аваз Ўтар ўғли жамиятдаги салбий ҳодисалар ва ижтимоий иллатларнинг пайдо бўлиши ва ёнг. муҳими, уларни йўқетишнинг ҳақиқий сабабларини тушуна олмади. Шунинг учун ҳам шоир ахлоқий тушунчаларни талқин қилишда ноизчилликни йўл қўйди ва натижада кўп ҳолларда унинг фикрлари ижтимоий ҳаёт билан боғланмади.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 44= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Майланма. Тошкент, 1984, 316= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 93= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 187= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 170= бет.

Шундай бўлсада, Аваз Ўтар ўғли ижтимоий масалаларни умуминсоний ва инсонпарварлик нуқтаи назардан ҳал қилишга интилди. Айниқса, шоирнингadolat, tenglik, sadoqat, dустлик, инсонийлик, xushaxloq, iffat, sakovat, ximmat, qanoat, mehr=shafqat, kamtarlik, rostgўйлик, olijanoblik тўғрисилаги ахлоқий foялари жа факат ўшадавр учун, балки бу ҳозир ҳам маънавий ҳаётимизда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасизdir. Аваз Ўтар ўғлининг инсонни маънавий етукликка чорловчи ахлоқий ҳикматларини ёшлар қалбига сингдиришда мактабларнинг I-XI синфларида ўқитиладиган "Одоб сабоқлари", "Одобрение", "Ҳаёт ва турмуш одоби", "Инсон ва жамият" фанларининг имкониятлари каттадир. Ўқитувчи ўқувчиларга мазкур фанларни ўқитиш жараёнида мураббий шоир Аваз Ўтар ўғлининг ахлоқий ҳикматларини талқин қилиб бериши мақсадга мувоғиқдир. Ҳарбир дарсда муайян одоб ва ахлоқ тарбияси асосий мақсад қилиб қўйилмоғи лозим.

Айниқса, У-XI синфларда ўқитиладиган "Ўзбек адабиёти" фани ўзининг тарбиявий таъсири нуқтаи назаридан бошқа фанлардан кескин фарқ қиласди. Маълумки, ўрта мактабларда тарбияга доир алоҳида фанлар (педагогика) ўқитилмайди. Шундай экан, адабиёт бу очиқ жойни тўлдириш масъулиятини ўз бўйнига олган, десак хато бўлмайди. Адабиёт дарсларининг маърифий қиммати ва тарбиявий аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғли ҳаёти ва ижодини таҳлил қилганда, инсон, одоб ва ахлоқ, одамийлик масалаларини чукурроқ ёритишга интилади.

Тарбия бобида болаларнинг "Ёш хусусиятлари" деган қараш бор. УП синф ўқувчилари "мураккаб" ёшли ўқувчилар сирасига киради. Шундай экан, I4-I5 ёшли болалар учун ўзбек адабиёти тарихининг танланиси бежиз эмас. Чунки ўтмиш адабиётимизда дидактик йўналиш, одоб

ва ахлоқ жуда кучли. Аваз Ўтар ўғли маърифий-дидактик асарларида эса ўзининг инсонпарварлик фояларини бадиий=муаммоли тарзда беради. Ўқитувчи феодал=хонлик тузуми шароитидаги ахлоқ ва айниқса одам боласининг қадри ерга урилгани ҳақида умумий маълумот бергандан сўнг, шоирингисон тўғрисидаги қарашларини танлаб олинган куийидаги байтлар таҳлили орқали кўрсатиши лозим:

Эй Аваз, бўлсанг ғарибу нотавон,  
Хону бойга ошнолиғ айлама.

Ўтмиш билан ҳозирни боғлаш учун калаванинг учи худди шу байтда эканлигини ўқитувчи унутмаслиги керак. Адабиёт дарсларида маърифий=тарбиявий қиймати ҳам ўтилаётган мавзуни шу кун билан чамбарчас боғлашда кўринади. Йўқса, **XXX** аср охири ва **XX** асрнинг маҳсули бўлган Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-ахлоқий асарларининг қадрқимматига етмаган бўлур эдик. Ўқоридаги байтни изоҳлашда, салбий қусурли, яъни ёмон ахлоқли кишилар ўтмишда ҳам бўлган, ҳозир ҳам йўқ эмас, деган холосани айтиш ўринлидир. Ўқитувчи Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни ва турмуш тарзимизга ёт бўлган иллатларга қарши курашнинг оммавий тус олганигини аниқ мисолларда мавзу билан боғласа, дарснинг таъсири кучли ва қизиқарли бўлади.

Демак, Аваз Ўтар ўғли ижодининг маърифий=тарбиявий аҳамиятини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба ва ўtkазилган турли хил тадбирларда ҳикадиган холосамиз шу бўлдики, ўкувчилар маърифатпарвар шоир ижоди намуналарини зўр ҳавас билан ўқийдилар. Ўқувчилар шоир асарларидаги ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, соғ муҳаббат ва унга садоқат, дўстлик, ўртоқлик, бошқа миллат вакиллари билан дўстлашиб, ҳалоллик, ноклик, иззат=ҳурмат, бурч, камтарлик, адолатлилик ҳақидаги фикрларидан тегишли сабоқ оладилар. Бу шубҳасиз, катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўтказилган тарбиявий тадбирлар, Республика мактабларидағи илфор ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлили мактабда Аваz Ўтар ўғли ижодини ўқитишни. унинг асарларидағи маърифий-ахлоқий ғояларни ёшлар онгига сингдиришни янада кучайтириш, бу соҳадаги мактаб ва синфдан ташқари ишларнинг кўламини кенгайтириш лозимлигини, умумтаълим мактаблари адабиёт дастурида Аваz Ўтар ўғли ҳаёти ва ижодини ўрганишга ажратилган дарс соатлари етарли эмаслигини кўрсатади.

Жумладан, Аваz Ўтар ўғли ижодини мактабда ўрганишнинг маърифий-тарбиявий аҳамиятини, унинг таълим=тарбия ишидаги мавсеини белгилаш ва шоир асарларидан УП-Х синф ўқувчилари қандай ғойдали сабоқлар олаётганини аниқлаш мақсадида анкета тузилди. Унда мактабнинг номи, ўқувчи ўқиб турган синф, унинг исми ва фамилияси кўрсатилган. Анкетада қуидаги саволлар бор эди:

1. Аваz Ўтар ўғли ижоди намуналаридан ахлоқ=одобга оид қандай сабоқ олдингиз? Чунончи:

- а) Ватанини ва халқни севиш;
- б) дўстга содиқлик ва ўртоқлик;
- в) соғ муҳаббат ва унга садоқат;
- г) инсонпарварлик;
- д) меҳнатсеварлик;
- е) ҳалоллик ва поклик;
- ё) ростгўйлик ва саҳийлик;
- ж) сабр=токатлилик ва шиҷоатлилик;
- з) катталарни, ота=онани ва туғишганларни ҳурмат қилиш;
- и) меҳр оқибатлилик ва бошқа миллат кишилариб билан дўстлашиш ва ҳоказо.

2. Ўқоридаги юксак инсоний фазилатларни эгаллаш шоирнинг қайси асарларида акс эттирилган? Улар ҳақида батағсил ёзинг.

Ана шундай саволлар ёзилган 750 та анкета Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги ал=Хоразмий ва Аваз Ўтар ўғли номли, Самарқанд вилояти Темириўл туманидаги Бобур номли, Жиззах вилояти Фориш туманидаги Муқимий номли, Тошкент шаҳридаги Лутфий номли ўрта мактабнинг 7-10= синфлари ўқувчиларига тарқатилди. Йифиб олинган 750 та анкетадаги жавоблар билан таништириш мақсадга мувофиқдир (77= бетдаги I= жадвалга қаралсин).

2= §. Аваз Ўтар ўғли меҳнат тарбияси ва касб=хунар  
таълими тўғрисида

Маълумки, кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам меҳнатдан бошлиганди. Инсоният тириклилик эҳтиёжлари учун яратган меҳнат қуроллари ва чиройли безак буюмлари санъат ва маданиятнинг маҳсулидир. Шунинг учун шак=шубҳасиз тарбияни ҳам меҳнатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу масалалар бутун инсоният тарихи давомида Мусо ал-Хоразмий, Абунаср ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Носиб Ҳусрав, Умар Ҳайём, Ҷаъдий, Абдураҳмон Жомий, Маҳмуд Қошғарий, Ҳсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Ҷунакий, Пахдавон Маҳмуд, Ҳайдар Хоразмий, Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий сингари буюк мутафаккирларнинг дикқат марказида бўлган.

Ўз асарларида ўтмишдаги мутафаккирларнинг анъаналарини давом эттирган Аваз Ўтар ўғлининг назарида, фақат ҳалол меҳнат билан шуғулланган жамиятдаги кишилар тириклилиги учун ноз=неъматлар яратган одамгина яхши хулқли ва диёнатли инсондир. Шу мъянода одам ҳалол меҳнати билан, умуминсон тириклилиги учун ўзининг қўшган ҳиссаси билан қадр=қимматлидир. Зотан, меҳнат ва тарбия эгизак тушунча бўлиб, - у тириклилик манбай ва тарбия воситасидир, дейди:

Кишиким ҳар иш айлар, чунки кулча,

Емакка ўлса полвон даста=даста.

I= жадвал

МАКТАБ ЎКУВЧИЛАРИНИНГ АНКЕТАЛАРГА ЁЗГАН ЖАВОБЛАРИ ТАХЛИИ

Мактабнинг номи	Tapkatinlar shketalariga jap) tapkatinlar shketalariga jap) Cohn (7-10= Cohn shketalariga jadval)	A. Ўтар ўғли асарларидан ўрганганилигини баён этганлар										3СИРАМДА Aхкетларга жаробо жадвалмаралар	
		Tapking pakamn	Tapkatinlar shketalariga jap)	Minfo oshishiga ahketlari tapkatinlar shketalariga jadval	Mechatcebaپинк Mechatcebaپинк Мехатчебапинк	Cof myxabdar Cof myxabdar Коф мұхаббат	Azoratinnik Azoratinnik Азоратиник	Kamatapinik Kamatapinik Каматапинк	Xarjinnik, Xarjinnik, Харжиник,	Caforatinnik Caforatinnik Сафоратиник	N33at=nkpoм N33at=nkpoм Н33ат=нкпом	Oshka xark Oshka xark Ошқа харк	Baskinnajan on- nesi yigittiruvum Baskinnajan on- nesi yigittiruvum Баскиннајан он- неси иғиттирувум
1. Ал-Хоразмий номли	150	150	141	130	135	115	80	123	140	37	140	140	12
2. Аваз Ўтар номли	150	150	135	140	130	120	78	129	130	125	97	135	18
3. Бобур номли	150	157	140	130	125	105	65	110	130	90	129	120	15
4. Муҳиммий номли	150	130	60	43	39	47	24	30	40	39	44	50	79
5. Лутфий номли	150	135	120	105	110	90	100	115	105	95	90	110	15
Жами	750	602	586	548	539	487	342	501	545	485	500	555	139

Чекар наргис ҳижолат, олса ногаҳ

Гул ар ул чашми фаттон даста=даста.

Аваз, рашқ айлама ер деб фалони,

Агар сен ҳам есанг нон даста=даста<sup>I</sup>.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Аваз Ўтар ўғли қаноат ҳақида  
фикр юритган чоғида, қаноат тушунчасини у инсоннинг ҳалол мөхна-  
ти ва яратувчилик фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирлайди:

Қачон ганжиға восил бўлғусидур,

Киши то чекмагунча ранжи мөхнат?!<sup>2</sup>

Аваз Ўтар ўғлининг фикрича, ҳётда мөхнат машаққатини чек-  
май ҳеч ким роҳатга эришолмайди:

Ранжи михан чекмайин олам аро,

Қилмади ҳеч бир киши ганжурлин<sup>3</sup>.

Шунинг учун ҳам Аваз Ўтар ўғли ранжу машаққат тортган киши  
албатта, ўз мөхнатининг самарасидан баҳраманд бўлишини, роҳатини  
кўришини таъкидлайди:

Кишиким аиш ила роҳат умидин айласа, гардун,

Ишин қилғай ҳамиша дарду ранжу мөхнату ҳирмон<sup>4</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг киши ўзиининг машаққатли мөхнатининг роҳа-  
тини кўришга бунчалик баҳо бериши биринчидан, мөхнат шахсни ахлоқ-  
одобли, шиҳоатли ва жисмонан бақувват қилиб камолга етказувчи во-  
сита бўлса, иккинчидан эса, ҳалол мөхнат жамият аъзолари ҳаётида  
ғарновонликини, баҳт=саҳдатни таъминловчи ягона омил эканидандир:

Роҳат маоб ўлмоқ тилаб ўзга бу янглиғ, эй Аваз,

Доим бу кулфатхонада беҳуда мөхнат қилмангиз<sup>5</sup>.

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 43= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984; 185= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 290= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 133= бет.

<sup>5</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 73= бет.

Аваз Ўтар ўғлининг ўзи бу фоя йўлида ҳар қандай мاشаққатни енгиб, ватан ва халқ баҳт=саодати йўлида астойдил меҳнат қилганилиги бежиз эмас.

Тортарам бекаслигу бечоралиғнинг меҳнатин,

Бошима бу дам бўлуб қойим қиёмат, эй рафиқ.

Гар Авазнинг меҳнату оломи беғоят эса,

Не ажабким, бор онинг сўнгига роҳат, эй рафиқ<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғли меҳнатсевар кишиларни инсоний фазилатини ша-рафлаш билан бирга, жамиятдаги дангаса, ялқов, ишёқмас, номард ва текинхўр ахлоқсиз кишиларни лаънатлади:

Риёзат била бермайин нафса ранж,

Иши аҳли оламнидур хўрду хоб<sup>2</sup>.

Шоир риёзат билан ўз руҳларини қийнамасдан, факат еб=ичишга муккасидан кетган бундай тоифадаги кишилар (дангасалар)ни худди бетоб ва ахлоқсиз кишиларга ўхшатади:

Бир куни роҳат билан топғай фараҳ, бил, эй кўнгул,

Ҳар киши гар бўлса олам ичра меҳнатдин малул<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли инсоннинг ҳалол меҳнат қилиш ва бирор касб=хунарни эгаллаши туғайли ақл=заковати, қобилияти ва жисмоний қудрати ошиб боришига ишонади. Шунинг учун ҳам шоир донолик нималигини ижтимоий=ғойдали иш билан машғул бўлган кишидан, ақлсизликни эса дунёда ишсиз бекор юрган бадсиёқ кишидан сўра дейди:

Сўруб ҳар кимса гар ишлиғ эса, донолиг аҳдолин,

Ақлсизликни доим даҳраро бекор ўландир сўр.

Аваз, сўрмоқ тилар эрсанг ҳамул маҳвашни афъолин,

Рақиби бадсиёқосо худобезор ўландин сўр<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 216= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 23= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 113= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 169= бет.

Аваз Ўтар ўглиниң фикрича, киши эл=юртниң ҳурматига сазо вор бўлиш ва шон=шухрат қозониш учун зўр файрат ва шихоат билан меҳнат қилиш ҳислати ҳимматлиликнинг ёрқин белгисидир;

Гар десалар бўлғай нечук одамни эрмасдур башар?

Коғий жавобин дей сенга: кимни йўқ эрса ҳиммати.

Беҳиммат элдин яхшироқ эрмиш сагу гову ҳимор,

Йўқ бўлса кимниң ҳиммати, албатта йўқдур файрати.

Файратсиз ўлғондин киши оламда аҳбоби аро,

Юз қатла мустаҳсандуур соғ ўлса умри муддати.

Файрат била ҳимматлиғ эл ўлса ҳам ҳаё қил гумон,

Паст бўлмамиш не важҳдин ҳалқ ичра Хотам шухрати.

Бу икки ҳислат бирла бўл ашҳар жаҳон мулкидаким,

Бор филқациқат бу ики афъол инсон ҳислати<sup>I</sup>.

Шоирнинг "Жаҳон ичра..." деб бошланадиган ғазалида ҳимматлиликни, аввало, ватанга, эл=юртга ҳалол хизмат қилиш деб таърифлаши бежиз эмас. Унингча, ҳалол меҳнат қилган ҳимматли кишидан умрбод яхши ном қолади, унинг ҳиммати ва сахоқати борки, жаёти гўзал ва тинч=фаровон ўтади, "комронликка" эришади:

Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат,

Они айлар ҳамиша сарвари аҳли жаҳон ҳиммат.

Қўлингни чекма ҳиммат айламакдин, эй биродарким,

Қилур аҳволи одамни давомат камрон ҳиммат.

Ажойиб ҳосият ҳимматда бордур оқил эрсанг кўр,

Паривашлар зебонин қилғуси мўъжизбаён ҳиммат.

Фидои хоки нойи бўлса оздор борча жон нақди,

Кишиким пешасидур олам ичра ҳар замон ҳиммат.

Кишига умри жовид эрмаса ҳиммат недин, қолмиш,

Ҳануз овозай Хотамдин оламда нишон ҳиммат.

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 327- бет.

Кариму розиқу рабдин тилар чөгда муроди дил,  
Керакдур айламак оқил киши беҳадду сон ҳиммат  
Ким олиҳиммат бўлса, аҳли олам ичра, эй аҳбоб,  
Анго лозим гар этсам садқа молу нақди жон ҳиммат.  
Аваз уқбо аро саршорком ўлғусидур бешак,  
Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўглининг таъкидлашича, муҳтоҷ кишиларга муруватли саховатли ва ҳимматли бўлиш, бир=бирини қўллаб=қувватлаш инсонга хос эзгу хислат ва олижаноб фазилатdir. Шоир ҳимматли киши камбағалларга қанчалик фамхўр ва саховатли бўлса, давлатига давлат қўшилиб, обрўси яна ҳам зиёда бўлаверади, дейди:

Не ҳуш бўлгай мұяссар бўлса ҳиммат аҳлиға давлат,  
Ки ондин ожизу дармондаларга етгуси қувват.  
Дило, ҳиммат қилурдин эҳтиroz этма сабоҳу шам,  
Ки эрмиш мўзиби умр ила давлат даҳр аро ҳиммат.  
Агар ҳар кимда ҳиммат бўлса даврон ичра, эй аҳбоб,  
Бўлур албатта анда минг кишича ғайрату журъат.  
Ҳамул феъл ила ким мавсуф эса аҳли жаҳон ичра,  
Онингдур лозим ҳар қайда бўлса ғатх ила нусрат.  
Яна ҳимматлиғ элга кам бўлур ороғ аро душман,  
Валекин ул бўлур эрмиш ҳамиша душманни ҳиссат.  
Ҳасосат аҳли бирда ҳиммат аҳли бўлмас ҳаргиз соз,  
Қилур фосид қўшулса бир=бирин албатта зиддият.  
Бирига варзиш эрса зулм ила қину жафоу жафр,  
Давомат бирисини пешасидур раҳм ила шафқат<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли талқинида, ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи кишилар ҳимматли ва сахоқатли бўлиб, улар пешона тери билан яратган

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I85= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, I86= бет.

ноз=неъматлари билан эл=юрт иззат=хурматига ва "жаҳон аро шуҳрат" га сазовор бўладилар:

Ким эрса агар жаҳон аро ҳимматлиғ,  
Бил они ҳамиша баҳтлиғу давлатлиғ.  
Ҳимматли киши топиб мурод ўлса доғи,  
Хотам каби доим ўлғуси шуҳратлиғ<sup>1</sup>.

Демак, Аваз Ўтар ўғли тасаввурида ёшларнинг юксак фазилатли бўлишида меҳнат ва касб=хунарнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Шунинг учун биринчи навбатда ота=оналар болани ёшлиқдан ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишга, касб=хунар әгаллашга, қийинчилик ва муҳтоҷликка чидамга ўргатиб бориши керак. Маърифатпарвар шоир шу боис ёшларни навқиронлик даври ёшлиқнинг қадрига етишга, бу дамни ҳамиша ганимат билишга чақиради:

Қилурға асру ҳаззу ишрат, эй биродарлар,  
Ганимат ўлғусидур мавсуми шабоб-шабоб<sup>2</sup>.

Бу дамни бил ганимат, эй биродар,  
Кидур айёми вуслат, эй биродар<sup>3</sup>.

Аваз Ўтар ўғли ёшларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, илм ва касб=хунар әгаллаши туғайли ақл=заковатли, қобилиятли ва куч=қудрати ошиб боришига ишонади. Шу билан бирга ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланган, илм=маърифат ва касб=хунар әгаллаган киши жаҳолатдан, нодонликдан анча йироқ бўлади, деб ҳисоблайди у:

Фаросат бодасини айла ошом,  
Ки то ўзни жаҳолатдин йироқ эт<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 315= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 54= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 151= бет.

<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 192= бет.

Аваз ҳафтада, тонг этсанг китоб,  
Етибдур бу фанда камолинг сенинг<sup>1</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-ахлоқий хулосасига кўра, илм ақлнинг жилоси, бўлса, касб=ҳунар ёшларнинг маънавий камолотига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам шоир илмни ақлдан, касб=ҳунардан ажратмасдан, балки буларнинг ёрдамида ҳар қандай муаммони ҳал қилса бўлади, деб таъкидлайди. Унингча, илмли ва касб=ҳунарли киши ҳаётда ҳечам хору-зор бўлмайди:

Аваз гар оқил эрсанг бўлма ғамгин,  
Қачон хор ўлгуси ахбоб ҳунарлиғ<sup>2</sup>.

Аваз Ўтар ўғли меҳнат билан шуғулланиш ва касб=ҳунар эгаллаш инсоннинг зийнати, юксак фазилати дейиш билан киғояланиб қолмасдан, балки инсон фақат ўзи севган ва қизиқсан иши билан шуғулланиши лозимлигини, одам барча ҳунарларни шухрат учун эгаллаш имкониятига эга эмаслигини ёшларга қатъий уқтиради:

Эйким санго насиҳат этай мен ғариб ҳам,  
Килма ҳамиша етмагунча қудрат орзу.  
Эйким, санго керакму жаҳон ичра обру,  
Ўзга чиқармоқ айламагил шухрат орзу<sup>3</sup>.

Шоир ўз ҳунаринг билан эл=юртнинг иззат=икромига сазовор бўлмоқчи ва юксак обру орттиromoқчи бўлсанг, ҳечам кўлингдан келмайдиган ишга уринма, деб панду насиҳат қиласди:

Ихтиёр этма кўнгилдин келмас ишни даҳо аро,  
Ки недин таъну маломат эл қилур беорга<sup>4</sup>.

Агар ўз касб=корингдан барака топишни, юксак истеъод ва маҳоратинг билан шон=шухратга эга бўлишни истасанг бирордан ҳечам

<sup>1</sup> Аваз, Сайланма. Тошкент, 1984, 62= бет.  
<sup>2</sup> Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 167= бет.

<sup>3</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 194= бет.  
<sup>4</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент. 1984, 47= бет.

таъма қилма, қаноат қил, дейди у:

Иззат шаробин истасанг синдур таъма жоминиким,

Шарбатки ҳам аччиқ қилур эрса агар паймона тадх<sup>1</sup>.

Мураббий шоир ёшларни бирор ишни бажараётган чогда ҳеч қа-  
чон шошмасликка, пала=партишиликка йўл қўймасликка чақиради, бунинг  
оқибатида ёмон бўлишидан огоҳлантиради:

Қилмайин пухта ишингни носаранжом айласанг,

Тушгусидур бошга анжудли қиёмат оқибат<sup>2</sup>.

Шунингдек, Аваз Ўтар ўғли ҳар киши ўз ишини бажараётганда  
ватанпарварлик, ахлоқий фазилатлар, инсонпарварлик ғоялари, меҳ-  
натсеварлик, бошқалар меҳнатини ҳурмат қилиш ва қадрлашга чақириш  
сингари мавзуларга кенг ўрин ажратилган. Жумладан, "Ўзбек адабиёти  
дастуридан ўрин олган Аваз Ўтар ўғлининг адабий меросини ўрганиш  
жараённида амалга ошириладиган тарбиявий вазифалар қаторида меҳнат  
тарбиясининг ҳам ўрни катта. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчида ижтимоий  
фойдали меҳнатга ҳурматни тарбиялаш, яъни уни меҳнат қилишга ру-  
ҳан тайёрлаш, бошқалар меҳнатини эъзозлаш ҳам ақлий, ҳам жисмоний  
меҳнат қилишга эҳтиёж тутдириш, керакли билим ва кўникмалар билан  
қуроллантириш, меҳнатсеварликни, тиришқоқлиени, чидамлиликни ҳо-  
сил қилиш учун Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик қарашларида-  
ги меҳнат тарбияси ва қасб=ҳунар таълими тўғрисидаги фикрларидан  
ўринли фойдаланиби мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун дарсда ўқув-  
чиларни меҳнат тарбияси ва қасбга йўналтиришда уларнинг ёш хусуси-  
ятлари, қўлланиладиган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ўқитиш  
усулларининг ранг=баранглиги, шунингдек, синфдан ташқари тарбия-  
вий машғулотларнинг тури ва уларни ўтказиш йўлларининг замонавий-  
лигига таянган ҳолда иш юритиш лозим.

<sup>1</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 203= бет.

<sup>2</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 182= бет.

Шунингдек, Аваз Ўтар ўғли ҳар киши ўз ишини бажараётганда ҳаддидан ошиб кетмасдан, ақл=заковат билан ўз меъёрида қилгани яхши эканлигини уқтиради:

Яхши дуурүр ўз ишини қилғонга ҳар киши,  
Ҳаргиз тажавуз айланаса эътидолидин<sup>1</sup>.

Ҳар ишни айлар бўлсангиз, айлангки тадриж ила иш,  
Оқил кишилар қилмагай ҳаргиз шитоб, эй дўстлар<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Аваз Ўтар ўғли меҳнатнинг ва кишиларнинг тирикчилиги, эҳтиёжи унун ноз=неъматлар, буюмлар яратувчиларнинг жамиятда тутган ўрнини таъкидлаш билан мекланиб қолмади. Шу билан бирга у инсоннинг энг муҳим фазилатларидан бири меҳнатсевар бўлиш, илм ва касб=ҳунар эгаллашнинг тарбиявий ҳамда жамият учун амалий аҳамиятини кўрсатиб берди. Шоир кишиларни яхшиликка даъват этиб, ҳаётнинг мазмунини меҳнат ташкил этади, деган илғор фикрларни илгари сурди. Унинг чукур аҳлоқий инсонпарварлик руҳи билан сугорилган бу фикрлари ўз даврида ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда қанчалик ижобий аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги шубҳасизdir.

Аваз Ўтар ўғлининг меҳнат, касб=ҳунар тўғрисидаги қимматли фикрларининг ҳозирги кунда биз учун аҳамиятли томони шундаки, ундан ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва касб танлашга йўналтириш воситаси сифатида У-ХІ синфларда меҳнат таълими дарсларида кенг фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги кунга қадар амалга оширилган кўп тадқиқотлар, мактаблардаги, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларидағи биз олиб борган кузатишлар шахснинг шаклланишида ўзбек халқи меҳнат анъаналарининг, ҳусусан, машқур мутафаккирларнинг ва маърифатпарвар шоирларнинг меҳ-

нат тарбияси тўғрисидаги ғоялари роли мұхимлигини яққол кўрсатади. Масалан, Ҳоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги I8= ўрта мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчилари Эгамберган Қўчкоров, Давронбек Сайдов, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Шукуржон Сайджонова билан биргаликда Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий, Захиридин Муҳаммад Бобур Ҷунис Ҳоразмий, Оғаҳий, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий сингари шоиru адибларнинг меҳнатсеварлик ва касб=хунар ўрганиш тўғрисидаги меросини чуқур ўрганиб, тез=тез сухбатлар, маърузалар ва адабий кечалар ўtkазиб туришади. Кечада меҳнат ва касблар тўғрисида мазмунли ғазаллар, рубоийлар, тингланади, сўнг касб-корлик, меҳнат ҳақидаги қўшиклар янграйди, рақслар томоша қилинади. Масалан, ўқитувчilar бизнинг иштирокимизда ўқувчilar билан "Алломалар меҳнатсеварлик ҳақида" мавзусида сухбат кечаси ўтказдилар. Унда тарбиячилар ва ота=оналарнинг ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдаги масъулияти ҳақида, алломаларнинг жонажон ўлкага муҳаббат аввало кишиларга ғамхўрликда, бутун халқка ёрдамлашишда оммалашган анъана хашар йўли билан беминнат ёрдам кўрсатишда намоён бўлиши тўғрисидаги таълимий аҳамияти хусусида фикрлашилди. Нихоят, ҳар бир киши ўз халқи билан маънавий алоқада бўлиб ҳалоли меҳнат қилсагина, Ватанга ва ўз халқига хизмат қилиш учун керакли куч топа олади, дея хулоса ниқарилди.

Демак, синѓдан ташқари ишлардан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда меҳнат ва касб-хунарга бўлган муҳаббат туйғусини шакллантиришдан иборатdir.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги 27= ўрта мактабнинг ўқитувчиси Мирқобил Мирвалиев, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги I= ўрта мактабнинг ўқитувчиси X. Собированинг иш гажрибаси ҳам ибратлиидир. Улар синѓдан ташқари ўтказиладиган машғулотларда сухбатлар ва мунозараларга алломаларнинг меҳнат тўғри-

сидаги доно фикрларини танлайдилар, ўқувчиларни меҳнаткаш инсонга ҳурмат билан муносабатда бўлишга, жамият ва халқ манбаатларини кўзлаб яшаш ва ишлашга ургатмоқдалар. Ана шу тажрибаларнинг натижалари ўқувчиларнинг меҳнат ҳақидаги фикр=мулоҳазаларида ижтилоий=фойдали меҳнатга муносабатларида яққол кўринмоқда.

Умуман кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятларида мактабларда она тили ва адабиёти, тарих, меҳнат таълими, "Одбонома", "Инсон ва жамият" фанларини ўқитишида, синфдан ташқари тарбиявий машғулотларда, турли тўгаракларда машхур алломалар ва маърифатпарвар шоирларнинг меҳнат ва касб=ҳунар таълими тўғрисидаги пурмаъно фикрларидан ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва касбга йўналтириш ишларини йўлга қўйишда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Бундан асосий мақсад ўқувчиларга илм=фан асосларини пухта ўргатиш билан бирга, уларда меҳнатга ва касб=ҳунарга муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг илмий=амалий асослари билан таништиришдан иборатdir.

Табиийки, "Ўзбек адабиёти" дастуридан ўрин олган Аваз Ўтар ўғлининг адабий меросини маърифий нуқтаи назардан ўрганиш жараёнида амалга ошириладиган тарбиявий вазифалар қаторида меҳнат тарбияси ва касб=ҳунар таълими қудратли омил эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарс жараёнида ва синфдан ташқари машғулотларда Аваз Ўтар ўғлининг адабий ва маърифий-педагогик меросига тўхталган чоғида ўқувчиларга маърифатпарвар шоир Хива феодал-хонлик тузумининг зиддиятли шароитида яшаб ижод этганлигини ва мол=дунёга меҳр қўймасдан бутун ақлу заковатини жамият ва инөоният тараққиёти ҳамда баҳт=саодати йўлида меҳнаткашларнинг манбаатини кўзлаб иш кўрганлиги учун таъқиб ва жазоларга гирифтор бўлганлигини тушунтироғимиз лозим.

Мана шулардан келиб чиқиб, қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

1. Аваз Ўтар ўғлининг меҳнат тарбияси ва қасб=хунар таълимига доир қимматли фикрларини тўплаш ва бир тизимга солиш, ана шуларни дарслик ва педагогик мерос бўйича мажмуага киритиш.

2. Аваз Ўтар ўғлининг меҳнат тарбияси ва қасб=хунар таълими тўғрисидаги ғояларидан дарс жараёнида ва синфдан ташқари машғулотларда назарий=амалий жиҳатдан фойдаланишга бағишлиган методик тавсиялар, қўлланмалар яратиш даркор.

2. Ўқитувчилар ва тарбиячилар - ота=оналар, юқори синф ўқувчилари орасида Аваз Ўтар ўғлининг меҳнат тарбияси ва қасб=хунар таълимига бағишлиб адабий кечалар ўтказиш одат тусига киритилиши серак.

### З= §. Аваз Ўтар ўғли меросининг маърифий-педагогик аҳамияти

Бугун Ўзбекистонимия мустақилликка эришган экан, унинг давлат тизими ва миллий истиқбол мифкурасининг ёшларни ўқитиш ва билим беришдан мақсади хоҳ мактабда, хоҳ олий таълимда бўлсин аввало кеча, бугун ва истиқболнинг моҳиятини тушунадиган, халққа хизмат қилишдек масъулиятни бўйнига оладиган, меҳнатни завқ=шавқ, моддий ва маънавий неъматлар яратиш манбай деб биладиган, адолатли қонунлар билан қўриқланадиган ахлоқни ўз шахсий фазилатларида намоён қиласидиган маърифатли шахсни тарбиялашга қаратилмоғи керак. Шу жиҳатдан олганда, Аваз Ўтар ўғлининг бой адабий ва маърифий=педагогик меросининг шахсни ҳар томонлама шакллантиришдаги ролини ҳамда унинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш ва кўрсатиб бериш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик иш ҳисобланади.

Аваз Ўтар ўғли меросини маърифий-педагогик асосда ўрганишдан асосий мақсад - биринчидан, Аваз Ўтар ўғлининг Ўзбекистонда

иҳтимоий-педагогик фикрлар тарихида тутган ўрнини, меросининг ўзига хослигини, унинг педагогика тарихи хазинасига қўшган ҳиссасини аниқлаш, уларни илмий ва холисанилило баҳолаш, иккинчидан Аваз Ўтар ўғлини халқ учун архийдиган, унинг маънавий камолоти ва эрки учун хизмат қиласидиган, жамиятнинг моддий ва маънавий тараққи ётини таъминлашга ҳисса қўшадиган илм=фанни ва каб-хунарни эгалла ҳақидаги қимматли фикрлари, инсоннинг баҳт-саодати учун курашиш, донолик, адолат, шижаат, саҳоват, муътадиллик, тўғридик, меҳнат-севарлик каби хулқ=одоб қоидаларидан ҳозирги кунда ёшларни яхшиликка ва хайрли ишлар қилишга, шу билан бирга уларни ёвузликка, адолатсизликка, нодонликка қарши кураш руҳида тарбиялашда фойдаланиш, учинчидан, Аваз Ўтар ўғли маърифий-педагогик меросини бугунги кун учун аҳамиятини янада кенгроқ, тўлиқроқ кўрсатиб бериш айниқса муҳимдир. Чунки надоматлар бўлсинки, Ўзбекистон мустақилликка эришгунча на ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, на бўлажак ўқитувчилар Аваз Ўтар ўғлини маърифий=педагогик меросида илгари сурилган юқоридаги таълим-тарбия усули ва воситаларидан баҳраманд бўлмасдан келганлар. Қолаверса, Аваз Ўтар ўғлини ўрта мактаб ўқувчилари, ўрта маҳсус ва олий педагогика ўқув юртлари талабалари учун асқотадиган, маърифий-педагогик меросини маърифий асосда ўрганишга кам эътибор бериб келинган.

Тарих шоҳидки, ҳар қандай давлат тизими ва ишларни истиклол мағкурасида авваламбор ёшларга таълим-тарбия беришда аждодлар яратган бой моддий ва маънавий мөросни ўрганишни, шу асосда давлат тараққиёти пойдевортни мустаҳкам қуришни ва шахс маънавий камолотини ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Зоро, шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Мустақил Ўзбекистон Республикаси мактабларида Аваз Ўтар ўғлининг адабий меросини маърифий асосда ўрганишга 5 соат эмас, балки 7-8 соат ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳа-

қатан ҳим шоир маърифатпарварлигини теран таҳлил этиш қутилган натижани беради. Дарвоҷе, Аваз Ўтар ўғли ижодининг энг муҳим томонларидан бири ҳам унинг маърифий-педагогик қарашларида намоён бўлади.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик меросида инсон маънавий камолоти билан боғлиқ муҳим ғоялар илгари сурилган. Ёш авлодга ўгит, насиҳат, ибрат намунаси сифатидаги пурмаъно фикрлар болаларни доноликка, қамтарликка, меҳнатсеварликка, тўғрилик ва саҳийликка, билим ва касб=хунарни ўрганишга ундейди. Мактабда Аваз Ўтар ўғлининг адабий меросини маърифий асосда ўрганар эканмиз, уларни қуийдаги мавзулар доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

- таълим=тарбиянинг роли ва моҳияти тўғрисидаги;
- ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик тўғрисидаги;
- дўстлик ва аҳиллик тўғрисидаги;
- меҳнат тарбияси ва касб-хунар таълими тўғрисидаги;
- тўғрилик, ростгўйлик ва камтарлик тўғрисидаги;
- севги ва оиласи турмуш тўғрисидаги ғоялари.

Ўқитувчи "Ўзбек адабиёти" дарси жараёнида Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик мавзуда ёзган "Хуррият", "Тил", "Мактаб", "Уламоларга", "Топар эркан", "Эй Аваз", "Фидойи халқим" асарларидаги "хуррият", "инқилоб", "фалон", "булут", "офтоб", "ижтимоийчилар", "фирқалар", "ғайри тили", "эмди", "кони бойлик", "қора юзлик шармандалар", "олий насаб", "адолатли" ва "адолатсиз", "олийҳиммат", "вафодор", "саҳий", "қаллоб", "иккиюзламачи", "ҳасис" каби сўзлар воситасида ўша давр ижтимоий воқеаларини ва кишиларнинг ахлоқий хатти=ҳаракатларини баҳолайди. Ҳар бир дарс давомида ўқувчилар томонидан шоирнинг маърифатпарварлик руҳидаги асарлари иғодали ўқилгач, унинг муҳокамаси ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола этилади.

Фақат шундан кейингина ўқитувчи шоир асарлари ҳақида якунловчи хуолоса ишқариши тавсия этилади.

Шундан сўнг ўқитувчи Э.Самандаровнинг "Булутли тонг", Сафо Очилнинг "Бўлмағай", "Шоир келаяпти", "Аваз Ўтар ўғлига мұхаммас" шеърий асарларини ва Саъдулла Сиёевнинг "Аваз" тарихий романини таҳлил қилиб, ўқувчиларда Аваз Ўтар ўғлининг шахси ҳақида аниқ таассурот қолдириш билан бирга, бундай асарлар таҳлили орқали ўқувчиларни инсонпарварлик, ҳалоллик ва дўстлик, илмни севиш ва меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак.

Кўриниб турибдики, Аваз Ўтар ўғли меросидан "ўзбек адабиёти" ни ўқитиши жараёнида ва синғдан ташқари тарбиявий машғулотларда маърифий-педагогик манба сифатида ўқувчилар тарбиясида фойдаланиш мумкин. Аммо, асосий масала Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик меросидан ўқувчиларни одоб=аҳлоқли қилиб тарбиялашда ўринли фойдалана билишдадир. Зоро, жамиятда, айниқса ёшлар орасида ахлоқсизлик, одобсизлик авж олиши, шарм-ҳаёнинг камайиб бориши, кәтталарни ҳурмат қилмаслик, меҳр=оқибат, аҳиллик, меҳр=шафқатнинг йўқолиб бораётгандиги ҳозирги кунда халқни жиддий ташвишлантироқда.

Мана шундай шароитда, жамиятнинг аҳлоқий идеаллари ва талабларига жавоб берадиган Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-аҳлоқий меросини тиклар, уларни кишиларнинг, айниқса ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш мұхим аҳамият **кәсб** этади.

Ўқитувчи мактабда "Ўзбекистон халқлари тарихи" фанини ўрганиш жараёнида "XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон халқлари маданияти" мавзусини ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган "Ўзбекистон тарихи ва маданияти" фанидағы "Чор Россиясининг мустамлакачилик зулми ва сиёсати кучайган даръда Ўзбекистон ва ундаги ма-

даний ҳаёт" мавзусини ўрганиш жараёнида оташин шоир, маърифатпарвар Аваз Ўтар ўғли ижодида халқ дардига шерик бўлиш, ачиниш ҳамда келажакка умид кўзи билан боқиши, озодлик ва эркка интилиш фоялари алоҳида ўрин тутишини таъкидламоги жоиздир. Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғли халқчиллик ёа инсонпарварлик, озодлик ва ҳурфикрлилик, маърифатпарварлик ва шахснинг маънавий камолоти тўғрисидаги фояларни илгари сурганлиги учун ҳам замонасининг жаҳолатпарастлари таъқибига ва жазоларига гирифтор бўлганлигига, тўхталиб, шоирнинг қуидаги мисраларини таҳлил қилиб келтириши ўринлидир:

Аваз, албатта, бўлгай таъби нозик, хотири нашод

Деса, субҳу масо ҳар кимса гар ашъор ман янглиф<sup>I</sup>.

Шоирнинг асарларидан келтирилган шеърий мисралар ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтирибгина қолмай, уларда шоир меросига қизиқиш ва аҳлоқий, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, халқпарварлик хусусиятларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам тарих дарсларида ўқувчиларнинг миллий тарбиясига ижобий таъсир қилувчи имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш зарур.

"Инсон ва жамият" фанини ўрганишда ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш имкониятлари катта. Ўқитувчи умуминсоний ва миллий қадриятларни ўрганишда Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик меросидаги ота=онага ҳурмат фарзанднинг ота=она олдидаги бурчи ва вазифаси, меҳр=мурувватли бўлиш, фароатли бўлиш, оқибатлилик, марҳаматлилик, раҳм=шафқат кўрсатиш, шилик қилиш, ширинсуҳанлик, хушфөъллик, сахийлик, саховат кўршиш касб=ҳунар маҳоратини шакллантириш, мардлик, жасурлик каби а. чий фикрларидан фойдаланиб, уларга моддий ва маънавий меросни озлаш кўнникмаларини сингдириш лозим.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик қарашларида ёшларнинг баркамоллиги учун зарур бўлган тарбия воситалари, уларни амалга оширишда қўлланадиган методлар ҳам акс эттирилган. Чунончи, Аваз Ўтар ўғлини меросида ақдий тарбия, илмли ҳунарманд бўлиши билан белгиланади. Шунинг учун ёшларнинг ийм эгаллаши ҳунарманд бўлиши ҳамиша марказий ўринни эгаллаб келган. Шоирнинг таъбирича, "илмни меҳнатсиз, ҳунарни эса машаққатсиз эгаллаб бўлмайди".

Аваз Ўтар ўғлини педагогик меросида меҳнат тарбияси бола камолотининг бош омили сифатида талқин қилинади. Шунинг учун ҳам шоир асарларида меҳнат ардоқланади ва ёшларни меҳнатсеварликка, меҳнатни қадрлашга даъват этилганлиги бежиз эмас.

Аваз Ўтар ўғлини маърифий-педагогик меросида одоб=ахлоқ, ёшларни дастлабки оиласвий одоб қоидаларига одатлантириш, уларга инсоний фазилатларни, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик, саҳийлик, соғдиллик, айниқса инсонпарварлик ва ватанпарварликни ўргатиш катта ўрин тутади.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик меросидаги тарбия ва уни амалга оширишда қўлланган тушунтириш, одатлантириш, ўргатиш, машқ қилдириш, намуна ва ўрнак кўрсатиш, ўгит=насиҳат, олқиши каби метод ва воситалар ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган ва йўқотмайди ҳам.

Афсуски, Аваз Ўтар ўғлини маърифий-педагогик меросидаги энг таъсирчан, ажойиб тарбия методлари ўрганилиб, бир тизимга туширилмаган. Ушбу тадқиқот эса Аваз Ўтар ўғлини маърифий-педагогик меросини ўрганиш барасидаги ilk изланиш бўлиб, бу тадқиқот натижаларидан ҳозирги кунда "Одобнома", "Меҳнат таълими", "Педагогика тарихи" фанларини ўқитиш жараёнида ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларда, ахлоқий мавзуларда сухбатлар ўтказиш уйун тавсиялар ишлаб чиқишида кенг фойдаланилмоқда.

Шундай қилиб, юқорида биз Аваз Ўтар ўғлини маърифий=педагогик меросини ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамиятига тўхталдик ва ундан ўқув=тарбия жараёнида фойдаланиш ҳақида ўқитувчиларга умумий тушунча ва баъзи бир тавсияларни беришга ҳаракат қилдик.

### Х У Л О С А

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=педагогик қарашларининг таҳлили шундан далолат берадики, у маърифий=ахлоқий муаммоларни илгор маърифатпарварлик ва инсонпарварлик педагогикаси нуқтai назаридан ҳал этди. У нодонлик ва жоҳилликни қоралаб, инсон боласи ўқиш=ўрганиши лозимлигини тарғиб қиласди. Бу ўринда Аваз Ўтар ўғли билим эгаллашни инсон камолоти ва баҳт=саодати, жамият тараққиёти билан боғлайди. Бу эса мураббий шоир ижодини ҳалқа яқинлаштиради ва унинг пандномаларидан ҳалқ кундалик ҳаётида, ўз болаларини тарбиялаш воситаси сифатида ўринли фойдаландилар. Шу туфайли мураббий шоир ўз асарлари билан ҳалқ донолиги бўстонидан муносиб ўрин эгаллади.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=ахлоқий қарашлари асосини одоб, ахлоқ, адолат, шижаат, тенглик, улфатчилик, ваъдага вафо қилиш, аҳиллий, мажбурият ва бурч, раҳм=шафқат, эркинлик, сабр=тоқат, қаноат, ҳалол меҳнат, ишқ=муҳаббат масалалари ташкил этади. Маърифатпарвар шоирнинг инсоний фазилатларни эгаллаш борасидаги фикрлари ўз даврида ёшларни одоб=ахлоқли қилиб тарбиялашда ижобий роль йўнади. Аваз Ўтар ўғлининг ўзига хос ахлоқий таълимотида гўзал инсоний фазилатлар кишининг ахлоқий камолоти билан бирга яхлит ҳолда талқин этилади. Унинг ахлоқий ғоялари инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, кенг ҳалқ оммасига бениҳоя яқин ва тушунарли эди.

Мураббий шоирнинг ўқтиришича, ҳамма меҳнат қилиша, хунар=касб эгаллаши лозим. Зероки, фақат меҳнатдағина инсон баҳт=саодат ва

камолотга эришуви мумкин. Умуман у жамият ва унинг фаровонлигига фойда келтирадиган ҳар қандай ижтимоий=фойдали меҳнатни ва касб=хунар турини инсон учун муносаб деб билади. Шу боисдан ҳар бир киши ўз вазифасини сидқидилдан бажариши лозимлигини тарғиб қиласди.

Айниқса, Аваз Ўтар ўғлининг кишиларни нафосатли ва гўзал ахлоқий фазилатли қилиб тарбиялашда санъаттинг, хусусан, мусиқа ва шеъриятнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари бекиёсдир.

Аваз Ўтар ўғлининг **Ўзбекистонда ижтимоий=педагогик фикрлар тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаси каттадир**. Мураббий шоирнинг асарларидаги маърифий=педагогик ғоялар маданият ва педагогика тарихи хазинасига битмас=туганмас ҳисса бўлиб қўшилди. Шоир ўзининг маърифий=тарбиявий мероси халқ хотирасида унучилмаслигига, халқнинг дили ва иродасида мангу яшажагига шоир комил ишонч билан қараган эди:

Мени ёд этгай авлодим мозоримни ўраб гулдин,  
Ишончим шундадир бўлғай мозорим бир зиёратгоҳ<sup>I</sup>.

Аваз Ўтар ўғли янглишмади. У орзу қилган, уни ардоқлайдиган замон келди. Аваз Ўтар ўғли халқнинг севимли шоири бўлиб қолди, унинг асарлари қайта=қайта нашр этилмоқда, асарлари устида илмий=тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аваз Ўтар ўғли асарлари қардош халқлар тилларию таржима қилиниб, шоир ҳақида эса илмий-оммабоп ва бадиий асарлар яратилди. Мактаблар, давлат ва жамоа хўжаликлари, кўчалар унинг номми билан аталади. Ҳар йили Хоразм вилоятида Авазхонлик кунлари ўtkазиш анъанага айланганлиги диққатга сазовордир.

---

<sup>I</sup> Аваз. Сайланма. Тошкент, 1984, 28= бет.

### УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида давлатимиз ва жамиятимиз равнақи йўлидаги маънавий бойлигимизнинг ўрни ва роли аниқ ҳамда батағсил белгилаб берилди. Тил ҳақидаги Янги Конун ҳам ана шу эътибор натижаси бўлди.

**Ўзбекистон мустақиллик йўлига ўтди.** Мустақил Ўзбекистонга эркин ва ижодий фикрлай оладиган маънавий баркамол кадрлар керак. Ана шу мақсадни амалга оширишда машҳур алломалар, маърифатпарварлар қолдирган бой илмий-маданий меросни ташвиқ ва тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу йўсинда Аваз Ўтар ўғлининг ижтимоий-сиёсий ва хурфиксалик ҳамда маърифий=педагогик қарашларининг таҳлили шундан далолат берадики, у биқиқ феодал=хонлик тузуми шароитида жаҳолат, нодонлик ва саводсизликка қарши курашда илғор мавқеда турган. Шоир оддий ҳалқ кунглидан шунинг учун ҳам чуқур жой олганки, унинг атроғларида феодал зулмга, жаҳолатга очиқдан=очиқ қарши чиқиш, меҳнат аҳлини ҳурриятга даъват этиш, яхши инсоний фазилатлар учун кураш, инсоннинг ижтимоий бурчи, гўзал аҳлоқ ҳақида қайғуриш ва энг яхши ахлоқий фазилатларни тарғиб этиш, маърифат ва зиё тарқатиш, шахснинг маънавий камолоти тасвирланган. Бу роялар бизнинг замон руҳига уйқаш ва ҳамоҳанг бўлиб, ижтимоий=педагогик фикр тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган дейишга ҳақли-миз. Чунки шоир оддий ҳалқка хайриҳоҳ, меҳнат аҳлига фидойи бир маърифатпарвар сифатида майдонга чиқиб, инсон эрки, ҳукуқи, қадр=қиммати ва унинг фазилатлари, орзу=истаклари ҳақида кенг ва теран фикр юритди. Ўсиб келаётган авлоднинг таълим=тарбияси тўғрисида қайғуради.

Аваз Ўтар ўғли "Мактаб", "Тил" тўғрисидаги асарларида бола-

ни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш зарурлигини алоҳида уқтирса ҳам, лекин таълим=тарбия назариясига оид алоҳида рисола бағишилаган эмас. Унинг мавжуд шеърий асарларида таълим=тарбия масалалари сочма ҳолда учрайди, холос. Биз шоирнинг ана шу сочма ҳолдаги асарларини жамлаб таҳлил қилиб, унинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ижтимоий=сиёсий, ҳурфикрлилик, инсонпарварлик, маърифий=ди-дактик ғоялари ҳақида фикр юритдик ва шу орқали унинг Ўзбекистонда ижтимоий=педагогик фикр тараққиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб беришни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик. Аваз Ўтар ўғли асарлари таҳлилидан кўриниб турибдики, у ўзининг маърифий=тарбиявий қарашлари орқали инсонни, унинг ажойиб ахлоқий ғазилатларини улуғлади. Ҳалқнинг фарзандлари илмли ва маърифатли бўлиши ва шу асосда ахлоқий баркамолликка эришувини орзу қилди.

Шу боис Аваз Ўтар ўғлининг фикрича, бола дунёқарашининг шаклланишида ташқи муҳит ва теварак=атрофдаги одамлар муҳим роль ўйнайди. Ташқи муҳит таъсирида бола фақатгина атроф=муҳитни кузатибгина қолмасдан, яхши ва ёмон малакаларни ҳам ҳосил қила боради. Шунинг учун ҳам шоир қишиларни бола тарбиясида жуда эҳтиёт бўлишга чақиради. Мураббий шоирнинг уқтиришича, бола ярамас қиликларни эгалламаслиги учун, яхши ва фозил қишилар орасида тарбия кўриши лозим. Унга қундалик ҳаётни, турмуш икир=чикирларини ўргатиб бориш ва уни ёмон ҳамда қўпол гапларни эширишдан сақлаш зарур. Бола, айниқса, ёлғон сўзлашга, тухмат қилишга одатланмаслиги керак.

Аваз Ўтар ўғли бола дунёқарашининг шаклланишида ва камолотида зарур бўладиган қуйидаги хўлқ=одоб қоидаларига муфассал тўхталади: ақлни пешлаш, зеҳн ўткирлиги, адолат, шиҷоат, иффат, сабр=ҳоқат, қаноат, дўстлик, аҳиллик, вафо=садоқат, мажбурият ва бурч, раҳм=шафқат, саҳоват ва ҳиммат, ҳалол меҳнат ва касб-хунар эгал-

лаш, ишқ=муҳаббат, шириңсуҳанлик, катталарни, ота=онани ҳурмат қилиш ва ҳ.к.

Маърифатпарвар шоир таълим=тарбияни ахлоқий тарбия масалалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб қарайди. У ўз замонасидағи мактабларда болаларни ўқитиш услугуга танқидий муносабатда бўлади. Унингча мактабларда ўқитувчилар болаларга билим асосларидан дарс бериш ўрнига ҳар хил бўлмағур уйдирмалар ҳақида гапирадилар, афсоналар тўқийдилар. Баъзи ўқитувчилар эса болаларга кўпол муомалада бўлиб, улар ҳулқига салбий таъсир кўрсатадилар. Шу муносабат билан шоир асарларининг мундарижасини белгилаб берган қуидаги маърифий-тарбиявий ғоялар жуда ҳам қимматлидир:

1. Таълим=тарбия бирлигини ҳисобга олиш, схоластик таълим услугубини бутунлай ислоҳ қилиш.

2. Ўқитишида ўқувчининг ёшини, қизиқиши ва интилишини ҳисобга олиш.

3. Ўқитишининг турли усул ва услубларидан фойдаланиш, тан жазосини бекор қилиш.

4. Мактабда табиий=илмий фанларни ўқитиш орқали болаларнинг ақл=идроқи ва зеҳнини, фараз қилиш қобилиятини ўстириш, нағис завқ олиш хусусиятларини шакллантириш.

5. Илм=маърифат әгаллаш ҳирсу хавас ва таъмагирлик йўлида бойлик тўплаш учун бўлмасдан, аксинча, илм=фан халқнинг оғир турмушини енгиллаштиришга, бева=бечораларга хизмат қилиши лозим.

6. Илм=фanni жамиятдаги зўравонлик, жабр=зулм, адолатсизлик, ёвузликни бартараф қилишда ва кишиларни тарбиялашдаги роли бенихоя каттадир.

Шуни айтиш керакки, Аваз ўтар ўғлининг эътиборга молик бундай умуминсоний ғоялари нафақат ўз даврида, балки кейинги давларда Хоразмда яшаган Баёний, Фақирий, Мутриб, Девоний, Чокар, Сафо

Муганий, Парта, Сүфи, Қурбон Берегин, Соҳиб Назарий, Умар Қурбоний, Ҳазиний, Карим Полвоний, Онабиби Қори, Эшмурод Девонов каби шоирлар дунёқараашларининг шаклланишида ва ижодида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳоразмлик маърифатпарвар шоирларнинг, шу жумладан, Аваз Ўтар ўғлининг бой маърифий-педагогик қараашлари ва адабий-ахлоқий мероси, мураббий шоир тарғиб қилган хулқ-одоб қоидалари, ўгитлари=ю панд=насиҳатлари ҳанузгача ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган. Мураббий шоирнинг касб=ҳунар ва илм=фанни эгаллаш ҳақидаги ғимматли фикрлари, донолик, адолат, шиҷоат, иффат, мұтадиллик, тўғрилик, ростгўйлик, саҳийлик, ҳимматилик, меҳнат-севарлик, камтарлик, севги-саодат, аҳду=вафо, меҳмоннавозлик каби инсоний фазилатлар хусусидаги пурмаъно сўзлари ҳозирги кунда ҳам ҳаммани яхшиликка ва ҳайрли ишлар қилишга ундаши, кишиларни ёвузликка, нодонликка, жаҳолатга қарши курашга чорлаши шубҳасиздир.

Демак, Аваз Ўтар ўғлининг ижодини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, хусусийлик ва умунийлик, миллийлик ва умуминсонийлик ниҳоятда уйғун ҳолда намоён бўлади. Унинг инсон маънавияти, инсон рухияти, ақлий камолоти равнақи учун асосий замин бўлиб хизмат қиласиган бой меросини тўлалигича чуқур ўрганишимиз, ўзлаштиришимиз зарурдир. Шубҳасиз мураббий шоир асарлари ўқувчиларнинг ва талабаларнинг илмий=назарий билимларини бойитибгина қолмай, балки уларнинг маънавий дунёсини ҳам кенгайтиради, жуда кўп ахлоқий фазилатларни ўзлаштиришга, илм=маърифатга бўлган чексиз ҳурмат ва эътиқодни тарбиялашга ёрдам беради. Аваз Ўтар ўғли ижодининг ҳамиша долзарблиги ва замонавийлиги ҳам, куч=қудрати ҳам худди шу билан намоён бўлади.

Хуллас, Аваз Ўтар ўғлининг ҳурғикрлилик, маърифатпарварлик, хорижий тилларни ўрганиш, ҳалқларни дўстлик ва ҳамкорликка чақириши тўғрисидаги илғор ғоялари ўзбек ҳалқининг ҳаётида муҳим роль

ўйнади. Ҳозирги Ўзбекистоннинг мустақилликка әришиши ва айни чоқда ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши маърифатпарвар шоирнинг олижаноб орзу=ҳаваслари бўлиб, унинг рӯёбга чиқишида ўзбек халқининг севимли фарзанди Аваз Ўтар ўғлининг роли ҳам оз эмаслигини унутмаслигимиз керак, албатта.

АДАБИЁТЛАР

- I. Абдуллаев А.А. Узбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Тошкент, "Ўқитувчи", 1990.
2. Абдурасулов А. Узбек маърифатпарвар шоирлари илм=маърифат ҳақида. Тошкент, "Ўқитувчи", 1972.
- .3. Абдуғаффоров А. Демократ шоир. "Қишлоқ ҳақиқати" рўзномаси, 1984 йил 4 сентябрь.
4. Аваз Ўтар. Танланган асарлар. ЎзФД нашриёти, Тошкент, 1951.
5. Аваз Ўтар. Танланган асарлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1956.
6. Аваз. Девон. F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976.
7. Аваз. Сайланма. Тошкент, F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
8. Авазова А. "Соединяйтесь, люди!" . Газета "Хорезмская правда", 18 апреля 1984 г.
9. Авазова А. Не знала сердца от любви "отдохновенья", Газета "Хорезмская правда", 13 июля 1984 г.
10. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. Тошкент, F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
- II. Антология педагогической мысли Узбекской ССР. Москва, "Педагогика", 1986.
12. Баёний. Шажараи Хоразмшахий. Узбекистон Республикаси ФАШИ, қўлёзмалар фонди, инв. № 9596.
13. Баратов М. Узбекистонда маърифат учун кураш тарихидан. ЎзФД нашриёти, Тошкент, 1961.
14. Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в Хорезме. Ургенч, 1967.
15. Билялов Г.М. Культура и просвещение в Хорезмской Народной Советской Республике, Ташкент, "Фан", 1966.

16. Билялов Г.М. Хоразмда халқ маорифи тараққийси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1969.
17. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихи-дан. Тошкент, "Ўқитувчи", 1967.
18. Воронова И. Человек спешивший в будущее. Газета "Хорезмская правда", 7 и II мая, 1969 г.
19. Гафур Гулям. Аваз Отар-согли. Журнал "Звезда Востока", 1954, № 10.
20. Долимов С. 8= синф "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги учун ме-тодик қўлланма. Тошкент, "Ўқитувчи", 1980.
21. Девони Аваз. ЎзФАШИ, қўлёзмалар фондига, инв. № 942.
22. Жуманиёзов Хевакий. Тарихи гулшан. ЎзФАШИ, қўлёзмалар фондига, инв. № 742I.
23. Исмоилова Г. Хоразмнинг фозил фарзанди. "Ёш ленинчи", 1991 йил, 23 август.
24. История Узбекской ССР Т. I, кн. 2, Ташкент, ЎзССР "Фан", 1956.
25. История Хорезма (в древнейших времен до нашей дней), Ташкент, "Фан", 1976.
26. Каримов И.А. Истиқлол йўли. Муаммолар ва режалар, Тошкент, "Ўзбекистон", 1992.
27. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992.
28. ИшА.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат, Тошкент, "Ўзбе-кистон", 1992.
29. Каримов F.K. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб, Тошкент, "Ўқитувчи", 1987.
30. Каримов F.K., Долимов С., Ашрапова Т. Ўзбек адабиёти. Ўрта махсус билим юртлари учунидарслик.. Тошкент, "Ўқитувчи", 1979.

31. Кор-оглы Х.Г. Узбекская литература. Москва, "Высшая школа", 1986.
32. Лаффасий. Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоллари. ЎзФАШИ, қўл-ёзмалар фондиди, инв. № 9494.
33. Маллаев Н.М., Каримов Ф.К., Исматов С.И. Ўзбек адабиёти тарихи. 8= синф учун дарслик. Тошкент, "Ўқитувчи", 1986.
34. Маллаев Н.М., Абдуллаев Ш., Шарипов О., Адабиёт жрестоматияси. 8= синф учун. Тошкент, "Ўқитувчи", 1982.
35. Мамедов Б. Қабиҳ онларда эркни куйладим, дўстлар..., Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномаси, 1984 йил, 24 август.
36. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, изд-во АН УзССР, 1957.
37. Мирзаев В. Аваз ўтар ўғли. Тошкент, Ўздавнашр, 1961.
38. Мирзаев В. "... ёд этгай авлодим", "Фан ва турмуш" ойномаси, 1984 йил, 2= сони.
39. Мирзаев В. Аваз ижодида маърифатпарварлик ва дидактик фоялар. "Совет мактаби" ойномаси", 1984 йил 8= сон.
40. Мирфаёзов М., Бобомуродов А. 4-8= синф адабиёт дарсларида кўргазмалик. Тошкент, "Ўқитувчи", 1986.
41. Муминова. Об общественных мотивах в лирике Камила Хорезми, Ражи, Аваза Утара. Журнал "Общественные науки в Узбекистане", 1969 г. № 4.
42. Назарий Р., Д.Рахимов. Зулмат ичра чироф. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", рўзномаси, 1984 йил 24 август.
43. Назарий Р. Шоирнинг жазоланиши. "Хоразм ҳақиқати" рўзномаси, 1984 йил, 24 февраль.
44. Назарий Р., Раҳимов Д. Шоир авлодлари шажараси. "Машъал" рўзномаси, 1983 йил, 3 май.

45. Муҳаммаджонов А. Вопросы воспитания в узбекской классической литературе. Ташкент, Изд-во "Фан" Узбекской ССР, 1986.
46. Очерки общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, "Фан", 1977.
47. Пирназаров М. Поэтические жанры и топология поэзии. Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1989.
48. Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз шох ва шоир қисмати. Тошкент, F. Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
50. Расулова Ф. Просветительско-педагогические идеи. Аваз Отар-оглы. ЦИУПУ и педагогество УзССР, Ташкент, 1991.
51. Расулова Ф., Ҳасанов С. Аваз Ўтар ўғли ҳаёти ва ижодини мактабда ўрганиш. Тошкент, "Ўқитувчи", 1991.
52. Расулова Ф., Ҳасанов С. Аваз Ўтарнинг маърифий-тарбиявий қарашлари. Тошкент, "Ўқитувчи", 1992.
53. Расулова Ф. Аваз Ўтарнинг маърифий=тарбиявий қарашлари. "Халқ таълими" ойномаси, 1993 йил, 122= сонлари.
54. Романова Б. Хорезмнинг агарташни шайърлари мектепхем илим ҳаққында. Журнал "Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР", 1975 г. № 2,
55. Романова Б. Хоразм маърифатпарвар шоирлари. "Совет мактаби" ойномаси, 1975 йил, 8= сон.
56. Романова Б. Педагогические мысли Хорезмских поэтов-просветителей конца XIX, начала XX вв. Автореферат канд. диссертации. Ташкент, 1978.
57. Сабиров М. Поэт - просветитель Аваз Отар оглы о нравственном воспитании. Ферганский госпединститут. Ученые записки. Выпуск 3. 1957.
58. Самандаров Э. Булутли тонг ("Эрк товушлари" достонидан парча). "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномаси, 1984 йил 14 сентябрь.

59. Сафө Очил. Бўлмагай ("Аваз Ўтар ўғли монологи туркумидан"). Шоир келяпти! "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномаси, 1984 йил, 31 август.
60. Сафо Очил. Аваз Ўтар ўғлига муҳаммас. "Ўқитувчилар газетаси", 1991 йил, 16 март.
61. Сиёев Саъдулла. Аваз. Роман. "Ёш гвардия" нашриёти, 1987.
62. Сиддиқов Ҳ. Хоразм мутафаккирлари фан ва дин ҳақида. Тошкент, 1960.
63. Табибий. Мажмуаи 30 шуаро пайравий Ферузшохий. ЎзФАШИ, қўлёзмала фонди, инв. № II52.
64. Турсунов У., Ўринов Б. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент "Ўқитувчи", 1982.
65. Туленов Ж., Ўсупов К.,Faғуров З. Истиқлол ва тараққиёт мағкураси: мақсад ва йўналишлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993.
66. Ҳасанов С. Народный застуник. Газета "Правда Востока"; 25 августа 1984 г.
67. Ҳасанов С. Пламений поэт=демократ. Газета "Хорезмская правда", 2 августа 1984 г.
68. Ҳасанов С. Аваз Отар-огли. Ташкент, "Ўқитувчи", 1985.
69. Циканова С. Глазами художника. Газета "Хорезмская правда", 19 апреля 1984 г.
70. Ўсупов Ю. Аваз Ўтар ўғли. "Гулистон" ойномаси, 1940 йил, б=сон.
71. Ўсупов Ю. Хоразм шоирлари. Тошкент. F. Fulom номидаги Адабиёт ва санъан нашриёти, 1967.
72. Ўзбек адабиёти тарихи. У том, Тошкент, ЎзССР "Фан", 1980.
73. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактаблари дастури (у-XI синфлар учун), Тошкент, 1991.
74. Ўзбек адабиёти. Умумтаълим мактаблари у дастури (у-XI синфлар учун), Тошкент, 1992.

75. Ўзбек адабиётидан умумтаълим мактаблари учун дастур (Адабиёт чуқур ўрганиладиган мактаблар, мактаб интернатлар ва лицеевларнинг У-ХІ синфлари учун), Тошкент, 1993.
76. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Тошкент. "Ўқитувчи", 1992.
77. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992.
78. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. "Халқ таълими" ойномаси, 1992 йил, 10-12= сонлари.
79. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мағкураси. Тошкент, "Ўзбекистон" 1993.
80. Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. "Ўзбек тили ва адабиёти" ойномаси, 1989 йил, 3= сон.
81. Қўшжонов М. Ҳаёт - адабиёт кўзгуси. Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
82. Ҳасанов С., Расулова Ф. Мутафаккирларнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. "Совет мактаби" ойномаси, 1991 йил, 12= сон.
83. Ҳасанов С. Хоразм мутафаккирларининг педагогик мероси. Тошкент, 1991.
84. Ҳасанов С. "...қолурки ўчмагай номинг", "Фан ва турмуш" ойномаси, 1979 йил, 8= сон.
85. Ҳасанов С. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. Тошкент, "Ўқитувчи", 1993.
86. Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. Тошкент, "Ёш гвардия", 1990.
87. Ҳаёт ва турмуш одоби дастури. (Х-ХІ синфлар учун), Тошкент, 1993.
88. Ҳусайнов М. Исёнкор шоир сиймоси. "Шарқ ўлдузи" ойномаси, 1989 йил, 1= сон.

МАКТАБДА АВАЗ ЎТАР ЎГЛИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ МАЪРИФИЙ=ПЕДАГОГИК АСОСДА ЎРГАНИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Адабиётшунос олимларимиз С.Долимов, А.Зуннунов, Н.М.Маллаев, Д.Юсупов, В.Раҳматов, Ф.Каримов, В.Мирзаев, Ҳ.Ҳомидов, С.Ҳасанов ва бошқалар Аваз Ўтар ўгли ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг адабий меросини жамоатчиликка етказиш йўлида анчагина меҳнат қилдилар. Адибнинг ҳаёти ва иходи ҳақида маълумотлар мактаб ўқув дастуридан мустаҳкам ўрин олди. Мактабда УП синғда Аваз Ўтар ўғлининг "Мактаб", "Тил", "Фидойи халқим" шеърларини ўрганишга 2 соат; Х синғда "Софиндим", "Хуш келдингиз", "Миллат", "Йўқ бўлинг", "Хуррият" ғазалларини, "Фалонким суханчиликни расмин ўзга қилмиш фан", "Ёмонларнинг ёмони" қитъаларини ўрганишга 3 соат ажратилган<sup>I</sup>. Ёш авлодни маънавий жиҳатдан етуқ ва нафосатли қилиб тарбиялашда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларимиз Аваз Ўтар ўғлини адабий меросидан қулай дидактик восита сифатида кенг фойдаланмоқдалар. Бирок, ҳунга қарамай: авазшунослик соҳасидаги ишларни ҳали зарур босқичга етган деб ҳисоблаб бўлмайди; шоирнинг ҳаёти ва адабий меросини ўрганишда хилма=хилликка, чалкаш ва янглиш фиерларга дуч келинмоқда. Мактаб ўқувчиларига Аваз Ўтар ўгли ҳунёқарашининг шаклланиши, у яшаган давр манзараси, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари ва шунга боғлиқ ҳолда шоир асарларининг ғоявий мазмуни ҳақида ҳамма вақт ҳам тўлиқ ёки бир хил маълумот берилавермайди. Бунинг асосий сабаби шу қунга қадар ўзбек адабиётини ўқитиш услубияти соҳасида Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва ижодини махсус ўрганишга бағишлиланган илмий=тадқиқот ишлари етарли эмаслигидадир.

<sup>I</sup> Умумтаълиқ мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти (У-ХI синғлар учун). Тошкент, 1992.

Биз бу ерда умуман мактабда Аваз Ўтар ўғлиниг ҳаёти ва ижодини ўрганиш услубияти устида баҳс юритмоқчи эмасмиз. Бу масала аслида илмий=тадқиқотимиз мавзуси доирасига ҳам кирмайди. Шундай бўлса ҳам бу ҳақда қисқача тўхтаб ўтиши тозим топдик, чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биз тажрибали ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган методик тавсиялар асосида дарс ўтаётган кўпгина ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Аваз Ўтар ўғли адабий меросини ўқувчиларга маърифий-дидақтик асосда тушунтиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидағи ўзбек адабиётининг энг муътабар намояндадаридан бири маърифатпарвар шоир, жағоқаш зиёли, истеъдодли лирик сиймо Аваз Ўтар ўғлидир.

Унинг ижодини ўрганиш - мактаб таълимида муҳим маърифий-тарбиявий қимматга молик бўлиб, шу йўсин, хонлик тузумига ва чоризм истилосига, истибодд ва зулм даҳшатларига қарши ёш авлодда мислсиз нафрат ҳиссини ўстирамиз. Аваз Ўтар ўғли ўша феодал=хонлик тузуми ва чоризм мустамлакасининг жағокиши, бевосита қурбони бўлди. Ана шу боисдан, ўқитувчи, аввало, ўзи шоирнинг ижодини ғоятда пухта ўрганиши, таҳлил этиши ва шу асосда ўқувчиларга чуқур мустаҳкам билим - кўникумга бериши зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, "ўзбек адабиёти" дастурида Аваз Ўтар ўғлиниг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш учун 5 соат ажратилган. Буни қуйидагича тақсимлаш мумкин;

1. Аваз Ўтар ўғлиниг ҳаёти ва ижодий фаолияти - I соат.
2. "Хуррият" - халқ озодлик харакатининг бадиий садоси сифатида - I соат.
3. Аваз Ўтар ўғлиниг маърифатпарварлик ғояларининг ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни - 2 соат.
3. Аваз Ўтар ўғли шеърларининг бадиий хусусиятлари - I соат.

## АВАЗ ЎТАР ЎГЛИНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Ўқитувчи "Аваз Ўтар ўглининг ҳаёти ва ижодий фаолияти" мав-  
нусидаги дарсини бошлашдан олдин шоирнинг катта килиб ишланган  
расмини синғга олиб киради. Кейин эса мавзуни эълон қилгач, Аваз  
Ўтар ўглининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишилаб 1984 йилда чи-  
қарилган қисқа метражли ҳужжатли фильмдан фойдаланган ҳодда у яша-  
ган тарихий даврдаги адабий жараён ва шоир ижодининг тадрижи ҳақи-  
да батағсил сўзлаб беради. Ўқитувчи шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини  
ўрганиш жараёнида у яшаган ва иход этган адабий-тарихий муҳит би-  
лан ўқувчиларни таништирумок учун ижтимоий-сиёсий воқеаларга алоҳи-  
да эътибор беради, хонга ва унинг амалдорларига мадҳиялар ёзган  
Фуломий, Ожиз, Камолий, Султоний, Содик каби шоирлар, XX аср бош-  
ларида кучайиб бораётган озодлик ҳаракатининг таъсирида адабий ҳаёт-  
да ҳалқчиллик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари эса Аваз  
Ўтар ўғли, Сӯфи, Фақирий, Комил Девоний, Роғиб, Сафо Муғаний, Пар-  
тавий сингари шоирлар ижодида яққол сезила бошлаганлигига ўқувчи-  
лар эътиборини қаратади, бу эса ўқитувчи маъruzасининг жонли ва  
қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Ўқитувчи "Аваз Ўтар ўглининг ҳаёти ва ижодий фаолияти" ҳақида  
гапирган ҳоғида шоирнинг отаси Полвонниёз Ўтар Гадойниёз ўғли ба-  
роят дилкаш, хушчақчак ва шоир табиат киши бўлганлигини, унинг уйи-  
да Оғаҳий, Комил Хоразмий, Мутриб, Баёний ва бошқа шоиру алломалар  
аҳли тез=тез тўпланиб, шеърхонлик кечалари ўтказилиб турилганлиги,  
бунинг ёш Аваз Ўтар ўғли дунёқарашининг шаклланишига ва истеъоди-  
нинг камол топишига самарали таъсири ҳақида батағсил сўзлаб бериши  
керак. Бу ўринда ўқитувчига "Аваз Ўтар ўглининг ҳаёти ва ижодий  
фаолияти"ни тушунтиришда қуйидаги хронологик жадвал ва авлодлари  
шажараси кўрсатилган тасвирдан фойдаланишни тавсия этамиз;

Аваз Ўтар ўглиниң ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир

хронологик жадвал

Иллар :	Тарихий воқеалар	:	Шоирниң ҳаёти ва ижодига доир далиллар
1884			Шоир Хивада туғилди.
1895			Аваз бошланғыч мактабни тұратди.
1896			Хивадаги Иноқий мадрасасига үқишигә киради.
1895-			
1905			Уста Полвонниёз Ўтар уйида бұладиган адабий кечаларда Оғажий, Комил Хоразмий, Мут- риб, Баёний ва бошқалар ишти- рок этгандар. Аваз ана шу ус- тозлар таъсирида I4 ёшида шешер ёзишигә киришади ва I5 ёши- да шоир сифатида танилди.
			Аваз Ўтар ўғли Мұхаммаң Раҳим- хон II (Феруз) томонидан сағой- га таклиф этилади.
1905	Биринчи ўрус инқилоби		
1909			Аваз Ўтар ўғли ҳурғырлилық ва шаккокликда айбләниб 200 дарра урилади ... ва "жинни бұлди" деб эълон қилинади. Шу иілнинг охирларида Бобоэшон қабристонидаги шайхлар киша- нидан озод бўлди.
			<u>Аваз Ўтар ўглиниң ижод ииллари:</u>
1895-			
1905			I. Илк изланиш (адашиш) даври- да "Хабар", "Салламно" қасида- ларини ёзди.

- 
- 
- 1905- Шоир Кавказ ва Кримга борди 2. Ижодининг тараққий этган  
1914 ва Бокуда Жалил Маматқулизода, даври. "Мактаб", "Тил", "Фи-  
Алиакбар Собир, Мұхаммад Ҳоди дойи халқим", "Уламоларга",  
каби озарбайжон маърифатпар- "Миллатни айларсан ҳароб",  
вар шоирлари билан учрашди. "Эшон" ва бошқа асарларини  
ёзди.
- 1914- 3. Етук ва забардаст шоир си-  
1919 фатида баракали ижод қилди.  
"Саодатул-икబол" девони,  
"Эй Аваз", "Топар эркан",  
"Йүқ бўлинг", "Хуррият" ва  
бошқа асарларини ёзди.
- 1919 Шоир 35 ёшида вафот этди.

### АВАЗ ЎТАР ЎГЛИ АВЛОДЛАРИНИНГ КИЧИК ШАЖАРАСИ

Гадойниёз - Аваз Ўтар ўғлининг бобоси

Авазжон кампир - Аваз Ўтар ўғлининг  
момоси

Полвонниёз - Гадойниёз бобонинг ўғли

Мұхаммад, Ёкуб, Энажон (Полвонниёзниң би- ринчи рафиқасидан туғилған ўғил-қиз- лари).	Хожибой, Ражаббой (Полвонниёзниң иккинчи рафиқаси- дан туғилған ўғил- лари).	Аваз (Полвонниёзниң учинчи рафиқаси- Ровийжондан ту- ғилған ўғли).
---	--	--

Мұхаммад Расул, Ёқутжон  
(Полвонниёзниң тўртинчи рафиқаси  
Дуржондан туғилған ўғил-қизлари).

Собир, Саодат  
(Муҳаммад Ёқубнинг  
ӯғиллари).

Машариф, Абдушариф  
(Ражаббойнинг ӯғиллари).

Розияжон  
(Аваз Ўтар ӯғлининг  
рафиқаси).

Каримберган,  
Раҳимберган  
(Авазнинг ӯғиллари),

Нихоят ўқитувчи Аваз Ўтар ӯғли яшаган тарихий даврдаги жараён ва шоир ижодининг тадрижига тўхталганда, юқоридаги хронологик жадвалдан дарсни жиҳозлашда ўринли фойдаланиши керак. Бу мавзу юзасидан шоирнинг илк изланиш даврига тўхталганда сухбатни бундай белгилайди: эндиғина адабиёт оламига кириб келаётган Аваз Ўтар ӯғли хон саройига таклиф қилинади. Дастребки кезларда шоир хон шахси ва салтанатини мадҳ этувчи "Хабар", "Салламно" сингари қасидалар ёзади. Қуйидаги мисраларни эса фикримизнинг далилидир, деб ўқиб беради:

Тонг йўқ. Табибийдек Аваз дилкаш фазал машқ айласа,  
Ким шоҳ инъоми била таъби бўлубодур асрү чок.  
Илоҳо, шаханшоҳга бўлсун мутъе,  
Амиркону, Руму, Ефуну Фаранг.

Ўқитувчи иккинчи даврга таъриф бераркан, Аваз Ўтар ӯғли Шарқ адабиётининг энг яхши анъаналаридан озиқ олиб, уни давом эттирганиги, илғор фикрли шоир сифатида шаклланганлиги, Аваз Ўтар ӯғли ижодининг янги поғонага кўтарилишида хон саройидаги фисқу фасод ва тубанликлар туғайли шоир саройини тарқ этганлиги, олам ва одамини таниши, Русия ва Оврупа мамлакатларидаги сиёсий вазиятлар билан рўзнома ва ойномалар орқали танишуви, 1912 йилда даволаниш учун

Кавказ ва Кримга борганда Бокуда Жалил Маматқулизода, Алиакбар Собир, Мұхаммад Ходи каби ҳурриятпарвар адиблар билан учрашуви шоир ижодига таъсири ва "Фалоний" шеърий туркумининг яратилиши ҳақида батағсил түхталиши лозим.

Ўқитувчи учинчи даврга таъриф берганда, Аваз Ўтар ўғлининг маърифатпарвар шоир даражасига кўтарилганлигини айтиб қуидаги мисралар орқали тушунтиради:

Ватанпарвар ғидойи фирмалар то бўлмайин пайдо,

На мумкин топмоғи ўлган таниға тоза жон миллат!

Ўқитувчи бу байтнинг мазмунини шарҳлаб, Аваз Ўтар ўғли ижодидаги ҳурриятпарварликни алоҳида таъкидлайди.

Ўқитувчи янги мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида қуидаги саволлар асосида сұхбат уюштиради:

1. А.Ўтар ўғлининг таржимаи ҳолини сўзлаб беринг.
2. Шоир ижоди қайси даврларга бўлинади?
3. Илк изланиш даври ижоди ҳақида сўзланг.
4. А.Ўтар ўғли ижодининг иккинчи босқичи ҳақида нималарни айта оласиз?
5. Учинчи босқич тўғрисида=чи?
6. Аваз Ўтар ўғлининг ҳурриятпарварлик ғоялари ҳақида нималарни биласиз?

Ўқувчилар савол=жавобда фаол иштирок этиб, дарс материалини яхши ўзлаштириб олганликларини ўз жавобларида намойиш этишлари лозим. Ўқувчилар билан ўтказиладиган сұхбат қуидагича ўтказилса, дарс тушунарли бўлади.

Ўқитувчи: Аваз Ўтар ўғлининг ilk изланиш даври ижоди ҳақида сўзланг.

Ўқувчи: Аваз Ўтар ўғли XIX асрнинг охиридан то 1905 йилгача, яъни ilk изланиш даврида қисман сарой адабиёти таъсирида ижод эт-

ган бўлса ҳам, унинг хон томонидан тан жазосига ҳукм этилиши, бидъатчи руҳонийларнинг қилган бўхтони шоирнинг кўзини очди. У тез орада халқпарварлар қаторига ўтди эрк=ҳуқуқ, муҳаббат, вафо ва садоқатни тараннум этувчи ғазаллар ёзди.

Ўқитувчи: Аваз Ўтар ўғлининг ҳурриятпарварлик қарашлари ҳакида нимани биласиз?

Ўқувчи: 1914-1919 йилларда, яъни шоир ижодининг учинчи босқичида "Уламоларга", "Халқ", "Сипоҳийларга", "Ҳуррият", "Йўқ бўлинг", "Ҳарб ваҳшийларига", "Замон" каби ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарларини яратди.

Ифодали ўқиши: "Ўзбек адабиёти мажмуаси"даги Аваз Ўтар ўғли асарлари устида ишлаш, савол=жавобдан сўнг ўқитувчи сухбатга якун ясади.

Ўқувчиларга уй вазифаси берилгач, беш=олти ўқувчининг билимига баҳолар қўйилиб рағбатлантирилганлиги изоҳланади.

Ўқитувчи Аваз "Ўтар ўғлининг ҳаёти ва иходий фаолияти"ни баён этганда шоир авлодларининг шажарасини ҳам қисқача тушунтириши муҳимdir. Буни сухбат усулида бундай бошлаган мақсадга мувофиқdir:

- Аваз Ўтар ўғлининг бобоси Гадойниёз ота 70 раҳорни кўрганда, унинг рафиқаси Авазжон момо эса 60 ёшга кирган чоғида фарзанд кўришади. Гадойниёз ота қариган чоғида фарзанд кўрдим, энди уни Полвон пирга назар қилганим бўлсин деб, ўғлининг исмини Полвонниёз деб атайди.

Гадойниёз ота ўғлиши беш ёшга тўлганида, Қоракўз масжиди қошидаги мактабдор Ражаб муллага шогирдликка беради. Чакқон, қобилиятли ва хуштабиатли Полвонниёз мактабда хат-саводни чиқаришдан ташқари отасининг табиблик ва сартарошлиқ ҳунарларини, хусусан бош оғриғига қарши қулоқ орқасидан қон олиш, сариқ касаллигини, кўз ва оёқ оғриғи касалликларини даволаш усулларини ҳам моҳирлик билан

эгаллайди. Шу тариқа ота=ўғил халққа холисона хизмат қила бошлайди. Полвонниёз халқ ҳурматини қозонгани учун ҳам эл орасида "уста Ўтар" номи билан машхур бўлади. "Ўтар" исм эмас, Полвонниёз Гадойниёз ўғлининг сартарошлиқ хунарига бир ишорадир холос. Гадойниёз бобо 90 ёшда вафот этади.

Полвонниёз биринчи рафиқасидан бир ўғил ва бир қиз (Муҳаммад Ёқуб ва Онажон) кўради. Рафиқаси вафот этгач, Полвонниёз иккинчи маротаба уйланади. Ундан эса, Ҳожибой, Ражаббой исмли фарзандлар туғилади. Бу рафиқаси ҳам вафот этгач, Полвонниёз учинчи марта Ровияжон исмли аёлга уйланади ва ундан Аваз исмли ўғил кўради. Аммо орадан бир оз вақт ўтгач, Ўтар бобонинг бу хотини ҳам оламдан ўтади. Шундан сўнг у Тўртинчи марта хонқалик Дуржон исмли аёлга уйланади ва ундан Муҳаммад Расул исмли ўғил ва Ёқутжон исмли қиз кўради.

Муҳаммад Ёқуб хонлик тузумига қарши ҳаракатда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилади. У ёру-биродарларининг ёрдамида Хивадан Чоржуйга қочиб кетишга муваффақ бўлади. Фақат халқ инқилобидан кейингина Хоразмга қайтиб келади ва Хивада турли ишларда фаолият кўрсатади. У 1932 йилда Чоржуйда вафот этади.

Муҳаммад Ёқубнинг қизи Саодат, Авазнинг шогирди шоир Ота Маҳсум Муҳаммад Латиф ўғли Парставийнинг турмуш ўртоғидир.

Ўтар бобонинг Собиржон исмли ўғли эса Хоразмда моҳир тикувчи сифатида эл ҳурматини қозонган. У 1967 йилда вафот этган.

Ўтар бобонинг сартарошлиқ касби билан шуғулланган ўғли Ҳожибой эса 1961 йилда вафот этган.

Ражаббой умрининг охиригача (1965 йилда вафот этган) молия ходими вазифасида ишлаган. Ҳозирда эса унинг фарзандлари Машариф ва Абдушариф Ўтаровлар ота касбининг давомчилариdir.

Муҳаммад Расул Зо= йилларда тиббиёт соҳасида Хоразмдан етишшиб чиққан дастлабки олий маълумотли шифокордир. У 1938 йилгача Ялтадаги "Ўзбекистон" сацаторийсида, 1938 йилдан 1940 йилгача Сармарқандда, 1940 йилдан умрининг охиригача Хоразмда соғлиқни сақлаш ишига салмоқли ҳисса қўшиди. Бундай ҳалол хизматлари эвазига у "Ўзбекистон ССҶда хизмат кўрсатган шифокор" фахрий унвони ва "Соғлиқни сақлаш аълочиси" нишонига сазовор бўлди.

Аваз рафиқаси Розияжон билан атиги ўн йилдан сал зиёд вақт турмуш кечириб, учта ўғил кўришиди. Шоирнинг катта ўғли Каримберган Гошкент фармацевтика ўрта махсус билим юртини тугатиб, ота=боболари ишини давом эттириди. Ҳозир эса бу касбни ўнлаб набиралар давом эттиришмоқда.

Авазнинг иккинчи ўғли Раҳимберган Улуғ Ватан урушида қатнашиб ҳаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шоирнинг учинчи ўғли эса, ёшлигидан қалликка учраб вафот этган.

Хуллас, Полвонниёз Гадойниёз ўғли Ўтар бобо ўзидан II5 авлод ғолдириб 1936 йилда 108 ёшида вафот этган. Умуман, Аваз Ўтар ўғининг ҳаётига доир бундай қўшимча материаллардан дарс жараёнида ғойдаланиш ўқитувчиларда шоир ижодига кучли муҳаббат ҳиссини уйғоради ва ўқув материалини онгли, пухта ўзлаштиришга ёрдам беради, албатта.

"Хуррият" – ҳалқ озодлик ҳаракатининг  
бадиий садоси сифатида

Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғлиниң "Миллат", "Хуш келдингиз", "Соиндим", "Ҳалқ", "Уламоларга хитоб", "Фалонким суханчиликни расин ўзга қилмиш фан", "Ёмонларнинг ёмони", "Йўқ бўлинг", "Сипоҳи юра истар", "Хуррият" каби ижтимоий-сиёсий мавзудаги асарларига ўхталган чоғида Санкт-Петербургдан Хивага сургун қилинган Краши-

лов, Сафронов, Киселев, Андреев каби ўрус инқилобчи муҳожирлари ва чор армиясининг Ҳивадаги инқилорий кайфиятдаги аскарлари билан Аваз Ўтар ўғлининг дўстлашуви ва улардан ўрус тилини ўрганиши, бунинг шоир дунёқарашининг шаклланишига таъсири, Хевада жадидлардан ташкил топган "ижтимоийчилар" гуруҳининг пайдо бўлиши ва Аваз Ўтар ўғлининг бу гуруҳ йигилишларининг фаол иштирокчисига айланишига атрофлича тўхталади. Сўнгра эса ўқитувчи "ижтимоийчилар" 1905 йил инқилобидан кейин Хевада хон ва унинг амалдорларига қарши тузвилган кичик ташкилот бўлиб, у аввало адолат, эрк, тенглик учун курашни мақсад қилиб қўйганлигини Аваз Ўтар ўғли бошлиқ бу ташкилот жиддий инқилобий ишлар билан шуғулланмасада, кишиларда машаккатли ҳаётга нисбатан норозилик уйғотишда муҳим аҳамият касб этганлиги, ташкилотнинг қирқдан зиёд аъзои бўлганлиги, ҳар пайшандек кечаси гоҳ Қаландархонада, гоҳ Қоракӯз масжида йигитлар гўё базмга тўпланишган, қўшиқлар айтишган, бу қўшиқ ва шеърлар мазмуни эрк ва адолат ҳақида бўлганлиги, хон тужумига қарши тушунтириш ишлари ҳам олиб борилганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Ўқитувчи "Хуррият" шеърини таҳлил қилганда аввал бир сидра намунали ва ифодали равишда ўқиб беради. Ўқиш асносида изоҳ талаб сўзларга, чунончи: "Хуррият", (эрк, озодлик), "Маҳв" (йўқолиш, майдондан кўтарилиб) "ихват" (биродарлик) изоҳ берилади. Кейин эса шеър ўқувчиларга ҳам ўқитилади. Шеър мазмуни ўқувчиларга бир қадар аён бўлгач, ўқитувчи шеърни таҳлил қилишга киришади.

Ўқитувчи ушбу шеър Россияда Октябрь инқилоби ғалаба қозониб, озодлик ва баҳт=саодат шабадаси эса бошлаган бир дамда ёзилганини таъкидлайди.

Шоир "сиёsat маҳв бўлди" дейиш билан монархия – якка ҳукмронлигига узил-кесил зарба берилганлигига ишора қиласи ва хуррият (озодлик)ни табриклайди. Шеърда илгари сурилган ғоя-халқлар дўст-

лиги (иттифоки) бўлиб, шу туфайли олам обод ва гўзал бўлишилиги тушунчаси ифодаланади.

„Хор, афтодаҳол“ меҳнаткаш халқнинг забун аҳволи, ҳаддан ошган жабр=зулм ва чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати Аваз Ўтар ўғлини қаттиқ ранжитди ва изтиробга солди. Шу беисдан, у меҳнаткаш халқнинг фамхўри, ҳимоячиси, илғор фикр ташувчиси сифатида майдонга чиқди ва унинг дарду аламларига шерик-ҳамнафас бўлди.

Аваа Ўтар ўғли асарининг ўзига хос юксак фазилати шундаки, шоир "Ҳуррият" шеърида қўпчиликнинг, умумнинг аҳил-яктанлик билан бир ёқадан бош чиқаришини улуғлайди ва қадрлайди:

Жаҳон аҳли мағга сизсиз севикили жон азизим, дин,

Эрумиз бир=бирилизга яқин гўёки бир ихват.

Ҳуррият учун мардонавор курашганларни қаҳрамонлар деб улуғлаган шоир улар ҳақига энг яхши тилаклар, эзгулик тилайди. Уларни "биродарлар" деб атайди.

Ўқитувчи "Ҳуррият" шеъри II бўғинли бўлиб, арузнинг содда халқчил шаклида яратилганини, шоирнинг "Ҳуррият"ни "жаннат"га "талъат"ни "миллат"га қофия қилиб танлаши ҳам бежиз эмаслигини, чунки "Ҳуррият"ни афсонавий "жаннат"га қофия қилиниши, инсоннинг мавҳум орзу-умиди, ишончини аниқ изоҳланиши – булар ҳаммаси Аваз Ўтар ўғлининг ҳурриятпарварлик ғояларидан келиб чиққанлигини ўқувчиларга батағсил тушунириши керак.

Ўқитувчи дарс якунида ўқувчилар эътиборини асосан 1905 йилдан кейин кучайган миллий озодлик ҳаракати ва инқилобий кўтарилиш Аваз Ўтар ўғли каби илғор фикрли шоирлар ижодига самарали таъсир қилиб, уларнинг асарлари орқали халқ ичига борган сарш кенг тарқалиб борганилигига, "Ҳуррият"га бўлган ишонч меҳнаткашларни курашга, ғалабага бўлган интилишини мустаҳкамлаганилигига жалб қилиши лозим.

Аваз Ўтар ўғлининг маърифатпарварлик ғояларининг  
ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни

Аваз Ўтар ўғли ўз халқини жони-танидан севди, бутун ишончи, қувончи ва таянчи халқ бўлди. "Зулм тифи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ"нинг бутун заҳматларини худди ўшалар билан бирга "татиб кўрди". Бироқ у халқни ожиз, кучсиз, чорасиз кўрмади. Балки унинг уйғонишига, бош кўтариб, зулм=истибодд илдизига болта уришга қатъий ишонди. Халқпарвар шоир "Кўзларин оҳиста=оҳиста олар очса замон, Эй Аваз, бўлмас бунингдек барҳо овора халқ", - деганига, зулм=истибдон ва бахтсизликдан қутулишнинг бирдан=бир йўли илм маърифатни эгаллашда деб таъкидлади. "Нединким бизни ғам=қайғудин озод этгуси мактаб" ("Мактаб" шеъри) деган шоир илм=маърифат машъалини ёқишига даъват этди. Зотан ўша мустабид замонда шунинг ўзи ҳам катта жасорат эди.

Аваз Ўтар ўғлининг "Мактаб" шеърини ўқир эканмиз, беихтиёр Фурқатнинг маърифатпарварлик ғоялари ("Гимназия", "Илм ҳосияти") кўз ўнгимииздан ўтади. Шуниси ғоятда характерлики, ҳар иккала шоирдаги маърифатпарварлик қарашлар ғоятда уйғун ва ҳамоҳангдир.

Қаранг, Фурқат айтади:

Кўнгилларнинг сурури илмданdir,

Кўрар кўзларнинг нури илмданdir.

Энди Аваз Ўтар ўғлига қулоқ тутайлик:

Кўнгилларнинг сурури, доғи кўзлар нуридир фарзанд,

Аларнингу умрини албатта обод этгуси мактаб.

Бу шундан далолат берадики, XX аср бошларидаги илғор ўзбек адабиёти ва унинг намояндалари хоҳ Қўқонда, хоҳ Тошкентда, хоҳ Хоразмда ижод қилмасинлар маърифатпарварлик ғоялари билан характерланади. Бу ғоя дунёқий илмларнинг ташвиқи - акс садоси эди. Жаҳо-

лат ва нодонлик ҳукмрон бўлган бир даврда илм=маърифат байроғини баланд кўтариш ҳам катта жасорат эди.

Дарс жараёнида ана шу масалаларга алоҳида эътибор бериш ўқитувчи диққат марказида туриши лозим; негаки, бу синфда дарс жараёнида ўтилганларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчи "Мактаб" шеърининг якунловчи ушбу мисралари фақат шеърнинг ғоясини очувчи, якунловчи фикр намунаси бўлибгина қолмай, балки умуман, шоир маърифатпарварлик ғояларининг "синтези" эканлигини таъкидламоғи лозим:

Аваз, ҳимматни қил олий очарға эмди мактаб ким,

Балойи жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.

Ўқитувчи шоирнинг "Мактаб" шеъри ҳамиша ўзининг маърифий-таълимий аҳамиятини ва бадиий қимматини йўқотмаслигини айтиб дарсга қисқача якун ясади.

Аваз Ўтар ўғлининг "Тил" шеърини эса қуйидаги услубда ўтиш мақсадга мувоғиқдир. Ўқитувчи дарсни бошлишдан аввал Шарқ алломаларининг тил ҳақидаги фикрларидан намуналарни доскага ёзиб қўяди. Кейин эса "Тил" шеърини ўқитувчининг ўзи иғодали ўқиб беради:

Хар тилни билув эмди бани одама жондур,

Тил воситай робитай оламиёндур.

Файри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,

Ким илму хунарлар биланки ондин аёндур.

Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,

Билмакка они файрат этинг фойда кондур.

Илму фан уйига юборинглар болангизни,

Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.

Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,

Тил билмаганидан они бағри тўла қондур.

Шеър ўқувчиларга ҳам ифодали ўқитилади, кейин эса шеър матни устида иш олиб борилиб, таҳлил қилинади.

Шеър мазмунидан кўриниб турибдики, Аваз Ўтар ўғли бу асарида маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган. Аваз талқинича, маърифатли бўлган инсон - онгли, ақл=идрокли бўлади. Шу маънода шоир бирор халқнинг тараққиёти бошқа халқлардан ажralган ҳолда муваффақият қозона олмаслигини тушунган ҳолда ёшларни "Фойдали кон" бўлмиш тил ўрганишга даъват этиши бежиз эмас, бу шеърнинг ҳозирги кундаги юксак қиммати ҳам ўз=ўзидан аёндир. Негаки, шоирнинг таъбири билан айтганда, тил бошқа халқлар ютуқларидан хабардор бўлишда замонавий маданият ва илм чўққиларини эгаллашда муҳим восита ҳисобланади, кишиларнинг ўзаро муносабатида халқлар орасидаги муносабатларни йўлга қўйишда бирдан=бир алоқа бўлиб хизмат этади.

Бу фикр шеърнинг биринчи байтидаёқ акс этган:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,

Тил воситай робитай оламиёндур.

Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғлининг бу ерда тилнинг алоқа қуроли эканлигини, тил билиш ёш авлод учун - келажак учун муҳим қуроллардан бири, файри тилни билувчилар замоннинг илғор кишилари эканлигини баён қилганлигини изоҳлаб ўқувчиларга тушунтиради. Шу ўринда Аваз Ўтар ўғли "файри тил"ни, шубҳасиз, хорижий тилларни ўрганишни тарғиб қилганда, фақат алоҳида шахс камолоти билан эмас, балки жамият тараққиёти, илм=ғаннинг жамиятга хизмат қилиши билан боғла-наётганлиги изоҳлаб турунтирилиши керак, албатта.

Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғлининг "Тил" шеъри жаҳон халқлари адабиёти, шоирнинг даволаниш учун Қримга борган чоғида кўрганлари, "Туркистон вилояти газетаси", "Мулла Насриддин", "Ойна" ойномаларини мунтазам ўқиб турганлиги таъсирида ёзилганлигини далил сифатида ўқувчиларга эслатиб ўтиши лозим.

Ўқитувчи шоирнинг "Тил" шеърини таҳлил қилиш жараёнида асарнинг беш байтдан иборатлиги ва ғазал шаклида ёзилганлиги тўғрисида ҳам ўқувчиларга тушунча бериб ўтиши керак. Шунингдек, Аваз Ўтар ўғлининг тил ўрганиш ҳақидаги маърифатпарварлик қарашлари XIX асрнинг бошларида Озарбайжонда яшаб, ижод этган машхур маърифатпарвар Ҳожи Азим Ширвонийнинг ўрус забонини ўрганиш заруригини таъкидлаб ёзган "Лозимдур" радифли шеъри билан анча ҳамоҳанг эканлигини ўқувчиларга эслатиб ўтиш билан бирга, қардош татар, туркман, козок, қорақалпок халқлари адабиёти намояндаларининг тил мавзууда ёзган асарларидан ҳам намуналар ўқиб, уни қиёсий таҳлил қилиши зарур. Жумладан, ўқитувчи машхур татар шоири Абдулла Тўқайнинг "Она тилим" деган шеърини ифодали ўқиб, таҳлил қилиб бериши дарс самарадорлигини ва ўқувчиларнинг қизиқувчанлиги ошириши мумкин;

Эй азиз тил, эй гўзал тил, ота=онамнинг тили,

Дунёда кўп нарса билдим сен она тил орқали.

Аввало, бу тил билан онам бешикда куйлаган,

Сўнг узун тунлар бўйи бувим ҳикоят сўйлаган.

Эй она тил, ҳар замон бўлдинг мададкорим,

Сен туфайли англатарман шодлигим, зорим менинг<sup>I</sup>.

Аваз Ўтар ўғлининг "Тил" шеъри таҳлилига бағишлиланган дарс янги мавзууни қуидаги савол-топшириклар орқали мустаҳкамлаш билан якунланади;

1. Аваз Ўтар ўғли "Тил" шеърида қандай ғояни ифода этади?

2. Аваз Ўтар ўғли нима учун ёшларни тил ўрганишга чақиради?

3. "Тил" шеърининг қофияланиши ва вазни ҳақида сўзланг.

4. "Тил" шеъри сизда қандай таассурот қолдирди?

5. Сиз шоирнинг "Тил" шеърини яқиб қандай хулосага келдингиз?

6. Сиз Аваз Ўтар ўғлининг маърифатпарварлик ғоялари ифода

<sup>I</sup> Р.Муқимов, М.Шарипов. СССР халқлари адабиёти. "Ўқитувчи", Тошкент. 1967. 552<sup>4</sup> бет.

этилган яна қайси асарларини биласиз?

Уйга вазифа қилиб Аваз Ўтар ўғлиниг "Тил", Абдулла Тўқайнинг "Она тилим" шеърларини ёдлаш топширилади.

Аваз Ўтар ўғли шеърларининг бадиий  
хусусиятлари

Аваз Ўтар ўғли шеърларини бармоқ ва аruz вазнларида ёзди. Ажойиб, чиройли воғиялар билан безади. Бу безаш фақат ташки кўрк-жозиба учун эмас, балки чуқур ғоявий ниятни рӯёбга чиқариш, афкор оммага етказиш учун хизмат қилди. Ўқитувчи шоирнинг тўрт байтдан иборат "Сипохийларга" шеърига тўхталган чоғида, шоир тап тортмай хонлик давлат усул-идорасини нағрат билан фош этиб ташлаганигина алоҳида таъкидлайди:

Сипоҳи пора истар,  
Мулла ижора истар.  
Бечора чора истар,  
Бир чора замон борму?!

Кўриниб турибдики, бу содда, ғоятда таъсирчан ва қайноқ қалбдан отилиб чиқсан сатрлар изоҳсиз ҳам аён, ҳақиқатни рўй=рост ва дангал ифода этиб турибди. Бу ерда "сипоҳи" тушунчасини Аваз Ўтар ўғли жуда кенг маънода қўллайди. Ўқитувчи шоир амалдор=ҳукмдорларнинг бутун чиркин башарасини, қора қалбини ана шу биргина сўзда ифодалаётганлигини ва "Пора, ижора, чора" сўzlари эса аниқ маънони ташувчи бир образ сифатида ўтмиш учун ғоятда характерли бўлган учта тушунчани ифодалаб-изоҳлаб келаётганлигини ўқувчиларга кенгроқ тушунтириб бериши керак.

Аваз Ўтар ўғлини "уламоларга хитоб" шеърининг энг характерли белгиси жонли ҳалқ тилига яқинлиги, унда мураккаб фикрларни ифодалашда ҳалқ ишлатадиган яхлит бирикма ва ифодаларнинг жуда ҳам ўрин-

ли ишлатилганигидадир. Масалан, шоир "Уламоларга хитоб" шеърида ёзади:

Бизни айлаб хору зор нотавон этмоқ учун,  
Бермайин осор ҳурлик банди зиндан этдингиз.

Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғлининг бундай тиник фикрларидағи "Банди зиндан" сўзлари жуда чуқур маънони англатишини яъни шоир бутун Хива хонлиги ҳукмронлигидаги ўлкани зинданга қиёс этиб, ҳалқни бандиларга ўхшатаётганлигини сўзлаб бериши зарур.

Ўқитувчи Аваз Ўтар ўғли зулм ва адолатсизлик ҳукмронлик қилган ўша замонларда бутун истеъдодини ва ижодини умрининг охиригача ҳалқ учун сафарбар этганлигини, унинг асарлари ўз гоявий мазмуни ва бадиий хусусиятлари жиҳатидан юксак бўлганлиги учун ҳам ҳозиргacha ўзининг маърифий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиши керак.

## 2= илова.

### АВАЗ ЎТАР ЎҒЛИНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ЮЗАСИДАН СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Синфдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг аҳамияти жуда каттадир. Дарвоҷе "Аваз Ўтар ўғли ҳаёти ва ижоди" билан ўқувчиларни чуқур таништириш мақсадида шоирнинг "Ҳалқ", "Ҳуррият", "Уламоларга хитоб", "Сипоҳийларга", "Ҳарб ваҳшийларига", "Фидойи ҳалқим" ва бошқа асарларини ёдлаш ўқувчиларга топширилади, шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан суратли монтаж тайёрланади, шоирга бағишлиган деворий газета чиқарилади, шоир асарлари юзасидан савол=жавоб (викторина) ўюнтирилади, бадиий кечага тайёргарлик кўрилади. Йқоридагига ўхшаган Аваз Ўтар ўғли қаламига мансуб асарларни синф-

дан ташқари адабий машғулотларда ифодали ўқиш ва шоир ижодини ўрганишга, ўқувчиларнинг шоир асарларини англаб олишларига, уларда ахлокий тушунчаларни шакллантиришга ва нафосат завқини тарбиялашга ёрдам беради, албатта.

Шунинг учун мактабда синфдан ташқари Аваз Ўтар ўғли шеърларини ифодали ўқиш юзасидан танлов (конкурс)лар ташкил этиш максадга мувофиқдир. Танловда ўзбек тили ва адабиёти тўгараги қатшачилари ва ҳаваскор ўқувчилар иштирок этадилар.

Ифодали ўқиш танловининг режаси, мавзуси ва шартлари ўқув или бошида услубият (метод) бирлашма йифилишида белгиланади ва ўқувчиларга маълум килинади. Танловда қатнашишни истаган ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тайёргарлик кўриб борадилар. Танловда ўқиладиган шеърлар рўйхати услубият (метод) бирлашма раҳбари билан келишиб тузилади. Танлов ўтадиган кун, танлов шартлари, ёд ўқиладиган шеърлар рўйхати, фойдаланиладиган адабиётлар бир ой аввал мактабнинг кўзга кўринадиган жойига илиб қўйилади. Аваз Ўтар ўғли шеърларини ифодали ўқишга бағишлиган танловда ўқувчиларга шоирнинг қўйидаги асарларини тавсия этиш мумкин:

1. "Мактаб", "Фидойи халқим", "Топар эркан қачон", "Халқ", "Сипохиларга", "Ҳарб ваҳшийларига" ва б.к.
2. "Уламоларга хитоб", "Шайх", "Икки шайх", "Носиҳ", "Зоҳид" ва б.к.

3. "Фалоний" туркумидаги асарлари.

Танлов билан боғлиқ ишлар икки босқичга бўлинади:

1. Танловга тайёрланиш.

2. Танловни ўтказиш.

Танловга тайёрларлик кўриш ўқувчилар ўртасида шоир ижоди ҳақида сұхбат ўтказишдан бошланади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига шеър танлайдилар, уни ёд оладилар, ифодали ўқиш юзасидан машқ

қиладилар. Шундан кейин, танловни ўтказиш куни белгиланади, бу ҳақда эълон қиқарилади, конкурсни ўтказувчи ҳайъат (Жюри) тузилади. Ҳайъат (жюри) таркибиға мактаб раҳбарларидан бири, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, адабиёт тўгараги раҳбари, мактаб жамоатчилик уюшмаси вакили, кутубхона мудири кабилар киритилади.

Танлов ҳайъат (жюри)раисининг кириш сўзи билан бошланади.

Бунда у Аваз Ўтар ўғлининг ўзбек адабиётида тутган ўрни тўнрисида қисқача сўзлайди ва бугун унинг шеърлари асосида ифодали ўқиш танлови ўтказилишини эълон қилади. Шу пайт залда ғамгин кўринишида Аваз Ўтар ўғли қиёфасидаги ўқувчи пайдо бўлади. Шоир замонидаги зор-аламларни ифодаловчи фазаллар ўқийди, залга тўпланганлар буни қарсаклар билан кутиб оладилар. Фазалгакуй, куйга фазал уланиб, ўтирганларнинг дилини хушнуд этади.

Шундан сўнг ўқувчилар навбат билан чиқиб, Аваз Ўтар ўғли фазалларини ёд ўқий бошлайдилар. Ҳайъат (жюри) аъзолари бу ўқувчиларнинг ифодали ўқишлиарни кузатадилар, уларни баҳолайдилар. Танлов якунида танлов "ғолиби" аниқланади. Бу голиб ўқувчи мактаб директори томонидан рағбатлантирилди ва унга "Адабиёт олимпиадалари"га қатнашиш ҳуқуқи берилади. Унинг ғолиблиги ҳақида мактаб деворий газетасида мақола эълон қилинади.

Танловга бундай тайёрланиш ва уни ўтказиш Аваз Ўғли ижодини мактабда кенг ташвиқ қилиш учун замин ҳозирлайди, ўқувчиларни шеърий асарларни севишда ва моҳиятини тушунишга ўргатади, нутқ маданиятининг яхшиланишига ёрдам беради.

Синфдан ташқари ўқишининг танлов ва ундан бошқа турларини ўтказишида мактабдаги адабий тўгарак ишининг ҳам роли катта.

Чунки адабиёт тўгараги синфдан ташқари ишларнинг муҳим тармоғидир. Адабиёт тўгараги режасига Аваз Ўғли ҳаёти ва ижодини кенгроқ билиш ҳамда ўрганишга ёрдам берадиган асарлар киритилади.

Шу билан бирга, адабиёт тўгараги режасини тузишда ўқувчилар жамоасининг хоҳиш-истаклари, ёш хусусияти ҳам ҳисобга олинади. Чунки адабий тўгаракда ўтказинадиган машғулот режасининг ҳар тарафлама ўйланиб тузилиши тўгарак аъзоларининг фаоллигини оширишга ёрдам беради.

Адабий тўгарак машғулотининг иш услуби қуйидагича бўлиши мумкин: Аваз Ўтар ўғли асарларини иғодали ўқиши, айрим асарларининг таҳлили устида ишлаш, шоир ҳаёти ва ижодининг маълум даври юзасидан маърузалар тайёрлаш ва уни муҳокама қилиш, айрим фазаллари юзасидан китобхонлар анжумани ўтказиш ва бошқалар.

Шунингдек, адабий тўгаракларда шоирнинг "Тил", "Мактаб", "Фидойи халқим", "Йўқ жаҳон" мулкида биздек ожизу бечора халқ" шеърларини ёддан таъсирчан вилиб ўқишига тайёрлаш ҳам ғойдали бўлиб, бу тадбир ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришга, уларда ҳурфиксалик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга, нағосатлик дидларини ўстиришга ғоят катта таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, драматик тўгаракларида Аваз Ўтар ўғлининг "Фалоний" туркумидаги шеърлари асосида кичик саҳна-эпизодлар тайёрлаш ҳам мумкин.

Ўқувчилар Аваз Ўтарнинг ҳаёти ва ижодининг бирор соҳасини ўрганишга истак билдирысалар, ўқитувчи шоир ижодида муҳим ўрин туладиган бирор мавзуни танлаб, шу мавзу юзасидан адабий анжуман ўштиргани маъқул.

Анжуманда маъруза қилувчи ва сўзга чиқувчиларга қуйидаги мавзулар бўлиб берилади:

I. Маъруза учун:

1. Аваз Ўтар ўғлининг инсонпарварлик ғоялари.

2. Аваз Ўтар ўғлининг маърифий=тарбиявий карашлари.

П. Инсценировка учун: "Үт чақнаган сатрлар".

Ш. Бадий үқищ учун:

1. "Сипоҳиларга", "Халқ", "Миллат".
2. "Ҳуррият", "Фидойи халқим".
3. "Тил", "Мактаб".

Бу адабий мавзуга багишиланган анжуман бўлиб, уни ўтказишдан олдин адабиёт ўқитувчиси бошчилигида китобхонлар фаолларининг иғилиши бўлади. Йиғилишда анжуманинг мавзууси, ўтказилиш вақти аниқланади, вазифалар тақсимланади, анжумани ўтказиш режаси тузилади. Бу режа таҳминан қуидагича бўлиши мумкин:

1. Китобхонлар анжумани ва унинг вазифалари ҳақида сухбат.
2. Анжуманга оид адабиётлар рўйхатини тузиш ва мустақил ўқиши ташкил қилиш.
3. Анжуман режаси муҳокамаси ва вазифаларини тақсимлаш.
4. Анжуманинг мавзууси ва дастури ифодаланган кўргазмалар чиқариш.
5. Инсценировка қатнашувчиларининг ўқиши.
6. Ифодали ўқийдиганларни тайёрлаш.
7. Аваз Ўтар ўғли хаёти ва ижодига доир китоблардан олинган матнлар ва расмлар монтажини чиқариш.
8. Анжуманга багишиланган деворий газета чиқариш.
9. Адабий тўгарак аъзолари ижросида инсценировка тайёрлаш.
10. Маъruzаси, шеърни ифодали ўқувчилар ва инсценировка қатнашчилари билан сухбат.
- II. Анжуман иштирокчилари ва сўзга чиқувчиларга ғойдали маслаҳатлар уюштириш.
- I2. "Аваз Ўтар ўғли - халқпарвар шоир" деган альбом тайёрлаш.
- I3. Анжуман муносабати билан адабий кўргазма ташкил қилиш.
- I4. Анжуман қатнашчиларини охирги синовдан ўтказиш.

15. Анжуманнинг қатъий дастури ва унинг муҳокамаси.

16. Анжуманинг ўтказиш.

Анжуман режаси:

1. Кириш сўзи.
2. Инсценировка. "Ўт чақнаган сатрлар",
3. Маъруза. Аваз Ўтар ўғли ижодида маърифатпарварлик ва дидактик ғоялар.
4. Бадиий ўқиши. "Тил", "Мактаб".
5. Маъруза. Аваз Ўтар ўғли ижодида инсонпарварликнинг улугланиши.
6. Бадиий ўқиши. "Халқ", "Ҳуррият".
7. Ўқувчиларнинг чиқишилари.
8. Якун.

Анжуман ўтказиладиган кун белгилангач, эълон чиқарилади, ўтказиладиган жой шинам безатилади, шоирга аталган кўргазма ташкил этилади. Кўргазманинг биринчи бўлимида Аваз Ўтарнинг "Саодатул-иқбол" девони; Авазнинг "Сайланма" асари ва бошқа адабиётлар шоирнинг ҳаётига оид расмлари, турли жиҳозлар ва сўз усталарининг шоир ижоди ҳақидаги фикрлари акс эттирилади. Унда ўқувчиларнинг Аваз Ўтар ўғли ижоди асосида ёзган ёзма ишлари, тўгарак аъзоларининг шоирга аталган шеър ва альбомларини кўйиш мумкин.

Шундан сўнг анжуман режа асосида ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади ва уни очиқ деб эълон қилади. Шу пайт парда очилади. "Ўт чақнаган сатрлар" шеърий инсценировкадан кўриниш намоийиш қилинади.

Кўриниш тугагач, маъруза бошланади. Маърудада, асосан, Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва ижодий йўлига шарҳ берилади, асарларининг бадиий қиймати ва тарбиявий аҳамияти очилади. Маърузадан сўнг бадиий ўқишлар ўтказилади.

Иккинчи маъruzachi Avaz Ўтар ўғли ижодида инсонпарварликнинг улуғланиши ҳақида сўзлар экан, "Халқ", "Фидойи халқим", "Сипохиларга", "Уламоларга", "Шайх", "Хуррият", "Йўқ бўлинг", "Тил", "Мактаб", "Миллат", "Замон", "Топар экан қачон" сингари асарларига тўхталади ва уни таҳлил қилиб, унинг инсонпарвар шоир эканлигини уқтириб ўтади.

Маъruzadan сўнг қизғин мунозаралар уюштирилади. Бир неча ўқувчи Avaz Ўтарнинг бадиий маҳорати, ўша шоир яшаган давр кишиларининг маънавий дунёси ва руҳий олами ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

Бундай анжуманлар ўқувчиларга қизиқиш уйғотади, иғодали ўқиш ва бадиий ҳикоя қилиш кўниқмаларини янада кенгроқ шакллантиради.

X синф ўқувчилари Avaz Ўтар ўғлиниң ижоди бўйича маъruzalарга ҳам тайёргарлик кўрадилар. Уларга қуйидаги мавзуларда маъруза қилишни топшириш мумкин:

1. Avaz Ўтар ўғли - халқпарвар ва демократ шоир.
2. Avaz Ўтар ўғли ахлоқий ғазилатларни әгаллаш ҳақида.
3. Avaz Ўтар ўғлиниң жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари.
4. Avaz Ўтар ўғли ва унинг адабий муҳити.

Avaz Ўтар ўғли ижоди юзасидан синфдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг якуний босқичи адабий кечадир.

Avaz Ўтар ўғли ижодига бағишлиланган адабий кечани ўтказиш учун олдин тахминий режа тузилади ва тўгарак аъзолари ўртасида муҳокама қилинади. Бу йиғилишга ёшлар уюшмаси фаоллари ҳам жалб этиладилар. Адабий кечанинг режаси билан мактаб кутубхонаси мудири, синф раҳбарлари ҳам таништирилади.

Avaz Ўтар ўғли ижодига бағишлиб ўтказиладиган адабий кечанинг режаси тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

- I. Шоир ҳаёти ва ижоди билан тўгарак қатнашчиларини чуқур таништириш.

2. Аваз Ўтарнинг ғеодал зулмга, жаҳолатга очиқдан-очиқ қарши чиқиши меҳнат аҳлини ҳурриятга даъват этиши, инсоннинг ижтимоий бурчи ва камолоти ҳақида ёзган шеърларининг асосий мазмуни ҳақида кенг маълумот бериш.

3. Адабиёт назариясидан: газал, диалог, монолог, лирик қаҳрамон, шеър тузилиши ҳақида синфда ва синфдан ташқари ўқиш учун берилган маълумотларни мустаҳкамлаш ва тўлдириш.

4. Шоир Аваз Ўтар ўғли ижодида гўзал инсоний фазилатларни тасвирланиши ва маърифатпарварлик ғоялари ҳақида маълумот.

5. Аваз Ўтар ўғли ижоди юзасидан таассурот-хотира ёзишининг усууллари ҳақида тушунча бериш.

6. Аваз Ўтар ўғлининг замондошлари ҳақида матбуотда эълон қилинган ва мактаб дастури, дарслкларига киритилмаган хотира-эсдаликлар билан тўгарак қатнашчиларини таништириш.

7. Адабий кечадастурига асосан тайёрланган маърузалар, инсценировка, ёд олинган шеър, декломацияларни саҳнада кўриш, умумий тайёргарликдаги камчиликларни белгилаб, зарур кўрсатма ва масла-хатлар бериш.

8. Якунловчи машқ (репетиция), умумий тайёргарликдан ўтказиш, билдирилган фикр=мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда адабий кечадастурига асосан тайёрланган маърузаларни белгилаш (мактаб раҳбарлари ва жамоат уюшмалари иштирокида).

9. Адабий жечадастурига асосан тайёрланган маърузаларни белгилаш, умумий ишниң ютуқ ва камчиликларини муҳокама этиш, кечада ўз сўзлари, ёд айтган адабий парчалари билан муваффақият қозонгандан ўқувчиларни рағбатлантириш, шунингдек, йўл қўйилган шуксонларни ҳам айтиб, тўгарак машғулотларининг Аваз Ўтар ижодига бағишлиланган давраси ишнин яқунлаш.

Адабий жечага тайёргарлик кунларида, шоирга бағишлиланган су-

ратли (фото) ва дөворий газеталарнинг навбатдаги сони чиқарилади. Уларда Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва иходига доир хотиралар, ўкувчиларнинг мақола, таассурот ва шеърлари ёритилади, турли хил жиҳозлар ва альбомлар тайёрланади. Кечага тайёргарлик ишлари туга-гач кечада қилинадиган маъруза, ўқиладиган шеърлар сўнгги кўрикдан ўтказилади, кечанинг қатъий режаси тузилиб, вазифалари аниқтақсимланади.

Адабий кеча монтаж тарзида ўтказиладиган бўлса, адабий тў-гарак қатнашчиларидан Аваз Ўтар ўғлининг иходи тўғрисида тўлик гапириб бера оладиган, нутқи равон ўкувчи маърузачи қилиб белгиланади. Маърузачи баён қилаётган фикрини Аваз Ўтар ўғли асарларидан парчалар келтириб тўлдириб боради. Адабий жечада баъзан "Аваз Ўтар ўғли ҳаёти ва иходи" мавзусида маъруза қилинади, Сунгра ўкувчилар Аваз Ўтарнинг асарларидан парчалар ўқиб берадилар.

Агар ўқитувчи шу адабий кечани ўтказишни муносиб топса, ўкувчилар "Аваз Ўтар ўғли шеърларида хонлик тузумига чексиз нафрат ва озодлик садоси", "Аваз Ўтар ўғли – мураббий шоир" мавзуларида маъруза тайёрлайдилар.

Маъруза давомида шоирнинг "Халқ", "Хуррият", "Сипоҳиларга", "Уламоларга", "Тил", "Мактаб", "Топар эркан", "Ҳарб ваҳшийларига", "Бировлардир", "Ажойиброк замон", "Фигоним", "Оҳқим қилди ғалак", "Ман чекмаган дарду меҳнат қолмади" шеърлари ўқилиши мумкин.

Монтаж тарзида ўтказиладиган адабий кечанинг дастури қуидагича бўлиши мумкин:

1. Тўгарак раҳбарининг кириш сўзи.
2. Маъруза: "Аваз Ўтар ўғлин – халқнинг ғевимли шоири".
  - а) ашула: "Кўзингни ғамзаси", "Ўлтирур".
  - б) бадий ўқиши: "Тамошо", "Сўрмади ҳодимни", "Гулшан аро гул бир тараф", "Ҳар кишининг дарди бўлса" шеърлари.

3. Маъруза: "Аваз Ўтар ўғли асарларида халқ иидоси".

а) бадиий ўқиши: "Фидойи халқим", "Халқ", "Сипохиларга", "Уламоларга", "Миллат", "Мен чекмаган дарду меҳнат қолмади".

б) ашула: "Муҳаббат ахлиға", "Лутғу карам айлаб" шеърлари асосида.

Мактабда УП синғ ўқувчиларига Аваз Ўтар ўғли шеърларидан ёд олдириб, ўқувчилар ўртасида уларнинг чиқишлигини уюштириш йўли билан ҳам кенг ташвиқот ишларини олиб бориш мумкин. Бунда ўқувчилар шоирнинг "Тил", "Мактаб", "Фидойи халқим" каби шеърларидан ва рунонӣйларидан фойдаланаадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Аваз Ўтар ўғлининг ҳаёти ва ижоди юзасидан синғдан ташқари ўтказиладиган барча тарбиявий ишлар мактаб ҳамда ўқитувчилар жамоасининг диққат марказида туриши зарур. Чунки шоирнинг адабий қадриятларидағи пурмаъно фикрлар ёшларимизни ростгўйлик, сахийлик, меҳр=оқибатлилик, со-диқлик, шиҳоатлилик, аҳиллик, сабр=тоқатлилик ва ўз халқини, ватанини севиш руҳида тарбиялашда муҳим восита бўлиб жизмат қиласи ва ўзлигини англашга ёрдам беради.